

ISSN 2181-9521

№ 3-son, 2022



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ФАРОВОНЛИК БАР

*Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Дуоғўй момоларимиз, муштипар оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эҳтиром ва эътиборнинг албатта қадрига етадилар. Аёл қадрни, инсон қадрни улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака албатта барқарор бўлади.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Яратганга шукур осуда юртимизда байрамлар кўп. Лекин, улар ичида ўзининг ўзгача шукуҳи, қалбга яқинлиги, қолаверса залворли моҳияти билан бошқаларидан ажралиб турадиган бир байрам бор. Бу меҳр-оқибат, эзгулик ва гўзаллик тимсоли бўлмиш аёлларни қадрлаш куни – 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамидир. Ушбу байрам шукуҳи ва қувончи бу йил тамоман ўзгача бўлди.

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбирида иштирок этган Президентимиз аёлларни самимий табриклаб, уларга юксак эҳтиромини қуйидагича билдириб ўтди. “Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганнинг улуғ неъматини, тенгсиз мўъжизасини, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди. Юртимиз замини-

даги “Бибихоним”, “Қизбиби”, “Модариҳон”, “Қирққиз” мажмуаси каби табаррук меъморий обидалар ҳам ана шундай азалий юксак эътибордан далолат беради. Айти пайтда биз инсоният тараққиётига унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улуғвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан албатта фахрланамиз.”



# ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ҚАРОР БЎЛАДИ!

Дарҳақиқат, бугунги кунда “аёлни эъзозлаш – эзгулик ва адолат мезони” деган улуғвор ғоя ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топиб бормоқда. “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” деган инсонпарвар тамойил асосида, биргина 2021 йилнинг ўзида қарийб 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилган. Тасаввур қилинг, бутун дунё



воқеликка айланганлигига яққол далолат бўлади. Бундай эзгу амаллар муборак она сиймосини, мукаррам аёл зотини халқимиз қадимдан ардоқлаб келаётганининг мантиқий давомидир.

Янги жамиятимиз тараққиётининг ҳам асосий ғояларидан бирига айланган “ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланиши” замирида улкан маъно мужассам. Сабаби оналаримизнинг, мўътабар аёлларимизнинг ўз ҳаётларидан розилиги жамиятнинг тинчлиги ва фаровонлигини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланади. Шу маънода хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Зеро, мўътабар аёллари кадр топган ва улуғланган юртда тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлади...



иқтисодиётида беқарорлик тенденцияси ҳукм сураётган бугунгидай мураккаб бир шароитда ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Хусусан, 18 мингта аёлларга уй-жой харид қилиш учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун боғча харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилди. Ушбу статистик маълумотлар аёлларимизни эъзозлаш фақат шиорларда эмас, балки ҳаётий



**Умид КАДИРОВ,**  
Бухоро туманлараро маъмурий судининг судьяси.

**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойқул АЗИЗОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Беҳзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Шаҳбоз САИДОВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 28.03.2022 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма № 12 Адади 2700  
Баҳоси келишилган нархда

“TIPOGRAFIA POLIAR” МЧЖ  
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100057, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кучаси, 117-уй, 19-хонадон

**МУНДАРИЖА**

КУН МАВЗУСИ

**6****АЁЛ СУДЬЯ ВА ОДИЛ СУДЛОВ****7****АЁЛ ВА ЖАМИЯТ: МУШТАРАК МАҚСАДЛАР**

МУНОСАБАТ

**8****УЧ МАШҲУР ЎЗБЕК АЁЛИ ИБРАТИ****9****ИРОДА, МАТОНАТ ВА САБОТ  
МАЛИКАЛАРИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ****10****ЎЗБЕКНИНГ УЧ МАШҲУРИ, БЕНАЗИРЛАРИ****11****МЎЎТАБАР УЧ ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ГЎЗАЛ ҚИЁФАСИ**

ЭЪТИРОФ

**12****ХАДИЧА СУЛАЙМОНОВА: ҲАССОС ОЛИМА,  
ОҚИЛА РАҲБАР ВА МУРАББИЙ****15**

ТАЛҚИН

**ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ТАСНИФИ**

ЯНГИ БОСҚИЧ

**18****БЎЛАЖАК СУДЬЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, СУДЬЯЛАР ВА СУДЛАР  
АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ****20**

ТАҲЛИЛ

**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИДА  
ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ МУАММОЛАРИ**

МУҲИМ МАВЗУ

**22****СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛ БЎЛСА, АДОЛАТ ҚАРОР ТОПАДИ****23**

ИБРАТ

**МАЖНУН ОТАНИНГ ДУОСИ**

24

МЕНИНГ ФИКРИМ

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ҚАМРОВИ МУАММОЛАРИ

НУҚТАИ НАЗАР

26

МЕРОС, МУЛК ВА МАЖБУРИЯТ

28

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ – СУДЬЯНИНГ  
ЎЗИГА “ҚАРАШИ”ГА ОЛИБ КЕЛАДИ

ТАДҚИҚОТ

30

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЛАРИНИНГ  
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

32

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ:  
ПРОЦЕССУАЛ ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

33

ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ВА ИММУНИТЕТ ҲУҚУҚИ

34

СУДЬЯ МИНБАРИ

СУДЛАР ОБРЎСИ ВА НУФУЗИ –  
АДОЛАТ ПОЙДЕВОРИ

35

ОДИЛ СУДЛОВНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР  
КЎРСАТАДИ-КИ...

36

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

КОРПОРАТИВ МУНОСАБАТЛАР:  
МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

39

“КИМКИ АЛДАБ, ФИРИБ БЕРСА, БИЗДАН ЭМАС!”

42

МУЛОҲАЗА

ТОПШИРИҚ ВА ВОСИТАЧИЛИК  
ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ ФАРҚЛАНДИ?

ЖАРАЁН

44

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ – ЖИНОЯТНИ  
ОЧИШНИНГ КАЛИТИ

46

ГЛОБАЛЛАШУВ

СУРРОГАТ ОНАЛИК ШАРТНОМАСИ:  
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ПРЕДМЕТИ

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

48

ПАРАЛЛЕЛ ИМПОРТ

50

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

ЎЗБОШИМЧАЛИК ЖИНОЯТИНИНГ  
ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

52

ТАШҚИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ  
ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

55

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ШАКЛЛАРИ

МУШОҲАДА

56

ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИНИНГ  
ҚОНУНЧИЛИҚДА ТУТГАН ЎРНИ

58

СУД ОЧЕРКИ

АЛДАМОҚЧИ БЎЛДИ, ЛЕКИН...

ВАЖНАЯ ТЕМА

59

ПРИЗНАНИЕ И ПРИВЕДЕНИЕ В ИСПОЛНЕНИЕ  
ИНОСТРАННЫХ ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНЫХ  
МЕР МЕЖДУНАРОДНЫМИ  
КОММЕРЧЕСКИМИ АРБИТРАЖАМИ

62

НОВЫЙ ЭТАП

ВЕРХОВЕНСТВА ЗАКОНА ВЫТЕКАЮЩИЕ  
В СООТВЕТСТВИИ СО СТРАТЕГИЕЙ РАЗВИТИЯ  
НОВОГО УЗБЕКИСТАНА НА 2022 – 2026 ГОДЫ

ANALYSIS

63

THE IDEA OF HUMAN RIGHTS IN INTERNATIONAL  
DOCUMENTS ON HUMAN RIGHTS



## АЁЛ СУДЬЯ ВА ОДИЛ СУДЛОВ

**Муқаддас Она сиймоси, мукаррам Аёл зотининг туганмас меҳру-муҳаббатидан, қалб ардоғидан тарбия топиб улгайган не-не фарзандлар қанчадан-қанча улуввор ишларни амалга оширганлигига тарих гувоҳлик беради. Шунинг учун инсоният тараққиётини хотин-қизларнинг меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди.**

**Бугунги кунда ҳам жамият ва давлат ривожидида аёлларнинг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Қайси соҳани олиб қараманг, замонавий билим ва тафаккурга, маълум бир касб-хунарга эга бўлган хотин-қизлар самарали меҳнат қилмоқда.**



Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, жамият ҳаётида адолатни қарор топтиришда ҳам фозила ва оқила аёлларимизнинг алоҳида ўрни бор.

Айни пайтда суд органларида 171 нафар аёл судьялар самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг 26 нафари тизимда раҳбарлик лавозимида тайинланган. Судьяликдек ниҳоятда масъулиятли ва шарафли вазифани елкасида мардона кўтариб келаётган тизимдаги аёл судьялар жамиятда қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлашга муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқда.

2022 йил 5 март куни 8 март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Судьялар олий кенгашида “Одил судловни амалга оширишда аёл судьяларнинг ўрни: эътибор ва эътироф” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров кириш сўзи билан очиб, куйидаги фикрларни билдирди:

*“Дарҳақиқат, хотин-қизларни эъзозлаш халқимизнинг миллий анъаналаридан бирига айланган. Азалдан Аёл зотини Яратганнинг улуг неъматидеб билиб, табаррук сиймо сифатида қадрлаймиз. Мана шу анъананинг манتيқий давоми бўлиб, хотин-қиз-*

*ларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш янги жамиятимиз тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.*

*Одил судловни амалга оширишда ҳам хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Кўплаб аёл судьяларимиз шарафли ва машаққатли вазифани фидойийлик ва матонат билан уддалаб келмоқда. Утган 2021 йилда Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан “Ўзбекистон аёл судьялари” деб номланган китобни нашрдан*



*чиқардик. Мазкур китобда амалда фаолият юритаётган барча аёл судьялар ҳақида тўлиқ маълумот бор. Бу йил ушбу китобнинг давоми сифатида навбатдаги қисмини тайёрладик. Бундан кўзланган мақсад, одил судловни таъминлашда намуна бўлаётган аёл судьяларнинг фаолиятини оммалаштириш ва эътироф этишдир.”*

**Тадбирда одил судловни амалга ошириш борасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган бир гуруҳ фахрийларга “Фахрий судья” кўкрак нишони, айни пайтда фаолият курсатаётганларга Судьялар олий кенгашининг “Фахрий ёрлиғи” ва эсдалик совғалари топширилди.**



**Шерзод АМИРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг судьяси.

# АЁЛ ВА ЖАМИЯТ: МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

*Нафосат ва гўзаллик оламининг вакиллари бўлган муҳтарам аёллар ҳақида гап кетганда ҳар қандай инсоннинг қалби жўшиб кетади. Кўплаб манбаларда она – аёл зоти улуғланиб, эзгулик тимсолида намоён бўлади. Қуръони каримнинг Нисо сураси 19-ояти ҳам аёлларга бағишланиб, унда: “Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин”, – дейилган. Ҳадиси шарифларда ҳам аёлларни, хусусан, онани улуғлаш кераклиги ҳақида кўплаб ибратли кўрсатмалар бор.*



**Суюн БЎТАЕВ,**  
жиноят ишлари  
бўйича Ангор  
туман судининг  
раиси



Бугунги кунда гендер тенгликни таъминлаш масаласига бутун дунёда жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда бу борада кузатилаётган ижобий тенденциялар халқаро судлар тизимида ҳам ўз аксини топиб бормоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2021 йил 28 апрелдаги 75/274-сонли резолюцияси билан “10 март – Халқаро аёл судьялар куни” деб белгиланди.

Сўнги беш йил давомида аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кўламини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низом қабул қилинган.

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республи-

касининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

2022 йил 7 март куни Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда Олий суд зиммасига аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан кафолатли ҳимоя қилишнинг янги самарали тизими жорий этиш вазифаси юклатилди.

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимиз суд тизимида аёл судьялар салмоғи 16 фоизни, Олий судда эса бу кўрсаткич 21 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, 5 нафар аёл судьялар вилоят судлари раислари ва раис ўринбосарлари лавозимида, 75 нафар аёллар эса Судьялар олий кенгаши, Олий суд ва вилоят судларида судья лавозимида, 20 нафар аёллар туман, шаҳар ва туманлараро судларининг раиси лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 28 майдаги қарори билан “Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” тасдиқланган бўлиб унга кўра 2030 йилга қадар судьялар орасида хотин-қизлар улушини 30 фоизга кўтариш масаласи назарда тутилади.

Юқоридаги маълумотлар мамлакатимизда аёлларнинг ўрни ва роли ортиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди.





# ИРОДА, МАТОНАТ ВА САБОТ МАЛИКАЛАРИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ

*Ҳуқуқшунос бўлганлигим учун олдин ҳам халқимизнинг фахрига айланган бетакрор ўзбек ҳуқуқшунос аёллари Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восикова ва Ҳалима Муҳитдиновалар ҳақида баъзи бир маълумотларни билардим. “Уч машҳур ўзбек аёли” китобини мутолаа қилиб камтарин, ўртаҳол оилада таваллуд топиб кейинчалик ўзларининг ҳалол меҳнати, тинимсиз изланишлари билан илмда, ҳуқуқшунослик соҳасида, қолаверса ижтимоий ҳаётда юксак мартабага эришган оқила ва фозила аёлларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти билан жуда яқиндан танишдим. Сабаби, китоб бошидан охиригача уларнинг ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввур берадиган ноёб архив материаллари, тарихий расмлар билан очиб берилган.*

Ушбу китобнинг биринчи қисми юриспруденция соҳасидаги биринчи ўзбек аёли, академик Хадича Сулаймонованинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Унда ёзилишича машҳур ҳуқуқшунос олима, академик Хадича Сулаймонова 1913 йил Андижон вилоятида зиёли оилада таваллуд топган. Олиманинг отаси ҳам ўз даврининг билимдон инсонларидан бири бўлиб, ўзбек, қирғиз, тожик, туркман ва рус тилларини мукамал ўзлаштирган экан. Андижон шаҳридаги карвонсаройларнинг бирида иш бошқарувчи ва тилмоч бўлиб ишлайди, кейинчалик янги ташкил этилган большевиклар идорасига тилмоч бўлиб ишга киради. Карвонсаройга турли сабаблар билан келадиган ҳар хил миллат вакиллари, айниқса, рус мансабдорлари ва полиция приставига хизмат қила оладиган ягона киши бўлажак олиманинг отаси Сулаймон Келгинбоев эди. Афсуски, Хадичахон олти ёшлигида отаси Андижон шаҳрига бостириб қирган қуролли босқинчилар ўқидан ҳалок бўлади. Шу тариқа Хадичахон ҳали гўдаклик давридаёқ ҳаётнинг оғир синовларига дуч келади.

Бундан ташқари, олима туғилган давр сиёсий ва ижтимоий нуқтаи назаридан мураккаб қарама-қаршиликларга тўла бўлади. Ҳақиқатдан ҳам XIX асрнинг бошларида ўзбек халқининг тарихида қора саҳифалар билан ёзиладиган кўплаб воқеалар рўй беради. Хусусан, мардикорликка олиш билан боғлиқ ғалаёнлар ва унга қарши кураш жараёнидаги хунрезликлар, бунинг натижасида вужудга келган оғир жудодиклар, етишмовчилик, халқнинг ночор иқтисодий аҳволи кўпчиликнинг тинқасини қуритган эди. Мана шундай аянчли ҳаётини шароит тақозосига кўра Хадича Сулаймоновалар оиласи Туркистон ўлкасининг турли жойларида яшашга мажбур бўлади. Лекин, шундай қийинчиликларга қарамасдан ёш Хадичахон илм олиш учун тинимсиз меҳнат қилади. 1931 йилда тўққиз йиллик рус мактаби-



**Ҳабиба ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
Судьялар олий мактаби ходими

ни тамомлаган Хадича Сулаймоновани ҳуқуқшунос бўлиш орзуси мамлакат пойтахти Тошкент шаҳрига етаклайди. Институтни аъло баҳоларга тугатганлиги учун у кишини туман судига судья қилиб тайинлайдилар. Кўп вақт ўтмай у Олий суд судьялигига тавсия қилинади ва атиги йигирма икки ёшида Олий суд судьялигига сайланади. Юксак интеллектуал салоҳияти туфайли кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд раиси сингари масъулиятли лавозимларда меҳнат қилади.

Мен фақат китобнинг биринчи қисмида баён этилган Хадича Сулаймонова ҳақидаги баъзи бир маълумотларни келтирдим, холос. Китобнинг навбатдаги қисмида жуда кўплаб ёш судьялар ҳамиша ҳавас билан қарайдиган ва шундай инсонлар бўлишга интиладиган Мамлакат Восикова ҳамда Ҳалима Муҳитдиновалар ҳақида қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, китоб уч машҳур ўзбек ҳуқуқшунос аёлининг ибратли ҳаёти тўғрисида батафсил ҳикоя қилади. Ва ўқувчини ҳам улар сингари маърифатли инсон бўлишга ундайди.

*Бир қизни ўқитсангиз,  
бутун миллатни,  
бутун жамиятни, бутун  
оилани ўқитган бўлар эдингиз.*

**ИНДИРА ГАНДИ**




**Аблқосим РУЗИКУЛОВ,**  
Сурхондарё вилоят суди раиси

# ЎЗБЕКНИНГ УЧ МАШХУРИ, БЕНАЗИРЛАРИ

**Судьялар олий кенгашининг навбатдаги йирик маърифий лойиҳаси “Уч машхур ўзбек аёли” китоби нашрдан чиққанлиги судьялар ҳамжамияти учун қувончли воқеа бўлди.**

**Сабаби, унда жуда кўпчилик судьяларнинг маънавий устозлари Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова ҳамда Ҳалима Муҳитдиноваларнинг ҳар бир ҳуқуқшунос ҳавас қиладиган ибратли умри ҳақида ҳаётий воқеликларга асосланган фикр-мулоҳазалар юритилади.**



риш чораларини кўради ва кўпчиликни омон сақлаб қолишга эришади. Жўлангарлик, чанговуллик ва советлик етим қолган болаларни асраб қолишда мардонавор хизмат кўрсатади. Мана шу оғир шароитда Ҳалима Қадировнанинг инсоний фазилатлари намоён бўлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, устозимиз Убайдулла Мингбоевнинг таъбири билан айтганда, “Бу номни ҳар гал тилга олганимда кўз ўнгимда истараси иссиқ, юзларидан нур ёғилиб турадиган, айни вақтда қатъиятли, сўзлари пур маъно, мўътабар бир инсон сиймоси гаудаланади. Ҳалима Муҳитдинованинг ҳаёт йўли ниҳоятда ёрқин ва сермазмун.”

“Уч машхур ўзбек аёли” китобининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, китоб қаҳрамонлари ҳақида ўзбек ҳуқуқшунослиги йирик дарғаларининг фикр-мулоҳазалари берилган. Жумладан, академик Акмал Саидов, юридик фанлар доктори, профессор Ҳалим Бобоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юристлар Мирзо-Улуғбек Абдусаломов, Омон Окюлов, Фарруха Муҳиддинова, юридик фанлар доктори, профессор Хожимурод Одилқориевларнинг жонкуяр ва фидойи юртдошларимиз Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова ва Ҳалима Муҳитдиноваларнинг мўътабар сиймосига чизгилари берилган. Хусусан, Фарруха Фахриддиновна ўзининг устози Ҳалима Қодировна ҳақида шундай ёзади: “Ҳалима Қодировнанинг ташаббуслари билан Олий суд таркибида ёш кадрлар салмоғи сезиларли ошган эди. Аниқ эсимда, биз ёшлар раҳбаримизга ҳар томонлама ўхшашга интилардик. Негаки, Ҳалима Қодировна ўта билимдон, жиддий ва талабчан эдилар. У кишининг ўзини тутишлари, кийинишидан тортиб муомала маданиятигача бизни ўзига ром этарди.”

Яхшиси китобни Сиз ҳам мутолаа қилинг...

Дарҳақиқат, ҳар учала устозларимиз ҳам бошидан қандай қийинчиликлар ўтмасин адолат ва ҳақиқат учун курашишга ўзларида жуда катта сабот ва матонат топганлар. Шу боис бугун улар ҳақли равишда “ирода ва матонат маликалари” сифатида эътироф этилмоқда.

Менда айниқса, Ҳалима Муҳитдинованинг фидойи ва жасоратли ҳаракатлари жуда катта таассурот қолдирди. Китобнинг “Жўлангар фожеаси” бўлимида келтирилишича 1944 йилда Ховос (ҳозирги Жиззах вилояти Янгиобод) туманидаги Жўлангар, Сармич, Совет ва Чанговул қишлоқларида энцефалит деган хавfli юқумли касаллик пайдо бўлган ва у ҳар куни ўнлаб одамларнинг ёстиғини қурита бошлайди. Ушбу юқумли касалликка қарши кураш комиссиясига раис этиб тасдиқланган Ҳалима Муҳитдинова ўзини аяб ўтирмасдан, уйма-уй кириб, беморларнинг ҳолидан хабар олади, уларни ўз кўзи билан кўриб, ахволни ўрганади. Минг афсуски, қанча саъй-ҳаракатларга қарамасдан маълумотларга кўра, ушбу хасталик туфайли 50-йилларгача жами 3 000 га яқин одам вафот этган. Ҳалима Қодировна чин етим бўлиб қолган болаларга катта меҳрибончилик кўрсатиб, уларни Зангиота туманидаги аҳоли хонадонларига жойлашти-

# МЎЎТАБАР УЧ ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ГЎЗАЛ ҚИЁФАСИ



**Улуғбек ЖЎРАЕВ,**  
жиноят ишлари  
бўйича Олот туман  
судининг раиси

**“Уч машҳур ўзбек аёли” китобини мутолаа қилиб, азалдан халқимиз орасида ҳам чин ИНСОН сифатида ҳамда бетакрор қувваи-ҳофизаси билан ҳар қандай кишини лол қолдирадиган фарзандлар нақадар кўп бўлганлигига яна бир бор амин бўлдим. Китоб қаҳрамонлари бўлган мўътабар аёлларнинг пок номлари нафақат ҳуқуқшунослар учун, балки кенг жамоатчилик учун ҳам жуда қадрли. Бу бежиз эмас. Бунинг бир қанча асослари бор.**

Ҳар учалалари ҳам бутун умрини, ҳаётини адолат қарор топиши учун курашга сарфлаган. Лекин, баъзи ҳолларда ўзлари ҳам адолатсизликка учраган. Фикримизнинг далили сифатида китобнинг “Синовли дунё” бобида баён қилинган Мамлакат Восиқова ҳаётида рўй берган қуйидаги воқеани келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

“Биламизки, собиқ иттифоқ халқларини ҳамisha кўрқувда, итоатда ушлаб туриш учун вақти-вақти билан қатағон қилиб турилган. Қизил империя 1980-йилларга келиб яна хуружини бошлайди. Собиқ СССР прокуратурасининг Т.Гдлян ва Н.Ивановлар бошлиқ тергов гуруҳи аёвсизлик билан асосиз қаматишларни авжига чиқаради. Афсуски, ўттиз йилдан буён раҳбарлик лавозимида ишлаб ўзига заррача бўлса-да гард юқтирмаган Мамлакат Собировнани ҳам кўр-кўрона ёмонотликка чиқаришга урина бошлашади. Қатағоннинг совуқ изғиринлари Ўзбекистон бўйлаб эсаётган бир пайтда салкам ўн беш йил Адлия вазири лавозимида ишлаган Мамлакат Собировнага ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзинг деган асосиз кўрсатма беришади. Бунга сабаб, “десантчиларнинг” бегуноҳ инсонларни аёвсиз қаматишларига бевосита Мамлакат Собировна раҳбарлигида шакллантирилган судьялар корпуси гдьянчилар томонидан тўқиб чиқарилган баъзи бир ишларни уларнинг тазйиқларидан, дағ-дағаларидан кўрқмай фош қиладилар. Ҳатто тергов бир ёқлама олиб борилганлигини кўрсатиб, уларга нисбатан хусусий ажримлар ҳам чиқарадилар. Лекин, вазиятнинг жуда мураккаб эканлигини яхши англаб турган Мамлакат Собировна Адлия вазири лавозимидан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб беради.

Мамлакат Восиқованинг мўътабар номи ЮНЕСКО-нинг қарори билан Жаҳонга машҳур аёллар рўйхати асосида тайёрланган китобга киритилган”.

Мазкур китобни ўқиб Мамлакат опанинг ҳавас қиладиган жиҳатлари жуда кўп бўлганлигига гувоҳ бўлдим. Опанинг ҳақиқий уй бекаси, садоқатли аёл эканлиги ҳаётини мисоллар билан очиб берилган. Оиласини, турмуш ўртоғини жуда эҳтиёт қилиб, ҳамisha авайлаб-асрашга интилган. Пайти келганда кўнглини кўтарган, лозим бўлганда бор кучи билан қўллаб-қувватлаган, ёрдам кўрсатган. Бунга унинг турмуш ўртоғи, кўпчилик ҳуқуқшуносларнинг устози, ҳақиқий зиёли инсон Икром Зокировга ёзган хатлари яққол мисол бўла олади. Икром ака Москвада илмий

ишларини ҳимоя қилиш учун сафарга борганда му-софирчиликда қийналиб қолмадингизми, деган маз-мунда меҳр тўла хатларини ёзиб юборади. Сиз ҳам хатларини ўқиб кўриб, Мамлакат опанинг қалби қай даражада гўзал бўлганлигига гувоҳ бўлинг:

*“Соғинчли салом, ҳурматли Икром ака!*

*Бизларнинг соғ-саломатлигимизни билдириш билан сизни ҳам Москва шаҳрида соғ-саломат бўли-шингизни тилаб турибмиз.*

*Зерикиб, ўзингизни диққат қилманг, тинчлик, сало-матлик бўлса ўз вақти-соати билан иш ҳам битади.*

*Яхши қишки пальто бўлса ўзингизга олинг. Бирор ким Москвага борса пул бериб юбораман, хат ёзиб нима керак бўлса айтинг.”*


Мамлакат опа яна бир хатида қуйидаги битикла-рини битади:

*“Сизнинг соғливингизни эшитиб хурсанд бўл-дик. Икром акажон, соғливингиз, ишларингиз қалай? Қачон келасиз, жуда соғиндик. Агар иложи бўлса ав-торефератни тарқатиб келишга ҳаракат қилинг. Ўзгартишларни тўғрилаш керак бўлса Тошкентга тезроқ келаверинг.”*

Бу хатда садоқатли аёлнинг гўзал қиёфаси намоён бўлади.

Мамлакат опанинг хатини бежиз келтираётганим йўқ.

“Уч машҳур ўзбек аёли” китобининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда кишини ҳайратга соладиган мана шундай тарихий далиллар жуда кўп-лаб келтириб ўтилган. Буларни кўрган, ўқиган китоб-хон фақат ва фақат ибрат олади...



**КЎТУЛАР**

Ўртоғи Икром Зокировни кўнглини кўтарингиз, қўла-уринарди. Бунга унинг йўли осонди. Шу хатлардан қисман:

*М ака!*  
*чи билдингиз билан сиз-нат бўлишингизни тизиб*

*ондай?*  
*и кафедрани кўришимди?*  
*чанг, тинчлик, саломат-*  
*и ҳам битиди. Бизлардан*  
*қарибми. Адолат хатини*  
*б юборган соғавазарингиз-*

*йлиб қолар. Яхши қишки*  
*р ким Москвага борса пул*  
*ас бўлса айтинг.*

*ахши, соғ-саломат тер-ва*  
*адавангиздан, Абдулга*  
*и қўдан кўп сезам...*  
*т ёзинг. Ўзингизга соғинг*  
*ат.*

**Соғинчли салом!**

*Тошкент шаҳрида ўзингизни соғ-саломат эканлигини билдириш билан сизни ҳам соғ-саломат бўлишингизни сўрай турибмиз. Бизлардан ахвол сураганингиз соғ-саломат қариб-ми, Ўзингиздан ва шу ердаги оила-دادилардан, ака-ука, қариб-урулардан, инстантудан ўзингизнинг кўн-дан кўп сезам. Ўзингизнинг хатини ҳамма кўри, ойналар ҳам яхшилар, салом айтишди. Раиси келиб бизни келиб ётиб кетдилар, улар ҳам яхши, салом айтиб кеттиди.*

*Адолат 5 ойга тўлган кўни расмага охдирган эдик, битини билан сизга бериб юбордик. Тошкентда ёл бошланди, мена-лар шунди.*  
*Ҳурматли Икром Бекенович, хатингизни олдик, раҳмат.*



**Акмал САИДОВ,**  
академик

## ХАДИЧА СУЛАЙМОНОВА: ҲАССОС ОЛИМА, ОҚИЛА РАҲБАР ВА МУРАББИЙ

*Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан беш йил олдин эълон қилган ва муваффақиятли амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси самаралари сарҳисоб қилиниб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалда татбиқ этиш истиқболлари муҳокама қилинаётган қизгин паллада атоқли ҳуқуқшунос олима, давлат ва жамоат арбоби, академик Хадича Сулаймонова хотираси ёд этилаётгани айна муддаодир.*

Юртимизда ҳуқуқшунослик соҳаси ва фани тамал тошининг кўйилиши ҳамда тубдан такомиллашишида катта ҳисса кўшган академик Хадича Сулаймонова каби машҳур олимларимизнинг ҳаёт йўли ва илмий-маърифий меросини ўрганиш уни тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, халқимизнинг асл фарзанди Хадича Сулаймонова қисқа, аммо ўта жўшқин ва сермазмун ҳаёт кечирган.

**Энг муҳими, Хадича Сулаймонова кўп жабҳада биринчилардан, яъни “қалдирғоч”лардан ҳисобланган. Ўз даврининг оташин фарзанди бўлган бу инсон ўзбек хотин-қизлари орасидан илк бор етишиб чиққан:**

- биринчи юридик фанлар доктори, профессор, академик;
- давлат ва жамоат арбоби;
- Ўзбекистон Адлия вазيري;
- Ўзбекистон Олий суди раиси сифатида самарали фаолият олиб борган. Худди шу нуқтаи назардан, устозимиз Хадича опанинг ҳаёти ва фаолияти биз учун, ёш авлод учун ёрқин ибрат ва ҳар томонлама муносиб намунадир<sup>1</sup>.

Ёш Хадича 1931 йилда тўққиз йиллик рус мактабини тамомлаб, ҳуқуқшунос бўлиш орзусида Тошкентда эндигина ташкил этилган Жаҳон Обидова номидаги Совет қурилиши ва ҳуқуқ институтининг ҳуқуқ факультети талабасига айланди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда олий юридик таълимни ривожлантиришда ушбу институтнинг аҳамияти катта эди. Институт талабаларининг вазифаси Москва ва Ленинград (ҳозирги – Санкт-Петербург) шаҳарларидан таълим бериш учун жалб этилган профессорлар кўмагида илгари Марказий Осиё минтақасида ҳеч ким тасаввур этмаган янги фан – совет юридик фанини сир-асрорларини эгаллашдан иборат бўлган.

Гап шундаки, Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам ўн йил мобайнида – 1928 йилга қадар юртимизда совет судлари билан бир қаторда шариат асосида иш юритувчи қози судлари фаолият кўрсатган. Чунки Ислом

дини ва шариат қарийб ўн икки аср давомида минтақамиз халқларининг қон-қонига сингиб кетганди.

Мусулмон ҳуқуқи, айниқса, мулк ва ер-сув, оила-никоҳ ҳамда мерос муносабатларини жуда мукамал тартибга солиши билан чет эл ҳуқуқ тизимларидан ажралиб туради. Бинобарин, ислом дини қадриятлари халқимизнинг миллий турмуш тарзига айланган эди.

Афсуски, дастлаб чоризм мустамлакачилиги, сўнг Октябрь тўнтариши оқибатида ўрнатилган совет ҳокимияти замонида Ислом динига фақат қора чаплаш, унинг арконларини халқ манфаатларига зид қонунлар йиғиндиси деб ноҳолис баҳолаш сиёсати олиб борилди. Халқимизнинг миллий маънавий-ҳуқуқий илдиэларидан йироқ бўлган европача ҳуқуқ “совет ҳуқуқи” ниқоби остида зўрлик билан жорий этилди.

Албатта, Хадича Сулаймонова ҳам ўз даврининг фарзанди, ўз миллатининг пешқадам қизи сифатида социализм ғояларига тўла ишонган, давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги социалистик тартиб-таомиллар халқимиз манфаатларига мос тушади деб ўйлаган. Шунинг учун айна соҳада бутун ҳаёти давомида собитқадамлик билан ишлаган.

Ўзбекистонда совет юридик фанининг ривожланиши тарихи ҳақида фикр юритганда, ўша даврда Хадича Сулаймонова таҳсил олган Совет қурилиши ва ҳуқуқ институтига катта эътибор қаратилганини таъкидлаш лозим. Институт Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари советининг қарамоғида бўлиб, Халқ комиссарлари совети раиси Файзулла Хўжаев институтнинг ўриндош директори ҳисоблангани ҳам унинг аҳамиятини тасдиқлайди.

Хадича Сулаймонова институтдаги таҳсил жараёнларида фақат ўқув материалларини мутолаа қилиш билан чекланиб қолмади. Аксинча, ҳуқуқ фанига оид ҳар бир янги китобни қайта-қайта ўқиди ва пухта ўзлаштирди. Хадича опа ўз олдига ҳуқуқ фанлари соҳасидан жиноят ҳуқуқи мутахассиси бўлишни аввалдан аниқ мақсад қилиб қўйганди.

Ўша вақтда бу аёл киши учун жуда катта журъат ҳисобланарди. Чунки юрист, адвокат, юрисконсулт бўлиб ишлаш фақат эркакларга хос, деган нотўғри тушунчалар аста-секин йўқолиб бораётган бўлса-да, ҳали аёл-судья, аёл-терговчи деб айтишнинг ўзи ҳам фавқулодда ҳодисадек туюларди.

**1935 йилда Хадича Сулаймонова ўзи танлаган мутахассислик бўйича институтни тамомлагач, халқ судьяси бўлиб ишлаш бошлади. Ўша йилнинг ўзида – 22 ёшида республика Олий суди аъзолигига сайланди.** Олий суд аъзоси бўлиб ишлаган уч йил давомида унинг тажрибасида бирор марта ҳам қонундан ташқари ҳукм чиқариш рўй бермади. Бу ерда Хадича опа ўз иш тажрибасини бойитиш билан бирга, назарий билимини ҳам ошириб борди.

Ўз навбатида, Хадича Сулаймонова 1938 йилда Москва юридик институтининг совет жиноят ҳуқуқи кафедраси аспирантурасига ўқишга кирди. Таҳсилнинг иккинчи йили охирларида, диссертация учун зарур материалларни тўплаган пайтида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолади ва оқибатда Хадича опа илмий ишини ниҳоясига етказолмайди.

Шундан сўнг Хадича Сулаймонова Тошкентга, юридик институтга юборилди ва бу ерда икки йил ассистент бўлиб ишлади. 1945 йил августига қадар эса жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти вазифасини бажарди. У бутун қобилиятини талабаларнинг жиноят ҳуқуқи соҳасида кенг билим олишлари, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишларига сафарбар этди.

Уруш тугаганидан кейин, 1945 йил 20 июнда Хадича Сулаймонова собиқ СССР Адлия комиссарлиги ҳузуридаги Бутуниттифоқ юридик фанлар институтида диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий кенгаш **“Ҳарбий интервенция ва граждандар уруши даврида Ўзбекистон ССРнинг жиноят қонунлари”** мавзусидаги илмий ишни яқдиллик билан маъқуллади ва натижада Хадича опа Тошкентга юридик фанлар номзоди сифатида қайтиб келди. **Хадича Сулаймонова – ҳуқуқшунослик соҳасида илмий даража олишга сазовор бўлган биринчи ўзбек аёлидир.**

1948 йил сентябрида Хадича опа собиқ СССР Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг докторантурасига икки йиллик таҳсил учун юборилди ва **1950 йил 29 декабрда Хадича опа биринчи бўлиб докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.**

Устознинг эълон қилган илмий тадқиқотлари, китоб ва мақолалари одатда танланган мавзунинг долзарблиги, муҳим назарий муаммолар дадил кўтариб чиқилиши ва ёритилиши, илгари сурилган қонуннинг асосланганлиги, илмий умумлашма ҳамда ҳулосалар берилиши билан алоҳида ажралиб туради<sup>2</sup>.

1954 йил сентябрида Хадича Сулаймонова Тошкент юридик институтига директор этиб тайинланди ва ўша йилнинг декабрида **“Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби”** фахрий унвонига сазовор бўлди.

**1956 йилнинг октябрида ўзбек ҳуқуқшунослари ичида биринчи бўлиб Хадича опа Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланган.** Бу нуқтилмас воқеа Устознинг юридик фанни ривожлантиришга қўшган катта хизматлари билан ҳамбарчас боғлиқлигини таъкидлаш ўринлидир.

**Хадича Сулаймонова 1956 йил сентябридан бошлаб республика Адлия вазири вазифасини бажаришга киришди.** Бу даврда у вазирликни



бошқариш билан бирга, кўпгина қонунларни ишлаб чиқишга ҳам раҳбарлик қилди.

Жумладан, Хадича опа янги “Ўзбекистон ССР адвокатураси тўғрисидаги Низом” лойиҳасини тайёрлашда фаоллик кўрсатди. Натижада 1961 йил 30 майда тасдиқланган ушбу Низом адвокатларнинг жиноят процессидаги функциясини анча кенгайтди, уларнинг роли ва масъулиятини оширди.

Хадича Сулаймонова илгари илмий-педагогик ва ташкилий ишларга қандай оқилона раҳбарлик қилган бўлса, вазир бўлганида ҳам кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг ишчанлик қобилиятини ошириш борасида шундай жонқуярлик билан ғамхўрлик қилди. **У адлия органларига хотин-қизларни имкони борича кўпроқ тортиш, энг қобилиятли аёлларни масъул вазифаларга дадил кўтаришга алоҳида эътибор қаратди.**

Бу фикрларимизнинг исботи сифатида айрим рақамларга мурожаат қиламиз. 1957 йил 1 майдаги ҳисоб-китобларга қараганда, ўшанда Адлия вазирлигининг ўзида ишлаган қирқ бир ходимдан 15 нафари хотин-қиз бўлган. Шунингдек, 87 та вилоят судлари аъзоларидан – 25 нафари, 230 нафар халқ судьясининг 48 нафари ва 77 та нотариус раҳбарларидан 53 нафарини аёллар ташкил этган.

Суд экспертизасини, суд-тергов органлари иш сифатини яхшилаш учун криминалистика соҳасида илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга катта аҳамият берган шахс ҳам Хадича Сулаймонова эди. **Опанинг ташаббуси билан 1958 йил 24 январда Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот институти ташкил топди.** Шу маънода, мазкур институт ҳозирда академик Х.С.Сулаймонова номи билан юритилиши ҳар томонлама мантиқли ва асослидир.

Маълумки, 1958 йил март ойида Ўзбекистон адлия ва суд органлари қайта ташкил қилинган. Адлия вазирлигининг судларни бошқариш ва нотариусларга раҳбарлик қилиш функциялари республика Олий судига берилган. Республика Министрлар Совети ҳузурида кодификациявий ишларни ташкил этувчи ва бошқарувчи ҳамда собиқ вазирликнинг бошқа вазифаларини бажарувчи махсус орган – Юридик комиссия тuzилган. Адвокатура, суд экспертизаси институти Хадича Сулаймонова раис этиб тайинланган ушбу комиссияга қараган.

Хадича опа Адлия вазири ва Юридик комиссия раиси лавозимларида ишлаган даврида Ўзбекистон ССРнинг

янги суд тузилиши қонуни, жиноят, жиноят-процессуал, граждан ва граждан-процессуал кодекслари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишига катта ҳисса қўшди. Зеро, бу муаммолар фақат Адлия вазири ва Юридик комиссиянинг асосий ишигина бўлиб қолмай, балки ўша даврда республика юридик жамоатчилигининг олдида турган энг долзарб вазифа ҳам эди.

Хадича Сулаймонова юридик соҳа ва турли раҳбарлик лавозимларидаги ўз вазифасини, шунинг баробарида, жамоатчилик ишларини ҳам ўрнига қўйиб адо этди. Айниқса, у 1959 йил март ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайлангач, ўзининг депутатлик бурчини бошқа жамоатчилик ишлари билан баб-баравар, яъни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда бажарган.

**1964 йил апрель ойида Хадича Сулаймонова республика Олий суди раиси лавозимига тайинланганида** ҳам улкан ғайрат билан фидокорона ишлади. Унинг ташаббуси билан республика суд органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва қонунчиликни мустақамлашга қаратилган тадбирлар кутилган натижаларини берганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу ўринда Хадича опа ўша даврда суд тизими фаолиятида аҳамият берган айрим масалалар бугун Янги Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида жорий этилаётган шиддатли янгиланишлар билан кўп жиҳатдан ўхшашлигига эътибор қаратиш айна муддаодир. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, Хадича Сулаймонова республикамизнинг барча суд органларида шикоятлар ўз вақтида, ниҳоятда эътибор билан ва ҳаққоний ҳал қилинишига катта аҳамият берган.

Ўша даврда Олий судда янги ташкил этилган шикоятлар бўлимида фуқароларни ҳар куни қабул қилиш тартиби жорий этилиб, қабулхонада суд аъзоларининг фуқароларни қабул қилиш куни ва соатлари белгилаб қўйилди.

Энг муҳими, Хадича Сулаймонова Адлия вазири, Юридик комиссия раиси, республика Олий суди раиси лавозимларида ишлаб юрганида ҳам илмий ҳамда ташкилий ишларни ўта фаоллик ва ниҳоятда ғайрат-шижоат билан олиб борди. Хадича опа ўша даврда совет жиноят ҳуқуқи бўйича илк бор ўзбек тилида нашр этилган дарсликнинг етакчи муаллифларидан ва муҳаррирларидан бири бўлгани ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, **Хадича Сулаймонова билан академик И.М.Мўминовларнинг биргаликда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида Фалсафа ва ҳуқуқ институтини қайта ташкил этиш соҳасидаги меҳнатлари натижасида 1958 йил Институт ўз ишини бошлади.**

Хадича Сулаймонова кўзга кўринган жамоат арбоби, таниқли ўзбек олимаси сифатида дунёнинг Лондон, София, Қоҳира, Токио, Дехли, Прага ва Коломбо каби машҳур шаҳарларида ўтказилган турли илмий анжуманларда сўзга чиқиб, юриспруденция ва оила социологияси муаммолари бўйича нақадар чуқур билимга эга эканини намоён қилди.

Хадича Сулаймонова фаолиятининг яна бир муҳим қирраси – унинг қатағон қурбонларини реабилитация

қилиш комиссияси аъзолиги билан бевосита боғлиқ. Бу ҳақда таниқли давлат ва жамоат арбоби Нуриддин Муҳитдинов шундай ёзган: **“Ўша йиллари ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонда 40 мингга яқин “халқ душмани” деб отилган ёки узоқ муддатга сургун қилинган кишиларни оқлаш керак эди. Бу тарихий, виждоний, инсоний ва ҳақиқат ишида Хадича Сулаймонова ҳам ўзига хос ҳисса қўшди”**<sup>3</sup>.

Чиндан ҳам, ўз даврида Хадича Сулаймонова миллатимизнинг XX-аср 30-40-йилларида қатағон қилинган ва номлари ноҳақ қораланган минглаб фарзандларини оқлаш йўлида жонбозлик билан иш олиб борди ва “Халқ душмани” деган тамға билан отилган, қамалган ва сургун қилинган ўзбекистонликлар аслида истиқлол курашчилари, ўз миллатининг асл намоёндалари эканини исботлашдек шарафли ишда жасорат намуналарини кўрсатди.

Яшаб турган ҳаётимизни фоний дунё деб бежиз айтмайдилар. Хадича Сулаймонова оғир ва узоқ касаллик натижасида 1965 йил 25 ноябрда вафот этди. У қисқа умр кўриб, куч ва билимга тўлган вақтида ҳаёт билан видолашган бўлса-да, истеъдодли олима, чуқур билим соҳибаси сифатида юртимизда жуда кўп савобли ишларни амалга оширди ва ҳуқуқшунослик фани ривожига ғоят катта ҳисса қўшиб кетди.

Хулоса ўрнида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг барча мураббийларга бағишланган ушбу байтини келтирамиз:

**Ҳақ йўлида ким санга  
бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг  
ҳақин юз ганж ила.**

Яъни, академик Хадича Сулаймонованинг нафақат илмий тадқиқотлари, китоб ва қўлланмаларидан иборат бой илмий-маърифий мероси, балки шонли ҳаёт йўли ҳамда самарали фаолияти ҳам муносиб ибрат мактабидир.

Ҳали ҳам эсимда, 1993 йилда Хадича Сулаймонова таваллудининг 80 йиллигини пойтахтимиздаги мухташам Алишер Навоий театрида нишонлагандик. Ўшанда камина Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори лавозимида ишлардим. Юбилей муносабати билан Опанинг асарлари, шунингдек, Устоз ҳақидаги ўзимизнинг хотира китобларимиз ҳам нашр этилганди.

Фурсатдан фойдаланиб, 2023 йилда академик Хадича Сулаймонованинг 110 йиллигини нишонлашни таклиф қиламан. Устоз халқимизнинг кўрки бўлган инсонлардан эди. Бинобарин, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи тарихида, Ўзбекистон фани, хусусан, ҳуқуқшунослик фани тарихида Хадича Сулаймонованинг қутлуғ номи ҳаммиша эҳтиром ва ифтихор билан тилга олинажак.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: М.Ҳақимов, Ф.Аҳмедов, А.Саидов. Хадича Сулаймонова – ҳуқуқшунос, олима, давлат арбоби. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – 151 бет.
2. Қаранг: 1958-1965 йилларда академик Хадича Сулаймонованинг “Ўзбекистон совет давлат ва ҳуқуқи тарихи материаллари” номи билан уч жилдлик асарлари чоп этилган.
3. Қаранг: Нуриддин Муҳитдинов. Замондошлар хотиралари // М.Ҳақимов, Ф.Аҳмедов, А.Саидов. Хадича Сулаймонова – ҳуқуқшунос, олима, давлат арбоби. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – Б. 108.

## ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ТАСНИФИ

**Ҳар қандай форс-мажор ҳолати алоҳида ҳодиса ёки воқеа сифатида ўзига хос хусусиятлари, белгилари билан намоён бўлади ва муайян ҳуқуқий муносабатларга турли даражада таъсир кўрсатади. Ушбу таъсирнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, форс-мажор ҳолати ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, муқаррар ҳамда олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, фавқулодда ва тўсатдан, оқибатларининг олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ташқи таъсирлар натижасида қарздорнинг айбисиз мажбуриятлар бузилиши ҳамда зарар етказилишига олиб келади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керак-ки, фавқулодда содир бўладиган ҳар қандай ҳодиса ёки вазият туфайли мажбуриятларни бажаришнинг қийинлашиши ёки бузилиши натижасида зарар етказилган бўлишига қарамасдан, ҳар доим ҳам форс-мажор ҳолати тўғрисида гапириш ўринли бўлавермайди.**



**Холмурод ИСАНОВ,**  
Судьялар олий мактаби докторанти

Маълумки, қонунлар ёки шартномаларда қоида тариқасида, сув тошқини, ёнғин, зилзила, эпидемия, ҳарбий ҳаракат, инқилоб, оммавий тартибсизлик, террористик ҳаракат, техноген офат, халқаро санкция ҳамда давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида шартнома мажбуриятларини бажаришнинг имкониятсизлиги каби ҳолатлар форс-мажор сифатида кўрсатилади. Шу билан бирга тарафлар қайси ҳолатлар форс-мажор эканлиги тўғрисидаги шартларни ўзаро келишиб, мустақил равишда белгилаб олишлари билан бир қаторда форс-мажорга алоқаси бўлмаган ҳолатларни ҳам шартномада кўрсатиб ўтишлари мумкин. Шартномаларда форс-мажор ҳолати юзага келганлиги тўғрисида тарафларни хабардор қилиш муддати ва усулининг кўрсатилиши муҳим ҳисобланади. Чунки, тарафларнинг юзага келган вазият тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаслиги, уларни шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этишнинг асоси сифатида форс-мажорни қўллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин.

Ҳозирги замон фуқаролик қонунчилигида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида ҳам форс-мажор сифатида тан олиниши лозим бўлган ҳолатларнинг аниқ ва тўлиқ рўйхати мавжуд эмас. Аслида, бундай рўйхатни тўла-тўқис тузишнинг имконияти ҳам йўқ. Чунки, форс-мажор ҳолатлари турли-туман бўлиб, ҳар бир ҳолатни вужудга келтирган ҳодиса ёки воқеани юридик факт сифатида форс-мажор эканлигини тасдиқлаш учун етарлича далиллар тўпланиши ва уларга лозим даражада ҳуқуқий баҳо берилиши талаб этилади.

Таъкидлаш керак, Германия, Франция, Россия, Хитой, Украина, Беларусь, Қозоғистон каби мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилигида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида ҳам форс-мажор ҳолати қоида тариқасида белгилаб берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 333-моддасида "...башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади"<sup>1</sup>

дейилган. Илмий адабиётларда таниқли ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрлари келтирилган. Хусусан, А.Фоков "...форс-мажор тасодифий ва энгиб бўлмайдиган куч ҳолати бўлиб, қоида тариқасида, қарздорни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод қиладиган ҳолатлар қаторига киради. Тасодифийлик мажбурият иштирокчиларидан бирортасининг айби йўқлигини кўрсатувчи ҳолат бўлиб, энгиб бўлмайдиган куч фавқулодда ва энгиб бўлмайдиган ҳодисани англатади. Буларга ҳалокатли табиат ҳодисалари, шунингдек баъзи ижтимоий ҳодисалар киради"<sup>2</sup> деб фикр билдирса, О.Оқюлов "форс-мажор ҳолатининг моҳияти шунда-ки, энгиб бўлмайдиган куч тўсатдан пайдо бўлади ва қарздор инсофли асосда қарши турса ҳам мажбуриятни бажаришга имкон топа олмайди. Одатда форс мажор ҳолатлари табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги иш ташлаш (забастовка) кўринишидаги низолар, давлат ҳокимият ва идора органларининг қонуний ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлари ҳисобланади"<sup>3</sup>, дейди. А.Алексеев эса "...мажбуриятни бузган шахс айбдор деб топилади (айблилик презумпцияси), агар у ўз айбининг йўқлигини исботласа, унда жавобгарлик бўлмайди (айб йўқ – жавобгарлик йўқ), шу билан бирга, қонун ёки шартномада мажбуриятни бажармаган ёки уни лозим даражада бажармаган тақдирда ҳам қарздорнинг жавобгарлиги назарда тутилиши мумкин. Демак, умумий қоида тариқасида, тадбиркорлик фаолияти жараёнида мажбуриятни бузган шахс айбдор ёки айбсиз бўлишидан қатъий назар, жавобгар бўлади. Фақатгина шахс энгиб бўлмайдиган куч оқибатида юзага келган фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган шароит туфайли мажбуриятни лозим даражада бажара олмаганлигини исботласа, жавобгарликдан озод қилинади"<sup>4</sup> деган қарашни илгари суради.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқшунос олимлар асосан форс-мажор тушунчаси, унинг белгилари ва юридик жавобгарликни белгилашда тутган ўрни тўғрисида ўз фикрларини билдирганлар. Лекин, форс-мажор ҳолатлари маълум бир мезонлар асосида таснифлаб берилмаган. Албатта, форс-мажор ҳолатлари турли-туман бўлганлиги ва уларнинг ҳар бири алоҳида ҳодиса ёки воқеа сифатида ўзига хос хусусиятлари, белгилари билан намоён бўлиши сабабли, бундай ишни тўла-тўқис амалга оширишнинг имкониятлари бироз чегараланган. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти форс-мажор ҳолатларининг

вужудга келиш характери ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларига кўра таснифлаш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, форс-мажор ҳолатларининг вужудга келиш характерига кўра умумий икки гуруҳга ажратиш мумкин:

**биринчи гуруҳга ҳалокатли табиат ҳодисалари** – сув тошқини, ёнғин, зилзила, эпидемия, бўрон, цунами, торнадо ва бошқа кўплаб табиий офатларни киритиш мумкин. Ушбу гуруҳга кирувчи табиат ҳодисалари турли-туман бўлиб, улар табиий равишда келиб чиқадиган энгиб бўлмайдиган кучлар таъсирида пайдо бўлиши сабабли юзага келадиган форс-мажор ҳолатлари инсон фаолиятига умуман боғлиқ бўлмайди;

**иккинчи гуруҳга ижтимоий ва юридик характердаги ҳодисалар** – ҳарбий ҳаракат, уруш, инқилоб, учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, оммавий тартибсизликлар, иш ташлаш (забастовка), террористик ҳаракат, техноген офат, халқаро санкция ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши каби кўплаб ҳолатларни киритиш мумкин. Ушбу гуруҳга кирувчи ҳодисалар ҳам турли-туман бўлиб, улар фақат инсон хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқадиган энгиб бўлмайдиган кучлар таъсирида пайдо бўлиши сабабли, юзага келадиган форс-мажор ҳолатлари инсон фаолияти билан бевосита боғлиқлигини таъкидлаш лозим.

Вужудга келиш характерига кўра инсон фаолиятига умуман боғлиқ бўлмаган ва боғлиқ бўлган форс-мажор ҳолатларини таснифлаш мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳар бир ҳодисанинг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларини ўрганиш, уни юридик факт сифатида форс-мажор ҳолати эканлигини тасдиқлаш учун далиллар тўплаш ва уларга лозим даражада ҳуқуқий баҳо беришда имкониятларни оширади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, форс-мажор ҳолатларини фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин, жумладан:

- *Шартнома мажбуриятларининг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳолатлар;*

- *Шартнома мажбуриятларининг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатмайдиган ҳолатлар;*

- *Шартномадан ташқари мажбуриятларда форс-мажор ҳолатлари.*

Одатда турли-туман урушлар, ҳарбий ҳаракатлар, террористик ҳужумлар ва учинчи шахсларнинг яширин ҳаракатлари натижасида юзага келадиган вазиятлар шартнома мажбуриятларининг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳолатларга киради. Ушбу ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари хоши-иродасига боғлиқ бўлмаган, муқаррар ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, фавқуллодда ва тўсатдан, муайян шароитларда оқибатлари олдини олиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида вужудга келиши сабабли мажбуриятларнинг бажарилиши предметига бевосита таъсир кўрсатиши ва иштирокчиларнинг айбисиз мажбуриятлар бузилишига олиб келиши мумкин.

Аммо, ҳар қандай уруш ёки ҳарбий ҳаракат ёхуд террористик ҳужумлар бошланиши қарздорни ўз-ўзидан мажбуриятни бажаришдан озод қилмайди. Яъни, ҳарбий ҳаракат, уруш ва террористик ҳужумлар бошланишининг ўзи форс-мажор ҳолати вужудга келганлигини аниқламай-

ди. Шу билан бирга, бундай ҳаракатларнинг вужудга келиши энгиб бўлмайдиган куч натижаси эканлиги ва улар номаълум муддатгача давом этиши мумкинлигини ҳисобга олганда, муайян даврда сақланиб турадиган вазият мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатади. Жумладан, мажбуриятнинг бажарилиши қийинлашиши ёки бузилиши натижасида иштирокчиларнинг айбисиз зарар етказилишига олиб келиши мумкин. Масалан, “уруш ҳолатида балиқ овланадиган ҳудудда ҳарбий ҳаракатларнинг олиб борилиши натижасида ов қилиш воситаларининг нобуд бўлиши сабабли балиқ маҳсулотини етказиб бериш шартномаси мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилишнинг асоси бўлиб хизмат қилади”<sup>5</sup>. Шу ўринда ҳарбий ҳаракат, уруш ҳамда террористик ҳужумлар натижасида шартнома мажбуриятларининг умуман бажара олмаслик ёки лозим даражада бажара олмаслик ҳолатларидан қайси бири вужудга келганлигига эътибор қаратиш муҳим. Айтмоқчимиз-ки, шартномавий муносабатлар иштирокчилари фаолиятига ҳарбий ҳаракатлар, урушлар, террористик ҳужумлар турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, бундай ҳаракатлар натижасида икки хил вазият, яъни шартнома мажбуриятларининг бажарилиши предмети бўлган моддий-товар бойликларнинг бутунлай йўқолиб кетиши (портлаш натижасида) ёки бу товарларни босиб олинган (оккупация қилинган) ҳудуд орқали етказиб беришда қийинчиликлар юзага келган бўлиши мумкин. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бу каби ҳолатлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда уларга етарли даражада ҳуқуқий баҳо берилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш керак-ки, айрим илмий адабиётларда урушлар ва ҳарбий ҳаракатларни энгиб бўлмас куч сифатида қабул қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикрлар учрайди. Жумладан, Н.Коршунованинг фикрича, “...агар ҳарбий ҳаракатлар узоқ вақт давом этадиган бўлса, уни олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган ҳолат деб ҳисоблаш мумкин эмас ва шу сабабдан ҳам бундай ҳолатларда энгиб бўлмайдиган куч мақоми бериш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас”<sup>6</sup>. Н.Коршунованинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Гарчи, уруш ва ҳарбий ҳаракатларнинг келиб чиқиши ҳамда узоқ вақт давом этиши мумкинлиги тўғрисида олдиндан башорат қилиш мумкин бўлса ҳам, лекин ушбу ҳаракатларни амалга ошириш жараёнларида фавқуллодда ва тўсатдан, муайян шароитларда оқибатларининг олдини олиб бўлмайдиган ҳолатларни юзага келиш хавфи жуда юқори бўлиб, уларнинг қамрови тўғрисида олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Масалан, Россия Федерациясининг Қуролли кучлари томонидан 2022 йил 24 февралда бошланган махсус ҳарбий ҳаракатлар Украинанинг бир қанча ҳудудларини қисқа вақт ичида қамраб олди. Бизнинг фикримизча, бундай ҳаракатлар исталган вақтда, тўсатдан энгиб бўлмайдиган куч сифатида форс-мажор ҳолатини юзага келтириши ва шартнома мажбуриятларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Албатта, бундай вазиятларда шартнома тарафлари форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги шартларни ўзаро келишиб, мустақил равишда белгилаб олишлари мақсадга мувофиқ.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида террорчилик ҳа-

ракатлари ҳам алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларга эга. Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги<sup>7</sup> қонунида таъкидланганидек, "...терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган (155-модда) зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар" эканлиги белгиланган. Ушбу жиноятнинг объектив томони портлатиш, ёқиб юбориш орқали шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилинишига қаратилган зўравонлик ҳаракатларидан иборат бўлганлиги ва унинг содир этилиши олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, фавқулодда ва тўсатдан, муайян шароитларда оқибатлари олдини олиб бўлмайдиган вазиятни юзага келтириши мумкинлигини ҳисобга олганда, ушбу жиноий ҳаракатлар шубҳасиз форс-мажор ҳолатини юзага келтириши мумкин. Лекин, айрим олимлар террорчилик ҳодисасини фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни истисно этишнинг асоси сифатида қабул қилиш мумкин эмаслиги тўғрисида фикрлар билдирадilar. Жумладан, Д.Черненко фикрига кўра, "...террористик ҳужумлар, шубҳасиз фавқулодда характерга эга бўлиши билан бирга, унинг энг муҳим белгиси – муқаррарлик мавжуд эмас, сабаби террористик ҳужумларнинг олдини олиш мумкин"<sup>8</sup>. Ушбу фикрлар билан келишиб бўлмайди. Чунки, нафақат террорчилик ҳаракатлари, балки ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш мажбурияти фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиларига, шу жумладан қарздорга юклатилиши мумкин эмас. Шу сабабдан ҳам, олимнинг террорчилик жиноятининг олдини олиш мумкинлиги тўғрисидаги фикри ҳар доим ҳам ўз тасдиғини топавермайди.

Учинчи шахсларнинг яширин характердаги ҳаракатлари ҳам шартнома мажбуриятларининг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳолатларга киради. Одатда бундай ҳолатлар мол-мулкни яширин ўғирлаш ёки яширин йўқ қилиш орқали зарар етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар натижасида келиб чиқади. Бир қатор фуқаролик муомаласи иштирокчилари, масалан, юк ташувчилар молк-мулки номаълум шахслар томонидан ўғирланиб, сўнгра эса жиноят изларини йўқотиш мақсадида юк ортилган транспорт воситаси бутунлай ёқиб юборилганлиги ва бунинг олдини олиш ёки бартараф этишнинг умуман имконияти бўлмаганлиги сабабли, ушбу ҳодисани форс-мажор ҳолати деб топиш тўғрисида судга мурожаат қиладилар. Аммо, суд амалиётида бу каби ҳодисаларнинг келиб чиқишини олдиндан башорат қилиш мумкинлиги ва уларнинг олдини олишга қаратилган чоралар юк ташувчилар томонидан кўрилиши лозимлиги асос қилиниб, форс-мажор деб топилиши рад этилган ҳолатлар учраб туради. Албатта, мулкни зиён етказилганда ва ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда, суд томонидан фуқаровий даъво ва мулкни зиённи қоплаш масаласи ҳал этилади. Лекин, айрим

ҳолларда содир этилган жиноятларнинг очилиши, тергов қилиниши ва судда кўриб чиқилиши узоқ вақт давом этиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб айтганда, судларга учинчи шахсларнинг яширин жиноий ҳаракатлари шартнома мажбуриятининг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатган ва мажбуриятнинг бузилиши натижасида тарафларнинг айбисиз зарар етишига олиб келган ҳолатни форс-мажор деб топиш тўғрисида мурожаат қилинганда, судья ишни ҳар томонлама чуқур ўрганиши, юзага келган вазиятга етарли даражада ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қарор қабул қилиши лозим. Зеро, яширин жиноий ҳаракатларнинг зарар етказиш билан боғлиқ жиҳатларини назарий тадқиқ қилиш натижалари, бундай ҳаракатларни мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатадиган ва жавобгарликни истисно этишнинг асоси бўлган форс-мажор сифатида қабул қилиш мумкинлигини кўрсатади. Масалан, Рим хусусий ҳуқуқида учинчи шахсларнинг зўравонлик ҳаракатлари, шу жумладан, мол-мулкни яширин ўғирлаш ёки яширин йўқ қилиш орқали зарар етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар энгиб бўлмайдиган куч сифатида қабул қилинган<sup>9</sup>. Ёки, ўша даврда мол-мулк сақланаётган бинони қароқчилар бузиб кириб, мол-мулк ўғирлаб кетилганда, ушбу ҳолат энгиб бўлмайдиган куч сифатида баҳоланган ва уни қўриқлаётган шахс жавобгарликдан озод этилган<sup>10</sup>. Айтилганлар билан бир қаторда, учинчи шахсларнинг яширин характердаги жиноий ҳаракатларини фавқулодда содир бўладиган ҳодиса ва унинг натижасида зарар етказилган бўлишига қарамадан, ҳар доим ҳам форс-мажор ҳолати сифатида қабул қилиб бўлмаслигини ҳам таъкидлаш ўринли. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунчилигида ҳам ҳарбий ҳаракат, уруш, террористик ҳужум ва учинчи шахсларнинг яширин характердаги ҳаракатлари форс-мажор ҳолати сифатида белгилаб берилмаган. Бу эса, бундай ҳаракатлар натижасида вужудга келган ҳар бир вазиятга алоҳида ҳодиса, яъни юридик факт сифатида етарли даражада ҳуқуқий баҳо берилиши лозимлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, форс-мажор ҳолатларининг вужудга келиши ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларига кўра таснифланиши, суд амалиётида юридик факт сифатида форс-мажор ҳолати эканлигини тасдиқлаш учун далиллар тўплаш ва уларга лозим даражада ҳуқуқий баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/ru/docs/111189>.
2. Фоков А.П. Гражданское право. –М., КРОНУС, 2005. С 315-316.
3. Оқюлов О. Пандемия ва бизнес // Юридик фан ва ҳуқуқни кўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. –Т., Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020. -170 б.
4. Алексеев А.А. Гражданское право. Учебник. –М., Велби, 2006. С 201.
5. Смирнов В.Т., Собчак А.А. Общее учение о деликтных обязательствах в советском гражданском праве. Учебное пособие. –Л.: ЛГУ, 1983. С.94.
6. Коршунова Н.П. Совершенствование законодательства о непреодолимой силе // Законы России: опыт, анализ, практика. 2007. № 2. С.121.
7. <https://lex.uz/docs/29526>.
8. Черненко Д. Обстоятельства непреодолимой силы // ЭЖ-Юрист. 2005. № 21. С.6.
9. Градобоева З.В. // Цивилистические записки: Межвузовский сборник научных трудов. М.: Статут, Екатеринбург: Институт частного права, 2002. Выпуск 2. С.236.
10. Пассек Е.В. Неимущественный интерес и непреодолимая сила в гражданском праве. М.:Статут, 2003.С. 252.



**Дилшод АРИПОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби директори  
маслаҳатчиси

## БЎЛАЖАК СУДЬЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, СУДЬЯЛАР ВА СУДЛАР АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти шароитида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини доимий равишда ошириб бориш вазифаси бутун суд тизимининг самарали ишлашини таъминлаш нуқтаи назаридан доимо долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Шу боис, суд органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мантиқий изчилликка асосланган демократик ислохотлар натижасида “адолатни қарор топтириш”га қодир бўлган судьяларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб боришнинг янги тизими вужудга келди.*

Ўзбекистон суд ҳокимияти тарихида илбор фақат судьяликка муносиб номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини оширадиган давлат таълим ва илмий тадқиқот муассасаси – Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, янги давр талабларига жавоб берадиган билими ва тафаккури кенг, юксак инсоний фазилатларга эга мутахассислар учун зарур бўлган назарий билимлар, касбий одоб-ахлоқ қоидалари, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратишдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Олий мактабда бўлажак судьяларни келажакда танқидий та-

лил асосида иш юритишга ўргатиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш, қонунчиликни ривожлантириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш сингари муҳим вазифалар устида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, таълим жараёнида эскирган ўқув-услубий ёндашувдан воз кечилиб, ўқув жараёни билан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг узвий боғлиқлиги таъминланиб, энг муҳими тингловчиларнинг қарор қабул қилишда ижодий ёндашуви шаклланишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган ёндашувлар эътиборга олиниб мавзулар шакллантирилмоқда. Масалан, психологик ҳолатни назорат қилиш кўникмасини шакллантириш учун “Стресс ва стрессни келтириб чиқарувчи ҳолатларни бошқариш”, “Конфликтология. Низоларнинг келиб чиқиши, иш жараёнида низоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари”, “Тайм-менеджмент: иш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш” каби дарс машғуллари олиб борилмоқда. 2021/2022 ўқув йилида магистратура ўқув курсининг барча ихтисосликларига “Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш муаммолари” ва “Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар” каби янги ўқув дастурлари киритилди.





**Шу билан биргаликда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни касбга тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини хорижий тажрибага таянган ҳолда ҳамда халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш заруратга айланмоқда. Бу борадаги мавжуд амалиёт таҳлилидан келиб чиққан ҳолда соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:**

**биринчидан**, Судьялар олий мактабига нисбатан олий таълимга оид талаблар тадбиқ этилмаслигини белгилаш мақсадида Олий мактабнинг судьяликка номзодларни тайёрлаш курсига қабул қилиш ва ўқитиш тартибини, шунингдек, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари, дастурлари ва малакавий талабларини Судьялар олий кенгаши билан келишилган ҳолда Олий мактаб томонидан тасдиқлаш тизимини жорий қилиш лозим;

**иккинчидан**, амалдаги қонунчиликда судьяларнинг малака ошириши даврийлигига оид талаблар белгиланмаганлиги боис, уларнинг иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда дифференциялашган малака ошириш курсларини ташкил этиш;

**учинчидан**, Олий мактабнинг судьяликка номзодларни тайёрлаш курсига қабул қилишда номзодларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест тизимини ва номзодларни суҳбатдан ўтказиш тартибини жорий этиш;

**тўртинчидан**, Олий мактабнинг судьяликка номзодларни тайёрлаш курсига қабул қилишда суҳбатдан ўтказиш ва уни яқунлаш имтиҳонларини судьялар ҳамжамияти ҳамда юридик олий таълим муасса-

салари вакилларидан иборат таркибдаги махсус комиссия томонидан ўтказилишини жорий этиш;

**бешинчидан**, Олий мактабда малака ошириш курсларини судьяларнинг ихтисослашуви, иш тажрибаси ва индивидуал эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда ташкил қилиш;

**олтинчидан**, суд аппарати ходимлари (судья ёрдамчилари, девонхона ва архив мудирлари) учун қисқартirilган малака ошириш курсларини ташкил қилиш;

**еттинчидан**, Олий мактаб тингловчилари билимини баҳолаш мезонларини илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштириб, уларнинг фанларни ўзлаштириш бўйича электрон рейтинг дастурини ишлаб чиқиш ва энг юқори кўрсаткичга эга бўлган тингловчиларни хорижий давлатга стажировкага юбориш тартибини жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таклифлар суд соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартларни жорий этишга хизмат қилади.





**Акmalжон ШУКУРОВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси

## ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИДА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ МУАММОЛАРИ

### АННОТАЦИЯ:

*мазкур мақолада транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига асосан йўл-транспорт ҳодисалари (кейинга ўринларда-ЙТХ) оқибатида моддий зарар кўрган жабрланувчиларга суғурта тўловларини амалга ошириш орқали уларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир масалалар таҳлил қилинган.*

**Таянч сўзлар:** *фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, йўл-транспорт ҳодисаси, транспорт воситасининг эгаси, жабрланувчи, ошиқча хавф манбаи, моддий зарар.*

2021 йил давомида мамлакатимиз йўлларида 10 001 та автоавария содир этилган ЙТХларда 2 мингдан зиёд киши ҳалок бўлган, 9230 дан ошиқ киши тан жароҳати олган. Табиийки бу ерда минглаб оилаларнинг тақдири ётибди. Кўнгилсиз воқеадан кейин улар билан боғлиқ иқтисодий, ҳуқуқий муаммолар кишиларни қийин аҳволга тушириб қўйиши бор гап. Айнан шунинг учун ҳам транспорт воситалари эгаларини мажбурий суғурта қилиш борасида Республикамизда олиб борилаётган ишлар юқоридаги муаммоларнинг ечими сифатида кўрилади.

“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан ҳар бир транспорт воситаси эгаси ЙТХ натижасида 3-шахсга (жабрланувчига) етказилиши мумкин бўлган зарар учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишга мажбур. Борди-ю транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта (ТВЭФ-ЖМС) қилиш тўғрисидаги шартномаси бўлмаса, жабрланувчилар олдидаги жавобгарлик тўлиқ ЙТХ содир этган транспорт воситаси эгаси томонидан қопланади.

Қонунга мувофиқ ЙТХ жабрланувчиси автоматик равишда ТВЭФЖМС шартномасининг тарафига айланади, чунки бу шартнома транспорт воситаси эгаси томонидан унинг (учинчи шахс – жабрланувчи) фойдасига тузилган.

ЙТХ учун суғурта товони Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ етказилган зарар даражасида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади. Бунда Қонуннинг 22-моддасига кўра жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизидан, мол-мулкига зарар етказилганда эса 35 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори билан суғурта пули – 40 миллион сўм миқдорида белгиланган. Буни содда қилиб тушунтирадиган бўлсак ЙТХ натижасида жабрланувчининг транспорт воситасига 20 миллион сўм зарар етказилган тақдирда суғурталовчи томонидан суғурта пулининг, (яъни 40 млн. сўмнинг) 35

фоизи, 14 миллион сўм суғурта товони тўланади. Бу ерда Қарор билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига эътибор беришга мажбурмиз. Сабаби, ушбу қарорнинг ўзбек тилидаги матнида қоидаларнинг 7-Иловаси<sup>1</sup> ЙТХ тўғрисидаги хабарнома шаклида келтирилган бўлса, рус тилидаги матнида қоидаларнинг 7-Иловаси<sup>2</sup> “Таблица выплат по возмещению вреда, причиненного жизни или здоровью потерпевшего, по договору обязательного страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств” – деб келтирилган. Демак, соғлиққа етказилган зарарни ҳисоблаш учун Қарорнинг рус тилидаги матнига мурожаат қилишга мажбурмиз.

Юқоридаги мисолимизда жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарар Қарорнинг рус тилидаги матнида келтирилган жадвал асосида ҳисоблаб чиқилиб, суғурталовчи томонидан қопланади. Айтайлик, соғлиққа етказилган зарар жадвал бўйича ҳисобланганда 19 миллион сўмни ташкил этди. Бунда суғурталовчи томонидан транспорт воситасига етказилган зарарни қоплаш учун 14 миллион сўм, соғлиққа етказилган зарар учун 19 миллион сўм, жами – 33 миллион сўм қоплаб берилади.

Қонуннинг 19-моддасида жабрланувчининг суғурта тўлови тўғрисидаги талаби кўрсатилган аризасига ЙТХ оқибатида қабул қилинган суд қарорини тақдим этиш мажбурияти юклатилмаган. Шунга қарамай, баъзи суғурталовчилар томонидан ЙТХ оқибатида қабул қилинган суд қарорини талаб қилиш амалиёти учраб туради. ЙТХ содир этилишида ким айбдорлиги масаласида низо бўлган тақдирда, айбдорлик масаласи маъмурий суд қарори билан ҳал этилади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг хулосаси ёки қарори асосида суғурта тўловини амалга ошириш масаласи суғурталовчи томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлиб, суд қарорини жабрланувчидан талаб этилиши Қонун нормаларига зиддир.

Амалиётда учрайдиган муаммолардан яна бири ЙТХ иштирокчилари суд томонидан айбдор деб топиллиб, етказилган зарарни ўзаро қоплашнинг белгиланишидир. Мисол учун, икки транспорт воситаси тўқнашуви нати-

жасида ЙТХ содир бўлди ҳамда суд томонидан иккала транспорт воситалари эгалари томонидан йўл-ҳаракати қоидалари бузилган деб топилди. Биринчи транспорт воситасининг эгаси иккинчи транспорт воситасига етказган 5 миллион сўм зарарни қоплаши, иккинчи транспорт воситасининг эгаси эса биринчи транспорт воситасига етказган 9 миллион сўм зарар қоплаши тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу вазиятда ЙТХ иштирокчилари бўлган тарафларнинг жавобгарлигини суғурталаган суғурталовчи иккинчи тарафга етказилган зарарни суғурта сумма доирасида қоплаши шарт. Яъни, биринчи транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаган суғурталовчи иккинчи транспорт воситасига етказилган 5 миллион сўм зарарни, иккинчи транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаган суғурталовчи биринчи транспорт воситасига етказган 9 миллион сўм зарарни қоплаш бўйича суғурта тўловини амалга ошириш керак бўлади. Суғурталовчи томонидан тарафларнинг бир бирига етказган зарарини ўзаро ҳисоблаш, яъни 9 миллион сўм зарар етказган тараф унга етказилган 5 миллион сўм зарарни чегириш орқали суғурта товонини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Агар зарар суғурта суммасидан ошса-чи?, – деган савол туғилади. Фуқаролик кодексининг 992-моддасида ихтиёрий ёки мажбурий суғурта тартибида жабрланувчи фойдасига ўз жавобгарлигини суғурталаган юридик шахс ёки фуқаро етказилган зарарни тўлиқ қоплаш учун суғурта пули етишмаган тақдирда, суғурта пули ва зарарнинг ҳақиқий миқдори ўртасидаги фарқни тўлаши белгиланган. Бу ерда Фуқаролик кодексининг 989-моддасига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу модданинг биринчи қисмида юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплаши белгиланган. Демак, зарар етказган шахс меҳнат вазифаларини бажараётган ходим бўлса, суғурта пули ва зарар ўртасидаги фарқ иш берувчи томонидан қопланиши керак. Бу фарқни тўлаган ташкилот кейинчалик тўлаган сумма доирасида ходимга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга.

ЙТХда айбдор деб топилган ва зарар етказган шахс бошқарувида бўлган транспорт воситасининг мулкдори бошқа киши бўлса-чи? Бунда транспорт воситаси олиб қочилмаган, яъни эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетмаган бўлса, зарар транспорт воситаси эгаси томонидан қопланади<sup>3</sup>. Яъни, бу вазиятда транспорт воситасини қонуний асосда (мулкий ижара шартномаси, ишончнома ва б.) бошқарган шахснинг жавобгарлиги юзага келади ва зарар унинг жавобгарлигини суғурта қилган суғурталовчи томонидан қопланиши керак бўлади.

Яна бир вазият бўлиши мумкин. Транспорт воситасининг мулкдори бошқа шахсга белгиланган тартибга ишончнома расмийлаштирмасдан топширади ва уни бошқарган шахс ЙТХ содир этиб, учинчи шахсларнинг мулкига зарар етказади. Бу вазиятда транспорт воситасининг мулкдори транспорт воситасини бошқарган, зарар етказган шахс билан солидар (тенг) жавобгар бўлиши тўғрисида норма йўқ. Лекин, бундай вазиятда, транспорт воситасининг эгаси ортиқча хавф манбаини тегишли ҳужжатсиз (ишончномасиз) топширгани учун, транспорт воситасини бошқарган шахс билан солидар жавобгар деб эътироф этилиши жуда муҳим. Бунинг сабаби, мажбурий суғурта полисининг “Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар” – деб номланган 7-бандига<sup>4</sup> киритилган шахсларнинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши суғурта ҳодисаси деб тан олинади суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлашга асос бўлади<sup>5</sup>. Чунки, ишончнома ёки бошқа меъёрий ҳужжатсиз транспорт воситасини бошқарган шахс суғурта полисига киритилмаган бўлиши табиий. Шунда транспорт воситасини бошқарган ва зарар етказган шахснинг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаган бўлса ҳам, унга транспорт воситасини ҳужжатсиз топширган эгасининг жавобгарлиги суд қарори билан белгиланиши жабрланувчининг ўзига етказилган зарарни суғурталовчи томонидан қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини юзага келтиради.



тасининг мулкдори транспорт воситасини бошқарган, зарар етказган шахс билан солидар (тенг) жавобгар бўлиши тўғрисида норма йўқ. Лекин, бундай вазиятда, транспорт воситасининг эгаси ортиқча хавф манбаини тегишли ҳужжатсиз (ишончномасиз) топширгани учун, транспорт воситасини бошқарган шахс билан солидар жавобгар деб эътироф этилиши жуда муҳим. Бунинг сабаби, мажбурий суғурта полисининг “Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар” – деб номланган 7-бандига<sup>4</sup> киритилган шахсларнинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши суғурта ҳодисаси деб тан олинади суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлашга асос бўлади<sup>5</sup>. Чунки, ишончнома ёки бошқа меъёрий ҳужжатсиз транспорт воситасини бошқарган шахс суғурта полисига киритилмаган бўлиши табиий. Шунда транспорт воситасини бошқарган ва зарар етказган шахснинг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаган бўлса ҳам, унга транспорт воситасини ҳужжатсиз топширган эгасининг жавобгарлиги суд қарори билан белгиланиши жабрланувчининг ўзига етказилган зарарни суғурталовчи томонидан қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини юзага келтиради.

### Юқорида келтирилган муаммоларни бар-тараф этиш учун суғурта соҳасига оид қонун ҳужжатларини тартибга солиш зарур. Бунда:

- қонун ва қарор бирлаштирилиб ягона норматив ҳужжат қабул қилиниши;
- суғурта тўловини амалга оширишни асоссиз рад этгани учун суғурталовчининг моддий жавобгарлигини ошириш ва уни қўллашнинг аниқ механизмини яратиш;
- суғурталовчининг суғурта тўловларини амалга оширишни рад этиши унинг ўз манфаатларига зид оқибатларга олиб келувчи муҳитни яратиш ҳамда низоларни судгача ҳал этиш механизмини (суғурта омбудсмани) яратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2008 йил 22 июндаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидаларининг 7-Иловаси.
2. Приложение 7 к Правилам обязательного страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств утвержденное постановлением Кабинета Министров от 24 июня 2008 г. № 141.
3. Фуқаролик кодексининг 999-моддаси биринчи ва иккинчи хатбоши.
4. 2008 йил 22 июндаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 1-Иловаси.
5. 2008 йил 21 апрелдаги 155-сон ЎРҚ, 3-модда 5-хатбоши.



**Нурали ҚУРБОНОВ,**  
Тошкент вилоят  
судининг судьяси

## СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛ БЎЛСА, АДОЛАТ ҚАРОР ТОПАДИ

**“Суднинг мустақиллиги” ҳамда “судьянинг мустақиллиги” каби тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим. Биз биламизки, суднинг мустақиллиги деганда, Ўзбекистонда одил судловнинг фақат суд органлари томонидан, бошқа ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда амалга оширилиши тушунилади.**

Судьянинг мустақиллиги деганда эса, унинг фақат қонунга бўйсунган ҳолда, ҳеч қандай аралашув ва таъйиқларсиз, кимларнингдир талаблари ёки фикрларидан мустақил ҳолда судлов фаолиятини амалга ошириши тушунилади.

**Ушбу фарқлардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, “мустақиллик” тушунчаси суд тизимида:**

- институционал мустақиллик;

- индивидуал мустақиллик,

**каби икки хил мазмун касб этади.**

Уларнинг ҳар иккиси шуни тақозо этади-ки, суд ҳокимияти, судьялар, уларнинг таркибий қисмлари бошқа бирор ҳокимиятга бўйсунмаслиги керак.

Институционал мустақиллик деганда судьялар суд ҳокимиятининг ҳар қандай бошқа тармоғидан мустақиллиги, яъни уларнинг ҳеч қандай бошқа давлат органларига, жумладан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга бўйсунмаслиги ва улар олдида жавоб бермаслиги тушунилади.

Суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллиги эса судьяларнинг бошқа давлат ва нодавлат тузилмалари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан, оддий фуқаролар ва ҳаттоки, бир суд доирасидаги судьялар ёки юқори инстанция судьяларидан мустақиллигини англатади.

Юридик адабиётларда ҳам судьяларнинг мустақиллиги тўғрисида турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, олим ва ҳуқуқшунос Н.Г.Юркаевичнинг фикрича, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши демократик ҳуқуқий давлат қуришда муҳим аҳамиятга эга, қаерда судья бўйсунувчан бўлса, у ерда суд ҳокимияти мавжуд бўлмайди.<sup>1</sup>

Ион Ньюманнинг таъкидлашича, мустақил судга хизмат қилувчи шахс ўзига мустақил шахс сифатида қарashi керак. Судья ўзи тўғрисида “мустақил” шахс ҳақида гапиргандай гапириши ҳамда давлат ҳокимияти вакилларининг хатти-ҳаракати ва суд тизимининг мустақиллигига хавф солувчи хатти-ҳаракатларни диққат билан кузатиб бориши лозим.<sup>2</sup>

Фикримизча, ҳар иккала олим томонидан билдирилган ушбу фикрлар юқорида айтиб ўтганимиздек, судьянинг ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳоли фаолият юритиши, бунинг учун қонунда белгиланган барча имкониятлардан кенг фойдаланиши лозимлигини ва пировард натижа – мамлакатимизда одил судлов тўлиқ рўёбга чиқарилишини англатади.

Шу билан бирга, судьянинг мустақиллиги тушунчасининг миллий қонунчилигимизга кириб келишида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асос бўлиб хизмат қилганлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги ва 1985 йил 13 декабрдаги резолюциялари билан тасдиқланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”да ҳам “Суд органла-

рининг мустақиллиги” биринчи принцип сифатида ўз аксини топган бўлиб, ушбу ҳужжатга кўра, суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланиши ва бу мамлакат конституцияси ҳамда қонунларида мустаҳкамлаб қўйилиши, барча давлат органлари уларнинг мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва фаолиятига гайриқонуний тарзда таъсир кўрсатмасликлари лозимлиги қатъий белгилаб берилган.<sup>3</sup>

2002 йил 26 ноябрда Гаага шаҳрида қабул қилинган “Судьяларнинг одоб ахлоқига оид Бангалор принциплари”да ҳам судьянинг мустақиллиги тўғрисидаги қоидалар белгиланган.

Мамлакатимизда юқорида келтириб ўтилган қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳужжатларни амалиётга изчил тадбиқ этиш мақсадида бир қатор қонун ости ҳужжатлари ҳам қабул қилинди.

Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли фармони мувофиқ Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Кенгашнинг асосий вазифаси сифатида судьялар дахлсизлиги бузилиши ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш этиб белгиланди.<sup>4</sup>

Ўзбекистонда илк бор судьяларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янгича ёндашуви натижасида ташкил этилган Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш йўлга қўйилиб, бунинг натижасида юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш дастури белгиланди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириб келинаётган изчил, тизимли ва кенг кўламдаги ислохотлардан пировард мақсад – бу судьянинг мустақиллигини амалда таъминлашдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рўзиназаров Ш., Ниёзова С., Мухаммадиев А., Абдурахмонхўжаев Ж., Қўчқоров Х. “Судлар фаолиятини ташкил этишнинг назарий ҳуқуқий асослари”. Монография. ТДЮИ, 2013 йил, 96-бет.
2. Ньюман Й. “Мустақил суд тизимини барпо этиш”. “Ҳўжалик ва ҳуқуқ”. 1997 й, 12-сон, 32-б.
3. Сулаймонов О.Р. “Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. Монография.” – Тошкент. “Тафаккур қаноти” нашриёти. 2020 й. 229-бет.
4. Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони. Lex.uz сайти.

# МАЖНУН ОТАНИНГ ДУОСИ

**1985-1987 йиллари отамнинг ақллари заифлашиб, мажнун бўлиб қолдилар. Ўша даврда оддийгина бир масжид ходими бўлиб ишлар эдим, эски автоуловим бўлиб ишдан сўнг уйга келганимда отам:**

– Болам мени ўз уйимга олиб бориб кўй, – дер эдилар.

Мен эса:

– Келинг дада олиб бориб кўяман, – деб отамни машинамга миндириб кўчани айлантрииб келиб:

– Мана дада уйга келдик, – деб айтар эдим.

Шунда отам:

– Болам барака топ, ўз уйинг барибир яхшида, – деб дуо қилар эдилар. Тақдир тақозоси билан ишдан бўшадим, машинамни ҳам сотиб юбордим. Лекин отамнинг хархашалари ҳали-ҳануз ўша-ўша эди! Мингизай десам машинам йўқ. Уйда бир арава бўларди. Ўша аравага юмшоқ нарсани тўшаб:

– Дада келинг сизни уйингизга олиб бориб кўяман, – деб аравага ўтқазиб ҳовлида худди машина ҳайдагандек бўлиб, “гин-гинни”, – деб айлантрииб:

– Дада мана уйга келдик, – дердим.

Отам:

– Болам барака топ! – деб дуо қилардилар.

Кунларнинг бирида отам:

– Болам бери кел, мен сендан мингданминг розиман, менга қилган хизматларинг учун Аллоҳ сендан рози бўлсин. Ортингдан дунё подшоҳлари юрсин, – деб дуо қилдилар.

– Мен эса отам бир телба одам бўлса, ортимдан қанақасига дунё подшоҳлари юрсин ахир бирон жойда ишламасам, – деб кўйдим.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон диний кўмитасига раҳбар бўлдим. 2012 йили Самарқандда Абул-Лайс Самарқандийнинг бир неча юз йиллик маросимларига Илом Каримов ва дунё подшоҳлари келишди. Имом Мотуридийнинг мақбараларига кетаётганимизда Илом Каримов мени:

– Қори ака сиз олдинда юринг, – деб мени йўл бошловчи қилдилар.

Олдинда кетар эканман кўзимдан шашқатор ёш оқа бошлади.

Шу вақтда бир инсон келиб:

– Қори ака нега йиғлаяпсиз, ахир ортингиздан дунё подшоҳлари келишаяпти! Йиғламанг, нега йиғлайсиз? – деди.

Мен эса:

– Мажнун отам бўлар эдилар, ўша отамнинг қилган дуоларининг изжобатини кўриб турибман, – дедим.



ФОЗИЛ қори  
ЁСИН қори ўғли.



**Рустембек ТУРИМБЕТОВ,**

Судьялар олий мактаби докторанти

## БАХТСИЗ ХОДИСАЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ҚАМРОВИ МУАММОЛАРИ

### АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада Меҳнат кодекси моддаларида аниқланган камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда кодексни янада такомиллаштириш борасида таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** иш қуроллари, иш жойи, ишлаб чиқариш, ишчи ходим, иш берувчи, бахтсиз ҳодиса, меҳнатни муҳофаза қилиш, жароҳатланиш, жамоат назорати, касбий фаолият, диссертация, тадқиқот, умумий қоидалар, янги таҳрир.

### АННОТАЦИЯ:

в данной статье отражены выявленные недостатки и причины в действующем Трудовом кодексе и даны предложения по дополнению статей в новой версии кодекса.

**Ключевые слова:** орудия труда, рабочее место, производство, рабочий, работодатель, несчастный случай, охрана труда, телесные повреждения, общественный контроль, профессиональная деятельность, диссертация, исследование, общие правила, новая версия.

### ANNOTATION:

this article reflects gaps and causes in the current Labor Code and offers suggestions for supplementing articles in the new version of the code.

**Key words:** labor tools, workplace, production, employee, employer, accident, labor protection, body injury, public control, professional activity, dissertation, research, general rules, new version.

Инсониятнинг ривожланиши натижасида иш қуроллари такомиллашиб, янги турлари пайдо бўлмоқда ва услублари кенгаймоқда. Бир тарафдан, илмий-техник ривожланиш замонавий инсоннинг ишини анча енгиллаштиради, иккинчи тарафдан эса, булар қанча қулай бўлмасин техника хавфсизлиги билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар хавфи ошиб боради. Бу эса ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни талаб этмоқда. Бунда, энг асосий омил бу – ходимнинг иш фаолиятидаги ҳаёти ва соғлиги бўлиб ҳисобланади.

Бахтсиз ҳодисаларни имкон қадар камайтириш ва олдини олиш ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган. Давлат томонидан республикамизда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш, вазирликлар, идоралар ва бошқа бошқарув органларининг меҳнат муҳофазаси бўйича олиб бораётган ишлари мувофиқлаштирилиб борилаётган бўлса, касаба уюшмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига корхона ва ташкилотларда риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш ишларини олиб бориш талаб этилади. Статистик маълумотларга кўра бутун дунё миқёсида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг сони купайиб ўлим ҳолатлари сони ҳам ортмоқда. Бундан ташқари, ишчиларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ касб касалликларининг келиб чиқиш сабаблари доираси ҳам ортган. Бунинг асосий омилларидан бири мазкур ташкилотларда иш берувчиларнинг техникаларни молиялаштириш, сарф-ҳаражатларини камайтириб, алмаштирилиши лозим бўлган ёки эскирган қисмларини ўз вақтида алмаштирмаганликлари ва сифати паст даражада бўлган ҳом-ашёлардан фойдаланганликларидир.

Ташкилотларда иш берувчилар томонидан йўл қўйилган бепарволик оқибати аксарият ҳолларда ишлаб чиқаришда кўплаб бахтсиз ҳодисаларни вужудга келтиради. Шундай ҳолатларда иш берувчиларнинг бир хил одатий жавоби мавжуд “ходим – меҳнат муҳофазаси йўриқномаси билан танишиб чиққан ва қўл қўйган”. Ваҳоланки, қўл қўйиш одатий расмиятчилик саналади. Пала-партиш олиб борилган йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув тадбирларининг ўтказилмаганлиги оқибатида ишлаб чиқаришда жароҳатланганлар ичида ҳар бешинчи одам халок

бўлмоқда. Бу ўринда бахтсиз ҳодисага ишчининг ўзи ҳам айбдор бўлиши мумкин. Бахтсиз ҳодисалар тасодиф эмас, аксинча бу шу вақт ичида содир бўлган табиий натижа ҳисобланади. Сабаблари ўрганилганда эса ишчи-ҳодимлар ўрнатилган меъёрлар ва қоидаларга, йўриқномаларга риоя этмаганлиги, барча мажбуриятларга совуққонлик билан ёндашганликлари аён бўлади.

Корхона ва ташкилотларда тузилган комиссия хулосалари бўйича содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари аниқланади, ким томонидан меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилганлиги, агар уни ходим бузган бўлса унинг айбдорлик даражаси ва бу ҳолатнинг ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқлиги ўрганилади. Бундан ташқари комиссия томонидан ҳолат бўйича ходимнинг айбдорлик даражасини аниқлаш талаби қўйилади. Агарда текшириш натижасида бу тасдиқланса, ишчининг ижтимоий суғурталаниш бадаллари ва унинг тўланиш миқдорларига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси шаффоф текширув, тўғри хулоса беришни талаб этади ва бу қонунлар, меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни одилона ва қонуний текшириш ҳамда расмийлаштиришда жабрланувчи инсоннинг (ёки оила аъзоларининг) манфаатлари ҳар томонлама ҳимояланиши ва тўғри ҳуқуқий баҳо берилиши кўзда тутилган.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг таснифи ва тартибга солувчи қоидалари турли хил қонун ва қонун ости ҳужжатларида эмас, балки тўғридан-тўғри Меҳнат кодексининг моддаларида акс эттирилиши юридик жиҳатдан тўғри бўлади.

Бахтсиз ҳодиса содир бўлганидан кейин ишчининг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарларни қоплашга келганида иш берувчи (ёки вакили)нинг кўп ҳолатларда бош тортиши кузатилади. Судлар томонидан кўрилатган низоли ҳолатларда содир этилган бахтсиз ҳодиса айнан қайси таркиб ва турга кириши муҳим жиҳатлардан ҳисобланади ва бунинг асосли равишда Меҳнат кодексига акс этиши муаммонинг узил-кесил ечими демакдир.

Тадқиқот жараёнида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида ишлаб чиқаришда барча меҳнатга тегишли қоидалар ва тартиблар ягона Меҳнат кодексига жамланган бўлиб, унга амал қилиниши аниқланди. Ушбу давлатлар Меҳнат кодексларида "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш ва текшириш" бир неча моддалар сифатида мустақкамланган. Хусусан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексига (2001 й. – 227,228, 228<sup>1</sup>,229, 229<sup>1</sup>,229<sup>2</sup>,229<sup>3</sup>, 230,230<sup>1</sup>,231-модда-

лар), Озарбайжон (1999 й.- 217-модда ва 5 банддан иборат), Қирғизистон (2004 й. – 223-модда ва 8 банддан иборат), Қозоғистон (2015 й. – 186,187,187<sup>1</sup>,188,188<sup>1</sup>,189,190) моддалардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 222-моддасида "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш ва текшириш: Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиб бориши шарт. Жабрланувчининг талабига бинан текширув тугаган кундан эътиборан узоғи билан уч кун ичида иш берувчи шу бахтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт" деб кўрсатилган. Бу амалдаги тахрирда бахтсиз ҳодисалар тушунчаларини мукамал қамраб олмаган ва қайси ҳолатга тегишлилиги тўлиқ кўрсатиб ўтилмаган, орада бўшлиқ мавжуд. Уни тўлдириш учун бошқа норматив ҳужжатларга мурожаат қилиш талаб этилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг фикримизча Меҳнат кодексини қуйидаги:

■ *ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш ва текширишнинг умумий қоидалари;*

■ *ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иш берувчининг (ёки вакилининг) мажбуриятлари;*

■ *ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳақида хабар бериш тартиби;*

■ *ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш бўйича комиссия тузилиши;*

■ *ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш муддати, расмийлаштирилиши ва тартиби;*

■ *ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш ва текширишлар рўйхатини шакллантириш;*

■ *ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш бўйича низоларни кўриб чиқиш каби бандлар ва қўшимча моддалар билан тўлдириш юридик жиҳатдан зарур. Чунки, ҳозирги кунда инсон саломатлиги ва манфаатлари давлатимизнинг асосий йўналишларидан биридир.*

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керак-ки, Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Ҳар томонлама пухта ва тўғри шакллантирилган асосий юридик ҳужжатлар давлатимизнинг ҳар бир инсон, тадбиркор ва иш берувчи манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Меҳнат кодексига юқоридаги моддаларнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Барча бахтсиз ҳодисалар тўғрисида тушунчалар ва тартиблар ўз ечимини шу кодекснинг ўзида топади. Бу эса ортиқча оврагарчилик ва сансалорликнинг олди олинишига хизмат қилади.



**Моҳира ШОДМАНОВА,**  
Тошкент шаҳар  
Миробод тумани  
хусусий амалиёт  
нотариуси,  
ТДЮУ магистри

# МЕРОС, МУЛК ВА МАЖБУРИЯТ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада меросни қабул қилиш масаласи ўрганилган. Ушбу муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинганлигига қарамасдан бедарак йўқолган мерос қолдирувчининг меросини қабул қилишда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва вояга етмаганлар меросини қабул қилиш каби масалалардаги ўзига хосликлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ворислик, мерос, меросхўр, меросни эгаллаш, меросхўрлар, мол-мулк, ҳуқуқ, мажбурият.

Бугунги кунда фуқаролик судларида кўрилаётган ишларнинг аксарият қисми мерос ва мерос ҳуқуқи билан боғлиқлиги статистик маълумотларда акс этиб турибди. Фуқаролар томонидан хусусий мулк қилиб олиш мумкин бўлган мол-мулк сифатида қимматбаҳо металллар ва тошлар, валюта қимматликлари, ер участкалари, виртуал мол-мулк, криптовалюта, рақамли ҳуқуқларнинг вужудга келиши уларга нисбатан бошқа ҳуқуқлар билан бирга ворислик ҳуқуқини ҳам такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Бу эса қонунчилигимизнинг ворислик ва мерос билан боғлиқ бандларида бўшлиқлар борлигидан далолат беради.

Аниқ меросхўрлар иштирокидаги ҳуқуқий муносабатларда объектив ва субъектив характердаги турли омиллар аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Объектив омилларга мероснинг меросхўр томонидан белгиланган муддатда қабул қилинмаганлиги ва меросхўрнинг ўлимини киритса бўлади.

Фуқаролик кодексининг 29-моддасига кўра, 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўз манфаатларига қаратилган ва нотариаллаштириш ёки давлат рўйхатидан ўтишни талаб қилмайдиган битимларни мустақил равишда бажариш ҳуқуқига эга. Меросни расмий равишда қабул қилиш фақат нотариал тартибда амалга оширилади, кичик ёшдаги меросхўрлар меросни шу тарзда қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас ва унинг ҳуқуқлари қонуний вакил томонидан қилинади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар уларнинг қонуний вакиллари ёзма розилиги билан

меросни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бир қатор мамлакатлар қонунчилигида вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсизларнинг меросни қабул қилиш тартиби алоҳида белгиланмайди, бунда вояга етмаганларнинг муомала лаёқатига оид умумий қоидалар амал қиладди. Бироқ айрим давлатларда, масалан, Украинада 14 ёшга тўлган, вояга етган шахсларнинг ота-онаси ёки ҳомийсининг розилигисиз меросни қабул қилиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқи белгиланган (Украина Цивил кодексининг 1269-моддаси<sup>1</sup>).

Муомалага лаёқатсиз болалар учун меросни қабул қилиш ҳуқуқи уларнинг васийлари томонидан амалга оширилади ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги талаб қилинмайди. Бедаarak йўқолган фуқаронинг қаердалиги ҳақида маълумот мавжуд бўлмаса, унинг жасади топилмаса ёки қонунда белгиланган муддат ўтмагунча ва шартларга риоя қилинмагунча вафот этган деб эълон қилинмайди, тирик ҳисобланади. Васиятномада мерос қолдирувчи вафот этган вақтда тирик бўлган фуқаро ҳам меросхўр деб эътироф этилиши мумкин. Шунинг учун, бедарак йўқолган фуқаро ҳам маълум бир мерос иши доирасида ворислар орасида бўлишига йўл қўйиладди. Қонунчиликда «Манфаатларни ҳимоя қилиш» деб аталган алоҳида ҳуқуқ нормаси белгиланган. «Агар меросхўрлар орасида бедарак йўқолган фуқаро бўлса, нотариус бу ҳақда васийлик органини хабардор қиладди. Васийлик ва ҳомийлик органи йўқолган фуқаронинг меросдаги улушини қабул қилиб, уни кейинчалик ишончли бошқарувга топширади.»

Меросни қабул қилиш ҳуқуқи икки шаклда амалга оширилиши мумкин: расмий ва амалий.

Расмий усулда меросни қабул қилиш мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш учун нотариусга мурожаат қилишдан иборат. Агар мерос қолдирувчи нотариус ҳузурда ҳозир бўла олмаса, у томонидан тақдим этилган ариза мерос қолдирувчи ёки унинг ўрнини босувчи мансабдор шахс жойлашган жойда нотариус томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши керак. Бу усул фақат шахсий-мулкий ҳуқуқлар мерос қилиб олинган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Расмий усул универсалдир. Шунинг учун васият қилувчининг муаллифлик ҳуқуқи ва ихтирочи-



лик ҳуқуқларини қабул қилиш фақат расмий тарзда, яъни мерос ҳуқуқи гувоҳномасини олиш билан қилинди. Меросни қабул қилиш ҳуқуқи ҳар бир меросхўр томонидан алоҳида-алоҳида амалга оширилади, шунинг учун мероснинг битта меросхўр томонидан қабул қилиниши барча меросхўрларнинг меросни қабул қилганлигини англамайди.

Меросни қабул қилишнинг амалий (норасмий) усули ҳақида адабиётларда турли фикрлар билдирилган. Мисол учун, З.Ш.Шамухамедова муайян ҳаракатларни бажариш орқали меросни қабул қилишнинг норасмий усули меросни қабул қилишнинг расмий усулига қараганда чекланган дастурга эга эканлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Е.Ю.Петров муаллифлик ҳуқуқи бутун меросга нисбатан тадбиқ этилмаслиги, шу боис муаллифлик ҳуқуқини қабул қилишнинг махсус актини тузишга ҳожат йўқлиги, мулк фақат муаллифлик ҳуқуқидан иборат бўлган ҳолларда ҳам мерос вафот этган муаллифнинг қўлэмаларини қидириш ёки йиғиш, нусхасини нашрга тайёрлаш каби ҳаракатларни амалга ошириш орқали қабул қилиниши мумкинлигини айтиди. Унга кўра ушбу ҳолатда мерос сертификатини олиш шарт эмас. Бироқ, уларни амалга ошириш учун ушбу шахс муаллифнинг ҳуқуқий вориси эканлигини тасдиқлаш керак, бу мерос тўғрисидаги гувоҳнома орқали амалга оширилади<sup>3</sup>. "Васият – меросни қабул қилиш учун кифоя", деган фикр ҳам мавжуд. Васиятнома – васият қилувчи вафот этган тақдирда унинг мол-мулки тақдири ҳақидаги маъмурий битимдир<sup>4</sup>. Амалдаги қонунчилик келишмовчиликларни келтириб чиқармайди, меросхўр томонидан меросни қабул қилиш презумпциясини белгилайди холос.

Агар меросхўрлар меросдан воз кечган ёки нолойиқ деб чиқариб ташланган бўлса, бундай ҳолатда меросга ҳақли бўлган меросхўрлар мерос ҳуқуқини олти ой ичида қайтариб олишлари мумкин. Меросни меросхўрлар қабул қилмаганлиги сабабли дастлаб меросга чақирилмаган ворислар мерос олиш ҳуқуқига эга бўлса, улар томонидан меросни қабул қилиш муддати олти ойлик муддат тугаган кундан бошлаб ҳисобланиши керак.

Меросни қабул қилиш муддатини ҳисоблашда жуда муҳим ҳолатлар инобатга олинмайди. Бунинг устига судга мурожаат қилиш муддати белгиланмаганлиги сабабли, белгиланган вақт доирасидан четга чиқиш, меросхўрни нолойиқ деб эътироф этишнинг ҳуқуқий жараёни, агар фуқаронинг апелляция ва кассация бериш ҳуқуқи ҳисобга олинса, бир йилдан ортиқ давом этиши каби жараёнларни вужудга келтиради.

Меросни қабул қилиш муддати мерос қолдирувчининг қонуний вакили (ота-она, васий, ҳомий ва бошқалар) томонидан ўтказиб юборилганда вазият бошқача, чунки бу ҳолда меросхўрнинг манфаатларига таъсир кўрсатилади. Агар меросхўр меросни қабул қилиш муддати мобайнида жазони ўтаётган бўлса, муддатни ўтказиб юборганлик васийлик органлари ёки қамоқхона маъмуриятининг жавобгар-

лигини келтириб чиқариши мумкин, аммо бу меросни қабул қилиш муддатини тиклашга олиб келмайди. Ушбу муассасалар вакиллари суддан меросни қабул қилиш муддатини тиклашни сўрашга ҳақли. Бироқ, натижада вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганлигини ҳисобга олсак, меросни қабул қилиш муддати қонунда қайд этилган ҳар қандай ҳолатда ҳам узайтирилиши керак. Қонунчиликка кўра, меросни қабул қилиш шартсиз ва қайтарилмас, яъни меросхўр ҳар қандай шароитда ҳам меросдан воз кечиш имкониятига эга эмас эди. Меросни қабул қилишда меросхўр бирон-бир шарт қўйишга, бирон-бир шартни белгилашга ёки ўз хоҳиш-истагини билдиришга ҳақли эмас. Бундан ташқари мерос қисман қабул қилиниши мумкин эмас, у тўлалигича қабул қилиниши ёки умуман қабул қилинмаслиги мумкин.

Қонунчиликка кўра, нотариусга ариза бериш ёки меросни ҳақиқий қабул қилишни кўрсатадиган ҳаракатларни амалга ошириш меросни шартли қабул қилиш деб аталади. Меросни якуний қабул қилиш эса меросхўрнинг меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани олган пайтда пайдо бўлади. Агар меросда кўчмас мулк объектлари бўлмаса, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома мерос қолдирувчининг мерос мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқлаши учун етарлидир. Агар меросда кўчмайдиган объектлар мавжуд бўлса меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос қилиб олинган кўчмас мулк объектларининг меросхўрига мулк ҳуқуқини беришни рўйхатдан ўтказиш учун асосдир. Баъзи олимларнинг фикрича мерос ҳуқуқий муносабатларнинг биринчи босқичини яқунлайди ва мерос қилиб олинган мулкнинг тақдири аниқланмагунча давом этадиган иккинчи босқични бошлайди.

Шундай қилиб, амалдаги қонунчилик меросни қабул қилишнинг барча масалаларини ҳал қилмайди. Бунда мерос таркиби, мерос субъектлари, қонун бўйича ворислик навбатлари, тақдим этиш бўйича ворислик, меросни эгаллаш каби масалаларни аниқлаштириш, қонун нормалари ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мерос қолдирувчининг тадбиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқларини меросхўрларга путур етказмасдан силлиқ ўтиши учун қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш лозим деган хулосага келиш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Цивільний кодекс України. – Київ: Велес, 2004.
2. Шамухамедова З.Ш. Ўзбекистон Республикаси ворислик қонунчилигининг ривожланиш муаммолари: Назария ва амалиёт: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Тошкент: 2011. – 30 б.
3. Петров Е.Ю. Наследственное право России: состояние и перспективы развития (сравнительно-правовое исследование) [Электронное издание]. – М.: М-Логос, 2017. – 152 с.
4. Бурибаев Е.А., Хамзина Ж.А. Актуальные проблемы принятия наследства // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31627152](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31627152).



**Сирожиддин ҚУВВАТОВ,**  
Жиззах вилоят суди иқтисодий судлов ҳайъати судьяси

## РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ – СУДЬЯНИНГ ЎЗИГА “ҚАРАШИ”ГА ОЛИБ КЕЛАДИ

*Авваллари хориж матбуотларида “рейтинги баланд спортчилар, санъаткорлар, таълим муассасалари, спорт клублари” каби атамалар қулогимизга чалиниб турар, бу сўз ўша шахслар ёки муассасаларнинг жамиятда таниқлилиги ва нуфузи баланд эканлигидан дарак берад эди.*

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ўша пайтда бизнинг луғатларимизда учрамаган тест, рейтинг каби сўзлар дастлаб олий таълим тизимига жорий этила бошланди. У вақтларда баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилиши баъзи талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун ноқулай туюлар ва бундан норози ҳам бўлар эди, чунки рейтинг тизими талабани ҳам профессор-ўқитувчини ҳам доимий ўз устида ишлаши, билими, кўникмаси, тажрибасини доимий ошириб боришини талаб қилар эди. Ўқитувчиларни эса йиллар давомида талабаларга ўқиб келган маърузалари туширилган сарғайиб кетган қоғозлардан воз кечиб, илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишга ундар, талабаларни ҳам семестр давомида ўқимасдан, сессия пайтида бир амаллаб “зачёт” ва имтиҳонлардан ўтишига тўсқинлик қилар эди. Талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолаш талабанинг фанни ўзлаштириш жараёнидаги барча фаолиятини қамраб олиб, унинг олий таълим муассасасидаги ҳар бир ҳаракатини “балл” билан баҳолаб боради.

Рейтинг сўзининг маъноси ҳам инглиз тилидаги “rating” сўзидан келиб чиқиб, ўзбекча “ёзиш” маъносини англатади. Рейтинг тизимида шахснинг иш ёки ўқиш жараёнидаги ҳар бир ҳаракати тегишли ҳужжатларга ёзиб борилади ва охирида сарҳисоб қилинади.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, уларда рейтинг тизими жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган. Масалан, бола дастлаб боғчага борган пайтдан бошлаб унинг фаолиятига балл берила бошлайди. У билими, қобилиятига яраша рейтинг баланд бўлган мактабларга ўқишга қабул қилинади, у ерда тўплаган балларига қараб нуфузи баланд бўлган коллеж ёки олий ўқув юртларида ўқишини давом эттиради (Бу таълим муассасаларида абитуриентлар кириш имтиҳонлари топширмайдилар, уларнинг мактабда тўплаган баллари асосида ўқишга қабул қилинади). Тегишли мутахассислик бўйича ўқишини тугатгандан сўнг тўплаган баллари инобатга олинган ҳолда нуфузли ташкилот ва муассасаларда иш фаолиятини бошлайди. Албатта бу корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам ходимнинг рейтингига муносиб тарзда амалга оширилади.

Бутун дунёда абитуриентлар нуфузи баланд бўлган “Топ-500”, “Топ-1000” талиқдан ўрин олган олий таълим муассасаларига ўқишга киришга ҳаракат қилишади, чунки бу университетларда юқори рейтинг кўрсаткичга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ишлашади ва шунга муносиб рақобатбардош малакали кадрлар тайёрланади.

Сўнгги йилларда бизнинг республикамизда ҳам олий ўқув юртларини “Топ-500”, “Топ-1000” талиқлар рўйхатига киритиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошлангани қувонарли ҳол. Албатта бу ерда асосий мезон таълим муассасасида рейтинг баланд ходимларнинг фаолият кўрсатиши ва шунга муносиб кадрлар тайёрланишидир.

Халқимизда “Ҳисобсиз дунё йўқ”, – деган мақол бор. Диний манбаларда ҳам инсоннинг бу дунёда бутун умри давомидаги савоб ва гуноҳ ишлари фаришталар томонидан унинг “номаи аъмол” деб аталувчи дафтарига ёзиб борилиб, у дунёда қилган савоб ёки гуноҳ ишлари эвазига Жаннатга киритилиб мукофотланиши ёки дўзахга кириб жазоланиши уқтириб келинади. Демак, дунёда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати баҳолаб борилади.

Ички ишлар вазирлигининг хабар беришича, яқин кунларда юртимизда ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балла-



рини ҳисоблаш тизими жорий этила бошлайди. Агарда ҳайдовчилар томонидан 12 ой давомида содир этилган қоидабузарликлар учун ҳисобланган жарима балларининг умумий миқдори 12 баллдан ошса, улар транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Қоидабузарлик содир этмаган ҳайдовчиларга эса бонус баллари ҳисоблаб борилади. Бежизга сўзни узоқдан бошламадик. Мазкур амалиёт суд-ҳуқуқ тизими соҳасида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли фармонида судьялар фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кўрсатилган эди. Шунга асосан, Судьялар олий кенгаши томонидан “Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилиб амалга киритилди. Мазкур Низомда судьяларнинг иш фаолияти асосий ва қўшимча мезонлар билан баҳолаб борилади. Асосий мезон сифатида суд қарорларининг сифати, судьянинг масъулияти ва одоби, ҳуқуқий тарғибот ишлари ҳамда судьянинг чет тилларини билиши ҳисобланса, судья иш ҳажмининг катталиги, судьялар клуби онлайн форумидаги фаоллиги, илмий даражага эгаллиги ва касбий малака оширганлиги қўшимча баҳолаш мезонлари сифатида инобатга олинади.

Олий суд судьялари, Ҳарбий суд, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьялари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, туманлараро маъмурий суди раислари, раис ўринбосари ва судьялари, ҳудудий ҳарбий судлар раислари фаолиятининг самарадорлиги ушбу Низомда белгиланган мезонлар асосида баҳоланади.

Олий суднинг раиси ва раис ўринбосарлари, Ҳарбий суд, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раислари ва раис ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги шу ҳудуд судьялар рейтинг баллининг ўртача миқдори ҳисобида баҳоланади.

Баҳолаш ишлари Судьялар олий кенгашининг Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

Судьялар фаолиятининг самарадорлиги 86 дан 100 баллгача – “намунали”, 71 дан 85 баллгача – “яхши”, 56 дан 70 баллгача – “қониқарли”,

41 дан 55 баллгача – “қониқарсиз”, 40 баллгача – “ёмон”, деб баҳоланади.

Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси судьялар олий малака ҳайъати ҳамда судьялар малака ҳайъатлари фаолияти қониқарсиз ва ёмон баҳоланган судьяларнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича фаолият самарадорлигини ҳамда судьянинг малакасини ошириш юзасидан ҳар бир судья учун алоҳида мураккаб чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Зарур ҳолларда эса хизмат текшируви ўтказилиб, судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги хулосани Судьялар олий кенгашига киритади.

Одил судловни амалга оширишдаги фаолияти самарадорлиги юқори бўлган судьялар “Ибратли судья” мукофоти билан рағбатлантирилади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминлаш тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” деб номланувчи иккинчи йўналишининг 15-мақсадида ҳам судьяларнинг ўзини-ўзи бошқариш таъминлини кенг жорий этиш вазифаси қўйилган.

Судьялар фаолиятини рейтинг асосида баҳолашни судьяларни доимий тарзда ўз устида ишлаб билимини, малакасини ошириб боришга, ўз ишига масъулият билан ёндашишига, талабчанликнинг ошишига олиб келади.

Сир эмас, бир неча кун олдин Судьялар олий кенгаши томонидан республикамизда фаолият кўрсатаётган судьяларнинг рейтинг баллари эълон қилиниб, фаолият самарадорлиги юқори бўлган судьяларга “Ибратли судья” мукофотининг топширилиши судьяларнинг фаоллашувига бир тўртки бўлди дейиш мумкин. Энди бу соҳада “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман”, “муддатдан муддатгача бир гап бўлар” қабилда ишлаб бўлмаслигини, вақтида “уйғониш” кераклигини ҳис этдик, десак муболаға бўлмайди.

*Эзгулик салгина чекинса – бас, унинг ўрнига дарҳол ёвузлик мустаҳкамланиб олади.*

**Чингиз  
АЙТМАТОВ**



**Камола  
МИРШАЕВА,**  
Судьялар олий  
мактаби таянч  
докторанти

# АЁЛЛАР ЖИНОЯТЛАРИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

## АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада аёллар томонидан варазли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг криминалогик тавсифи ҳамда ўзига хос хусусиятлари атрофлича кўриб чиқилган. Аёл жиноятчилигининг, мақсади ҳамда жиноятнинг субъектив ва объектив жиҳатлари ёритиб берилган. Шунингдек миллий ва хорижий нуфузли олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, хулоса қилинган.

**Калит сўзлар:** аёл жиноятчилиги, жиноят, хатти-ҳаракатлар, криминалогик фарқли жиҳатлари, мақсад, таҳлил, вараз, зўрлик, ўзига хос хусусиятлари.

Аёлларнинг жамиятдаги аҳволи ҳар қандай давлатдаги демократиянинг барометри, инсон ҳуқуқларига бўлган ҳурматнинг кўрсаткичи ҳисобланади. Кейинги йилларда аёлларнинг ҳуқуқларига катта эътибор берилиб, бу соҳада бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, Конституциямизнинг 46-моддасида аёллар ва эркекларнинг ҳуқуқлари тенглаштириб қўйилди.<sup>1</sup> Шунингдек, Ўзбекистон БМТнинг «Аёллар камситилишининг барча шакллари тугатиш тўғрисида»ги, «Аёлларга нисбатан зўрликни тугатиш тўғрисида»ги халқаро конвенцияларга қўшилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган қатор қарорлар, дастурлар қабул қилинганлиги фикримиз исботидир. «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши туфайли гендер тенгликка хилоф бўлган барча чекловлар, хатти-ҳаракатларга чек қўйилиши кўзда тутилди.

Бироқ, давлатимиз томонидан хотин-қизларга нисбатан бир қанча ҳуқуқ ва имкониятлар берилганлигига қарамадан, жамиятимизда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони ортиб борапти.

Она – аёлнинг жамият саҳнасида жиноятчи сифатида намоён бўлиши, фожиаларнинг энг оғиридир. Ҳали бундай фожианинг моҳиятини ҳеч бир ёзувчи ёритиб бераолган эмас. Умуман, инсонийлик нуқтаи назардан, аёли жиноятга қўл урган жамиятни комил деб бўлмайди.

Сўнги йиллар ичида нозик хилқат вакиллари томонидан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, талончилик, босқинчилик ва ўғрилиқ жиноятлари билан бир қаторда уюшган товламачилик (рекет), наркобизнес ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. Расмий статистика маълумотларига кўра вояга етмаган аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг умумий сонидан гуруҳ бўлиб содир этиладиган жиноятлар 65-70 фоизини ташкил этади. Бундай ҳол мазкур шахсларнинг ўзига хос бирдамликка муҳтож

эканлиги билан изоҳланади: улардан ҳар бири алоҳида қўл уришга журъат эта олмайдиган қилмишни бир-галикда содир этадилар.<sup>2</sup>

Аёллар жиноятчилиги ижтимоий муҳитдаги маданият ва жинслар тенглиги муаммолари билан боғлиқдир. Консерватив патриархал маданият типи, жамиятимиз бошидан ўтказилган мустабид тузум аёллар ижтимоий қарамлигининг икки хил мезонини шакллантирди. Бу асосиз икки хил стандартларга таянувчи ахлоқда, жинсий тенгсизлик шаклини акс эттирувчи тилда, хурофий қарашларни болаликдан шакллантирадиган таълимда, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган образни шакллантирувчи оммавий ахборот воситаларида ўз ифодасини топади.

Ҳозирги замон аёллар жиноятчилигини тавсифловчи яна бир муҳим жиҳат шундаки, ҳуқуқий нигилизм мавжуд шароитларида давлат авваламбор ўзининг ҳуқуқини муҳофаза қилиш органлари орқали мазкур ҳодисага қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилмоқда ва кўриб турганимиздек, бу ҳозирча қутилган натижаларни бераётгани йўқ.

Юридик адабиётларда маълум жиноятлар гуруҳи мажмуини тасвирлашда «жиноятларнинг криминалогик тавсифи» тушунчасидан фойдаланилади. Ҳар бир тавсиф ўрганилаётган объектнинг бошқалардан фарқловчи муҳим жиҳатларини, ўзига хос хусусиятларини, унинг умумий табиатини ёки унга хос маълум тарафларни, қонуниятларни ифодалаши зарур<sup>3</sup>.

Криминалогик тавсиф – бу маълум жиноятлар тури (гуруҳи) ёки конкрет алоҳида ҳавфли қилмишларнинг олдини олишда фойдаланиладиган ахборотлар мажмуи (етарли ҳажмдаги маълумот). Криминалогик тавсифнинг муҳим жиҳати шундаки у орқали жиноятчилик шаклидаги ижтимоий феномени ҳар тарафлама ва тўлақонли ўрганиш, уни муваффақиятли тарзда назорат қилиш ҳамда жиноятчиликни самарали профилактика қилишнинг гарови ҳисобланади.

А.Э.Жалинский таъкидлаганидек жиноятлар профилактикаси субъектлари деганда фақат

жисмоний шахслар тушунилади ва уларни жиноий фаолиятга жалб этилганлик даражасига қараб таснифлайди<sup>4</sup>.

**Ю.Д.Блувштейн профилактика фаолияти субъектининг асосий белгиларини қайд этишни таклиф қилади. Унинг фикрича, бундай белгилар қаторига қуйидагилар киради:**

- жиноятлар профилактикаси тизими тажрибасини ўзлаштириш ва уни фойдаланишга қодир бўлган функция сифатида изчил амалга ошириш;

- тизимнинг бошқа элементлари билан турли йўналишларда боғланганлик;

- ўз хулқ-атворини тизим «бошқарув механизми»нинг бўйруқларига мувофиқ йўлга солиш.

Мазкур маълумотларга асосланиб содир этилаётган жиноятлар сонининг ортиши ва камайиши сабабларини таҳлил қилиш орқали профилактик чораларни ўтказиш устуворлигини белгилаш мумкин. Ушбу умумий қоида аёллар томонидан ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга ҳам тааллуқли.

Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар, мавжуд доимий ёки вақтинча яшаш жойи билан боғлиқ тафовутларга ҳам тўхталиб ўтиш керак. Бундай тафовутлар, масалан, шаҳарларда ва қишлоқ жойларида аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларни тавсифлайди.

Аёллар жиноятчилигини ўрганган тадқиқотчилар қишлоқ жойларида бундай жиноятчилик даражаси анча пастлигини илгари ҳам қайд этганлар<sup>5</sup>. Бу ижтимоий муҳитдаги омилларнинг таъсири билан ҳам изоҳланади. Шаҳарда инсоннинг хулқ-атвори устидан маиший муҳитнинг назорати анча заифлашади, бу эса, табиийки, ғайриқонуний қилмишлар содир этилишини енгиллаштиради. Қишлоқ жойларида шаҳарга нисбатан мустаҳкам ижтимоий алоқаларнинг сақланиб қолганлиги ижтимоий назорат элементи бўлиб хизмат қилади ва умумий ижтимоий-психологик ўзаро боғлиқлик билан ҳисоблашишга мажбур қилади.

Қишлоқда яшайдиган аёлларнинг жиноий фаоллиги бирмунча паст. Бинобарин, улар томонидан содир этилган жиноятлар доираси ҳам анча тор. Қишлоқда хотин-қизларнинг жиноий фаолияти асосан ишлаб чиқариш – меҳнат фаолияти билан алоқадор. Бу хотин-қизларнинг савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида бандлиги бўйича ҳўжалик ва хизмат вазифаси билан боғлиқ, шунингдек ўзганинг мулкани талон-торож қилиш жиноятларидир.

Оила-рўзғор муҳитида қишлоқ аёллари шахсга қарши жиноятлар ва ўғирликлар ҳам содир этади, ammo бундай жиноятлар жамоатчилик томонидан шаҳардагига нисбатан анча қаттиқ қораланади. Бунинг устига, муаллифнинг фикрича, қишлоқда жиноят содир этган ва озодликдан маҳрум қилиш жа-

зоси тайинланган аёллар озодликка чиққанидан кейин кўпинча уйига қайтиб келмайди, балки бошқа жойларда, асосан шаҳарларда қолади. Бу ўзига хос қонуниятда ҳам қишлоқ микромуҳитининг маълум хусусияти кўзга ташланади. Мазкур мезонлар юқорида зикр этилган тоифага мансуб аёлларнинг аввалги яшаш жойига қайтиб келишига психологик тўсиқ бўлиб хизмат қилади, чунки яшаш жойидаги мустаҳкам ижтимоий – фойдали алоқалар озодликдан маҳрум қилиш тариқасида ўталган жазонинг муддати билан бевосита боғлиқдир. Бундай шароитларда орттириладиган салбий кўникмалар ва хулқ-атвор аёллар тушунчасида озодликдаги аввалги турмуш тарзига мос келмайди.

Шаҳарларда ва қишлоқ жойларида аёллар жиноятчилигига микроижтимоий муҳит омилларининг таъсирига умумий таъриф беришда, бизнингча, шахс ижтимоий муҳитнинг ўзгаришида миграция жараёнларининг аҳамиятини ҳам эътиборга олиш керак. Авваламбор, оила, қариндош-уруғлар, кўшниллар, ошна-оғайниллар, меҳнат жамоаси ва ҳоказолар билан бирга шаклланган ижтимоий алоқаларнинг узилиши айнан аёлларнинг жиноий хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатади.

Аёллар томонидан ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг ўзига хослиги унинг кенг тарқалган (оммавий)лиги, нисбатан барқарорлиги ва умумий жиноятчилик ҳолати ва тузилишига тегишли таъсир кўрсатишидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жамият учун хавф туғдирадиган ҳар қандай шахс жинсидан қатъий назар жазоланиши шарт. Акс ҳолда, жамиятда бузғунчилик, жиноят авж олиб кетади. Бироқ жиноятга, хусусан, аёллар жиноятчилигига сабаб бўлувчи ҳар қандай шарт – шароит ўз вақтида ислоҳ қилинмас экан, биз дунёнинг энг буюк мўжизаси бўлмиш Аёлнинг қора курсида, кейин эса симтўрлар ортида «яшаши»дек мусибатига гувоҳ бўлаверамиз.

Аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ва шу каби жиноятларнинг кўрсаткичларини камайитириш мақсадида таклиф ўрнида шуни киритиш мумкинки, маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва бу корхоналарга уйда ўтирган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан жазони ўтаб қайтган аёлларни жалб этиш орқали бандликни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2021.
2. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Монография/Масъул муҳаррир: ю.ф.д.,проф. М.Ҳ.Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. –58 б.
3. Уголовное Уложение от 22 марта 1903 г., с мотивами извлеченными из объяснительной записки редакционной комиссии. СПб., 1904. С. 765.
4. Жалинский А.Э. Специальное предупреждение преступлений. – Львов, 1976. – 152-б.
5. Габиани А.А. Преступность среди женщин. - Тбилиси. 1986. С. 74; Серебрякова В.А. Преступления, совершаемые женщинами. - М., 1973. С. 108.



**Шухрат ТУРДАЛИЕВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Пайариқ туманлараро  
судининг раиси

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ: ПРОЦЕССУАЛ ИМКОНияТЛАР КАФОЛАТИ

**Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонунида жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига муурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда муурожаатлар шаклига кўра, оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.**

Бу борада Фуқаролик процессуал кодексида ҳар қандай шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга муурожаат қилишга ҳақли.

Ҳеч ким судга муурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши ва маҳрум этиши мумкин эмас.

### Судга муурожаат қилишда амалга оширилдиган ҳаракатлар:

- талаб (муурожаат) нинг суд ва бошқа органлар ваколатига тегишлилигини аниқлаш;
- аризани (даъво ариза) ни тайёрлаш;
- илова ҳужжатларини тайёрлаш;
- давлат божи миқдорини аниқлаш ва тўлаш;
- аризани (даъво ариза)ни топшириш.

Ушбу ҳаракатларни амалга оширишда даъвогар (ҳуқуқи бузилган шахс) шахсан ўзи ёки вакил (қонуний, шартномали) олишга ҳақли ва у орқали моддий ва процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли саналади.

### Судга муурожаат қилишда эътибор берилдиган процессуал талаблар:

- ➔ судга тааллуқлилиқ мавжудлиги;
- ➔ судга муурожаат қилувчи шахс (даъвогар) нинг ариза (даъво ариза) билан муурожаат қилишга ваколатлилиги;
- ➔ судга муурожаат қилувчи шахс (асл даъвогар, процессуал даъвогар, вакил) нинг иш юритишга ваколатлилиги;
- ➔ судга муурожаат қилинаётган талаб (низо)ни судгача ҳал қилиш имконияти бор (йўқ)лиги;
- ➔ судга муурожаат қилинаётган талаб (низо) юзасидан даъво муддати ўтмаганлиги;
- ➔ судга муурожаат қилинаётган талаб (низо) юзасидан тарафлар томонидан яраштирув тартиб-тамоийилларига (келишув, медиация) амал қилинганлиги ёки амал қилиш имконияти мавжудлиги;
- ➔ судга муурожаат қилинаётган талаб (низо) юзасидан даъвони таъминлаш (ижрони таъминлаш), далилларни таъминлаш зарурати мавжудлиги.

Фуқаролик процессуал кодекси (17-модда) меъёрларига кўра, фуқаролик иши якка тартибда ва ҳайъатда кўрилади.

**Фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг мақоми ўзига хос хусусиятга эга, чунки иш юритишнинг турлари бўйича ҳамда қонунда белгиланган асосларга кўра улар қуйидагича тавсифланади:**

- ➔ даъво тартибда юритиладиган ишларда – даъвогар ва жавобгар;
- ➔ буйруқ тартибда юритиладиган ишларда – ундирувчи ва қарздор;
- ➔ алоҳида тартибда юритиладиган ишларда – аризачи ва манфаатдор;
- ➔ ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ бўлган ишларни юритишда – аризачи ва манфаатдор шахс (ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири);
- ➔ чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш билан боғлиқ ишлар – ундирувчи ва қарздор.

### Тарафлар (даъвогар ва жавобгар) нинг маҳсус ҳуқуқлари:

- ➔ тарафлар процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар;
- ➔ даъвогар билдирилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, кўшимча талаблар тақдим этишга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёхуд камайтиришга, улардан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли;
- ➔ жавобгар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга, қарши даъво тақдим этишга ҳақли;
- ➔ даъво ишини юритишда тарафлар суд процессининг ҳар қандай босқичида ишни келишув битими тузиш ёки биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар медиатив келишув тузиш орқали тугаллашга ҳақли.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фуқароларнинг умумий ҳуқуқий маданияти ва онги юксалса, низоларнинг вужудга келиш жараёни ҳам сусаяди, бартаф этилади, келиб чиққан низоларга ўз вақтида ечим берилади. Шу билан бирга, процесс иштирокчилари ҳам судда қатнашар экан, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни билиши ва амалда татбиқ эта олиши даркор.

# ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ВА ИММУНИТЕТ ҲУҚУҚИ

*Иммунитет латинча “immunitas” сўздан олинган бўлиб, бирон нарсадан халос, озод бўлиш, қутулиш деган маънони англатади. Ушбу тушунча асосан тиббиёт соҳасида қўлланилиб, тирик мавжудотларнинг ўз бутунлиги ва биологик ноёблигини бузувчи ёт омиллардан ҳимояланиши, қаршилик кўрсатишини билдиради<sup>1</sup>.*

Жиноят қонунчилигида шахсий дахлсизлик ва иммунитет ҳуқуқи тушунчаларига таъриф берилмаган.

Шахснинг дахлсизлиги ва иммунитет ҳуқуқи тушунчалари бир-биридан фарқ қилувчи тушунчалар эканлиги, уларнинг ўзига хос жиҳатлари баъзи бир олимларнинг қарашларида турлича талқин қилинган.

Рус олими В.Руднев иммунитетни дахлсизлик ва масъулиятсизлик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган тушунча сифатида таҳлил қилиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини кўрсатадиган қоида сифатида кўриб чиқади. Чунки иммунитетга эга бўлган шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлса-да, шахс ишлаётган орган томонидан розилик берилмаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортишни истисно этишни назарда тутди. Шунингдек, олим иммунитетни тўлиқ ва қисман турларга ажратиб, тўлиқ иммунитет мансабдор шахсларнинг дахлсизлиги бўлса, мансабдор шахс бўлмаган бошқа тоифадаги шахслар, масалан, жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг яқин қариндошлари қисман дахлсизликдан фойдаланишлари мумкинлигини, бундай шахсларга қисман иммунитет бериш ахлоқий қадриятларни ҳимоя қилиш мақсади кўзлаганлигини таъкидлайди.<sup>2</sup>

А.Цараев ўзининг қарашларида шахснинг дахлсизлиги — бу шахснинг туғилишдан бошлаб унга тегишли бўлган табиий ҳуқуқи бўлиб, ўзга шахслар ушбу ҳуқуқни тушуниши ва ҳурмат қилиши асосида таъминланиши, давлат инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шу жумладан, унинг шахсий эркинлиги ҳамда дахлсизлигига риоя этилиши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш мажбуриятини кафолатлашини, инсон ўз мақомига қараб дахлсизликнинг маълум кафолатларига эга эканлиги, шахс дахлсизлиги ҳар қандай тоифадаги шахслар иммунитетининг асоси ҳисобланишини баён қилган.<sup>3</sup>

**Жиноят-процессуал кодексининг 223-моддасида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлган шахслар доираси назарда тутилади. Булар:**

1) депутатлар;

2) Олий Мажлис Сенати аъзолари;

3) Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);



**Шохруҳ ВАХОБОВ,**  
Судьялар олий мактаби  
тингловчиси

4) Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил;

5) судьялар;

6) прокурорлардир.

Ушбу шахслар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушган ҳолатлардан ташқари, ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмаслиги кўрсатилган.<sup>4</sup> Шунингдек, мазкур шахсларга нисбатан жиноят иши доирасида ЖПКнинг 239-моддасига асосан уй қамоғи ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танлашнинг ўзига хос процессуал тартиби белгиланган. Бироқ жиноят-процессуал кодексида мазкур шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қандай ҳал этилиши кўрсатилмасдан, иммунитет ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг фаолиятини бевосита тартибга солувчи (“Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги) қонун ҳужжатларида акс эттирилган.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, шахсий дахлсизлик шахснинг ҳуқуқий мақомидан қатъи назар унга тегишли бўлади (шахсий ҳаёт дахлсизлиги, турар жой дахлсизлиги). Иммунитет ҳуқуқи эса маълум бир ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахсдагина вужудга келади. Иммунитет ҳуқуқига эга бўлган шахслар жиноят содир этганда, фаолият олиб бораётган ёки манфаатларини ҳимоя қилаётган ташкилот (давлат)нинг жиноий жавобгарликка тортишга рухсат бериши ёки бермаслигига қараб, жавобгарликдан озод бўлиши ёхуд жавобгарликка тортилиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. qomus.info/encyclopedia/cat-i/immunitet-uz/
2. Руднев, В. И. Иммунитеты в уголовном судопроизводстве : автореф. дис. ... канд. юрид. наук / Руднев В. И. – М., 1997.
3. Цараев А.А. Неприкосновенность судьи как гарантия его независимости : автореф. дис. ... канд. юрид. наук / Цараев А.А. – М., 2003.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон. 2018.



**Нилуфар  
АЛЛАБЕРГАНОВА,**  
Урганч туманлар-  
аро иқтисодий  
судининг раиси

## СУДЛАР ОБРЎСИ ВА НУФУЗИ – АДОЛАТ ПОЙДЕВОРИ

*Одил судлов самарадорлиги бир-бирини тақозо этувчи жуда кўп омилларга, жумладан одил судловни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми қанчалик такомиллашганлигига, суднинг давлат ҳокимияти бошқа органлари билан муносабати ҳолатига, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг қонунларга итоаткорлиги, судга ишонч ва ҳурматига боғлиқ.*

Жамиятда одил судловнинг обрў ва нуфузини оширадиган муҳим омиллардан бири бу – суд маданияти ва одобидир. Зеро, суд маданиятини юксалтириш, ҳар бир суд жараёнида суд этикаси қоидаларига тўла риоя қилинишини таъминлаш натижасида адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришилади. Бу ерда яна бир жиҳат — судларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигидир.

Айнан судьянинг дахлсизлиги масаласи одил судловнинг асосини ташкил этадиган Конституциявий тамойилларнинг ичида энг муҳими ҳисобланади. Судьянинг дахлсизлиги одил судловни амалга оширишда ҳуқуқлари чекланишининг олдини олиш, уларга бу вазифани бажаришда ҳар қандай аралашувига чек қўйишда муҳим ўрин тутаети. Ушбу қоида “Суд органларининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги халқаро конвенцияга ҳам монандидир. Демак, мустақил ва дахлсиз тизим яратилган экан унга муносиб, ҳар томонлама етук, масъулиятли ва маънавиятли кадрларни етиштириш муҳим вазифа саналади.

Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига судьяларнинг мустақиллиги, холислиги, одиллиги, ҳалоллиги ва ўз касбига муносиблиги, ҳамкасблар ҳамда бўйсунувидиги ходимлар билан ўзаро муносабати каби ҳулқ-атвор қоидалари касбий фаолият билан боғлиқ тамойиллар асосида белгилаб берилган ва судьяларга алоҳида талаб ва муайян бурч юклатилганлиги боис, бу судьялар касамёди билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Суд этикаси нафақат судьялар, балки суд аппарати ходимларини тўғри танлашда, судья ва суд ходимла-

рининг касб ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишларида, уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ва суд процессларининг тарбиявий аҳамиятини оширишда ўта зарурдир. Шу боис дунё давлатлари қонунчилигида суд тизими мустақиллиги, дахлсизлиги, судьялар ва суд тизими ходимларининг одоб-ахлоқи масалаларига катта эътибор берилади. Суд этикасининг аҳамияти борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган, илмий мақолалар ёзилган ва халқаро даражадаги қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган.

2002 йил 19 ноябрда Страсбургда Европа судлари Кенгаши томонидан Европа Кенгашига “Судьяларнинг ҳулқ-атворларини тартибга солиш, одоб-ахлоқ қоидалари, уларга риоя қилиниши юзасидан тартиб ва тамойиллар” тўғрисида хулоса тайёрланган. Бу термин қисқача “Этика қоидалари” деб номланади.

Айрим давлатлар, масалан АҚШ ёки Шарқий Европа давлатларида бундай ҳужжат яқин йилларда қабул қилинган.

Айни пайтда суд ходимларининг этика кодекслари Озарбайжон, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Канада, Литва, Молдова, Словакия Республикаси, Словения, Украина, Эстония, Япония каби дунёнинг кўплаб тараққий топган давлатларида қабул қилинган. Айрим давлатларда махсус қонунлар асосида тизим фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, Россия Федерациясининг суд ҳокимияти “Россия Федерациясининг суд тизими тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Унга кўра, ҳеч бир орган суднинг вазифасини бажариш ваколатига эга эмаслиги, давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимиятидан мустақиллиги, конституцион, фуқаролик, маъмурий ва жиной суд ишларининг тааллуқчилигидан иборатлиги белгиланган.

Мамлакатимизда ҳам судлар мустақиллиги, судьялар ва суд ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилиши борасидаги ҳужжатлар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Келгусида Ўзбекистонда яратилган мукамал ҳуқуқий база ва шу асосда тасдиқланган ислохотлар натижасида эришилган одил судлов самарадорлиги, суд этикаси, суд ҳокимиятининг жамиятда тутган нуфузи ютуқларидан жаҳон мамлакатлари ўрнатқан олишлари шак-шубҳасиздир.



## ОДИЛ СУДЛОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунуши, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши қатъий белгилаб қўйилган.**

Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон фармонида кўра, судьяларнинг юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш пайтида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилди-ки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб:

судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Судьялар олий кенгаши раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши қўзғатилганлиги ёки қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилади;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиринишга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилади;

суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда кор-

рупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ислохотларнинг бош мезони ва қонунчилик асосларини яратиш ҳамда такомиллаштиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилмоқда.



**Нурилла АБДУЛЛАЕВ,**

Гулистон туманлараро иқтисодий суди судьяси.

## ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР КЎРСАТАДИ-КИ...

**Жамиятда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш амалиёти Германия, Франция, Буюк Британия, Россия каби давлатларнинг хорижий тажрибаларида ҳам учратиш мумкин. Бундан кўзланган асосий мақсад эса, халқнинг фаровонлигига эришиш, давлат ва фуқаролар ўртасида ўзаро ишончга асосланган муносабатларни ўрнатишдан иборат.**

Албатта, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Мурожаатлар сони фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги билан ҳам боғлиқ. Маъмурий судлар томонидан кўрилган низоларни статистик таҳлил этадиган бўлсак, биргина 2021 йилда жами республика бўйича 15 143 та оммавий низолар кўрилган бўлиб, уларнинг 7 876 таси ёки 52 фоизи қаноатлантирилган. Шунингдек, маҳаллий ҳокимлик қарорларининг маъмурий

судлар томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши динамикаси шуни кўрсатадики, 2021 йилда жами кўрилган ишлар сони 5 033 та бўлиб, 2 184 таси қаноатлантирилган, 2 285 таси рад этилган, тадбиркорлик субъектларининг аризалари асосида кўрилган ишлар 3 432 та бўлиб, 1 687 таси қаноатлантирилган, 1 192 таси рад этилган, 180 таси кўрилмасдан қолдирилган, 373 тасида иш юритиш тугатилган.

**Фазлиддин ЁДГОРОВ,**

Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси.



**Матлуба АВЛИЯКУЛОВА,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси,  
мустақил изланувчи

## КОРПОРАТИВ МУНОСАБАТЛАР: МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

### АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада корпорация, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ҳамда корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим жиҳатлари бўйича мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** корпорация, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар, иштирокчи, акциядор, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, хўжалик жамияти.

### АННОТАЦИЯ:

в данной статье выражено понятие корпорации и корпоративных правоотношений, а также важные аспекты правового регулирования корпоративных правоотношений.

**Ключевые слова:** корпорация, корпоративные правовые отношения, участник, акционер, акционерное общество, общество с ограниченной ответственностью, общество с дополнительной ответственностью, хозяйственное общество.

### ANNOTATION:

this article expresses the concept of corporate and corporate legal relations, as well as important aspects of the legal regulation of corporate legal relations.

**Keywords:** corporation, corporate legal relations, participant, shareholder, joint stock company, limited liability company, additional liability company, economic company.

Корпоратив ҳуқуқ хорижий давлатларда бир неча йиллардан буён ривожланиб келаётган бўлсада, Ўзбекистон ҳуқуқ тизимига янги ҳуқуқий институт сифатида кириб келганига кўп бўлмади. Амалдаги қонун ҳужжатларида корпоратив ҳуқуққа оид нормалар кам. Бу ҳолат ушбу ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишида, шу жумладан, корпоратив ҳуқуқ субъектлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни аниқлашида турли қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Ўз навбатида, корпоратив ҳуқуқни амалда қўллаш борасида судлар фаолиятида ҳам муайян хатоликлар, камчиликлар ва муаммолар юзага келмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ низоларнинг вужудга келишига таъсисчиларнинг умумий йиғилиш ваколатига қирадиган масалаларни йиғилиш чақирмасдан ҳал этиш ёки умумий йиғилиш ҳақида барча таъсисчиларни хабардор қилмаслик, йиғилиш кун тартибини ўзгартириш ёхуд унинг баённомасини сохталаштириш каби ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларида ушбу ҳолатларни батафсил тартибга соладиган ҳуқуқий механизм етарлича ишлаб чиқилмаганлиги боис юридик шахсларнинг бошқарув органлари фаолияти билан боғлиқ ва бошқа хил мулкий тусда бўлмаган, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ҳуқуқ ҳимоячилари қийинчиликларга дуч келишмоқда. Айниқса, судлар томонидан корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга оид амалиётнинг етарлича шаклланмаганлиги қонунларни қўллашда турли хил ёндашувларга сабаб бўлапти.

Ҳозирги кунда юридик шахсларни ташкил этиш, бошқариш, тугатиш жараёнларида унинг таъсисчилари (мулкдорлари) ва бошқарув органлари ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Шу жумладан, юқорида қайд этилганидек, корпоратив ҳуқуқ нормалари алоҳида институт сифатида тан олинганлиги натижасида ижтимоий муносабатларнинг янги тури сифатида корпоратив ҳуқуқий муносабатлар вужудга келди ва ривожланмоқда.

Корпорация деганда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган муайян шахсларнинг ташкилий бирлиги тушунилади<sup>1</sup>.

Англияда “корпорация” тушунчаси юридик шахснинг бир тури сифатида ягона корхона (corporation sole) ҳам юридик шахснинг яна бир тури сифатида бир неча шахслар гуруҳини (corporation aggregation) ҳам ўз ичига олади.

Франция ва Германияда юридик шахсларни турларга ажратишда “корпорация” атамаси умуман ишлатилмайди, яъни Францияда юридик шахслар ширкатлар ва

ассоциацияларга бўлинса, Германияда юридик шахслар тижорат ва нотижорат ташкилотларига бўлинади<sup>2</sup>.

### **Корпорациянинг ўзига хос ҳуқуқий белгилари ҳақида сўз юритадиган бўлсак:**

**биринчидан**, корпорация деганда, асосан фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадиган ташкилот тушунилади;

**иккинчидан**, корпорация юридик шахс мақомига эга бўлиши керак;

**учинчидан**, ташкилот корпорация ҳисобланishi учун у икки ёки ундан ортиқ шахслар (таъсисчилар) томонидан ташкил этилган бўлиши лозим;

**тўртинчидан**, юридик шахсларнинг бирлашмалари республикаимизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, нотижорат ташкилотлар бўлганлиги сабабли корпорация ҳисобланмайди;

**бешинчидан**, ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва бошқарувни амалга ошириш тартиби ва усуллари мос келганлиги учун айрим тоифадаги нотижорат ташкилотлари ҳам корпорация ҳисобланади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида корпорация тушунчасига мос келадиганларини санаб ўтамиз. Фикримизча, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамияти, қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, оилавий корхона, юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган деҳқон хўжалиги, матлубот кооперативини корпорация деб атасак ўринли бўлади.

Шунинг билан бир қаторда юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида ичида акциядорлик жамиятини "корпорация" белгиларига энг мос бўлган ташкилот сифатида киритиш мумкин.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатнинг мазмун-моҳияти ҳақида тадқиқотчилар орасида умумий фикр мавжуд эмас. Ўз навбатида корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини турли хил тушуниш кўплаб муҳим назарий-ҳуқуқий, амалий, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишга ёндашувларида фарқларни келтириб чиқаради.

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлар каби корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ҳам тегишли ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлардир.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир. Шу билан бирга корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти ва табиати бўйича ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Ҳуқуқшунос олим И.Б.Зокиров фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни 5 турга бўлган ва унинг тўртинчи турида корпоратив ҳуқуқий муносабатларни қуйидагича таърифлайди. "Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар субъектларни юридик шахс белгиларига эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар – корпорацияларда аъзолиги (иштироки) асосида вужудга келадиган ҳуқуқий

муносабатлардир. Бундай ҳуқуқий муносабатлар мазмунини корпоратив ҳуқуқ ташкил этади. Лекин корпоратив ҳуқуқий муносабат соф хусусий ҳуқуқий муносабат бўлмасдан, у айрим оммавий-ҳуқуқий муносабат (солик, маъмурий бошқариш) элементларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Муаллифларнинг таъкидлашича, корпоратив ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи бўлиб ҳисобланади. Бу аввало тартибга солинадиган муносабатларнинг ўхшашлиги у ёки бу ҳолатда мулкий хусусият касб этиши ҳамда муқобил ҳақ бараварига тузилиш хусусиятига эга бўлиши билан изоҳланади<sup>4</sup>".

Фикримизча, корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг бир тури сифатида ўрганилади. Бироқ фуқаролик ҳуқуқий муносабат, деганда юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилса, корпоратив ҳуқуқий муносабатларга юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар (иштирокчи – иштирокчи, акциядор – акциядор) билан бир қаторда юридик жиҳатдан тенг бўлмаган шахслар (акциядор – акциядорлик жамияти, иштирокчи – масъулияти чекланган жамияти, иштирокчи – хўжалик жамияти) ўртасидаги (ташкилий ҳуқуқий муносабатлар) муносабатлар ҳам киради.

Бизнингча, корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқли жиҳати айнан муносабат иштирокчилари ва муносабатнинг ҳам вертикал ҳам горизонтал турлари мавжудлигида, бундан ташқари корпоратив ҳуқуқий муносабатлар айнан корпорация фаолиятида вужудга келишидадир.

Чунончи, фуқаролик ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар бир-бирларига нисбатан тенг ҳуқуқли шахслар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, корпоратив ҳуқуқий муносабатни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ичига киритиш ноўриндир, корпоратив ҳуқуқий муносабат алоҳида муносабат ҳисобланади.

Олимларнинг фикрларига назар ташласак, В.А.Рахмилович корпоратив ҳуқуқий муносабатлар корпорация ичидаги мулкий ва шахсий-номулкий муносабатлардир, деб эътироф этади<sup>5</sup>.

Олим О.А.Қрасавчиковнинг таъкидлашича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар бу корпорациялардаги ташкилий муносабатлардир<sup>6</sup>.

Бошқа олимлар корпоратив ҳуқуқий муносабатлар номоддий деб ҳисоблайдилар, уларни шахсий хусусиятга эга деб тан олмайдилар<sup>7</sup>.

Илм-фан соҳасида корпоратив ҳуқуқий муносабатларга нисбатан мустақил муносабатлар сифатида қараш ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқиб, Ю.Н.Андреев корпоратив ҳуқуқий муносабатлар корпорация ва унинг иштирокчилари ўртасида ривожланадиган муносабатлар деб эътироф этади<sup>8</sup>.

Корпоратив ҳуқуқий муносабат деганда, корпорация иштирокчиларининг (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўзаро муносабатлари (мулкий ва номулкий муносабатлар) ҳамда корпорация ва корпорация иштирокчиси (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўртасидаги

муносабатлар (ташкилий муносабатлар) йиғиндисидан иборат, деб аташ бир мунча тўғрироқ. Чунки корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тарафларнинг тенглиги принципига асосланган мулккий ва номулкий характердаги муносабатлардан ташқари корпорацияни тузиш, унинг фаолиятини бошқариш, қайта ташкил этиш, тугатиш каби ташкилий масалаларни ўз ичига олган ташкилий характердаги муносабатлардан ҳам иборат бўлади.

Масалан, бирор фуқаро корпорациянинг акциясини сотиб олиб, унинг акциядорига айланган бўлса, уни корпорациянинг фойдасидан акциялар қийматини ундириш ёки корпорация иштирокчисини корпорациядан дивидендлар ундиришни мулккий муносабатларга мисол қилиш мумкин.

Жамият акциядорини акциядорлар сафидан чиқариш ёки таъсис шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ муносабатларни эса номулкий муносабатларга киритиш мумкин.

Шунингдек юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш, қарорлар қабул қилиш, қарорлар устидан шикоят қилиш каби муносабат ташкилий муносабатлар ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида корпоратив ҳуқуқий муносабатлар деган аниқ термин мавжуд бўлмаса-да, бироқ Олий суд Пленумининг 2014 йил 20 июндаги “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 262-сонли қарорининг 1-бандида судлар иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларини қўллашлари лозимлиги келтирилган.

Лекин юқоридаги қонунларда корпорация иштирокчиларининг (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўзаро мулккий ва номулкий муносабатлари етарлича ёритилмаган.

Аввал корпорация иштирокчилари шу корпорациянинг устав фондига улуш сифатида қўшган мол-мулкни бевосита бошқарган бўлишса, эндиликда иштирокчиларнинг сони кўпайиб кетганлиги боис уларнинг корпорацияни бошқариш билан боғлиқ фаолиятига таъсири камаяди, корпорацияни бошқариш, шу жумладан, мол-мулкларни тасарруф қилиш ваколатлари улар сайлайдиган директорлар (раис ёки раҳбар)га ўтади. Шу сабабли баъзида мол-мулкдан фойдаланиш, уни тасарруф қилиш, шартномавий муносабатларга киришиш, олинган фойдани (даромадни) тақсимлаш каби корпорацияни бошқариш билан боғлиқ масалалар юзасидан иштирокчилар

(акциядорлар)да эътирозлар, норозиликлар пайдо бўла бошлайди. Натижада иштирокчилар (акциядорлар) билан корпорация, иштирокчилар (акциядорлар) билан иштирокчилар (акциядорлар) ўртасида келишмовчиликлар юзага келади. Корпорация ичида содир бўлаётган бундай муносабатлар корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади ва уларга оид низолар корпоратив ҳуқуқ нормалари орқали ҳал этилади.

ФКда юридик шахслар, уларнинг турлари, ташкилий-ҳуқуқий шакллари, юридик шахсларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш масалалари кенгроқ белгиланган бўлиб, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонунлари, Олий суд Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатларида кам ёритилган. Шунинг учун айнан корпоратив ҳуқуқий муносабатларни батафсил тартибга солувчи махсус қонун ёки кодексни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Унда айнан корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг чегараси, бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқли жиҳатлари аниқ белгилаб берилиши ҳам керак.

ФКда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг субъектлари ва ушбу субъектларнинг турлари каби тушунчаларнинг кенг тарзда ёритиб берилиши, тегишли қонунларда корпорацияни бошқариш тартиби, таъсисчилар улушларининг тақсимланиши, шунингдек, корпоратив шартноманинг шакли, хўжалик жамиятларининг корпоратив шартнома тизгани иштирокчиларининг корпоратив шартнома тарафи бўлмаган иштирокчилар ва жамият билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги қоидаларнинг акс этиши мамлакатимизда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ривожланишининг сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилишига сабаб бўлиши билан бир қаторда, бундай муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал этиш тартибининг такомиллашувига ва иқтисодий судларда иш ҳажмининг камайишига сабаб бўларди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Е.А.Дорожинская. Корпоративное право: курс лекций/ Е.А.Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016, стр 264.
2. Т.И.Кашанина. Корпоративное право (Учебник для вузов). Москва, “Норма-Инфра.М”, 1999, стр 129-131.
3. М.Н.Саидов. Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари. Амалий қўлланма. Тошкент 2019. 11-20-бетлар.
4. <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-287668-1.html?page=8>
5. В.А.Рахмилович. Гражданское право России: курс лекций/под ред. О.Н.Садикова – М.: Юрид.лит., 1996. - Ч 1. стр 57.
6. <https://vestnik-muiv.ru/upload/iblock/482/4825af5e51cba50dac653b5a10c34b3f.pdf>.
7. И.Ф.Колонтаевская. Понятие, природа, сущность и особенности корпоративных правоотношений//вестник Московского университета имени С.Ю.Витте. Серия 2. Юридические науки. 2019. №1 (19). стр 75.
8. <https://vestnik-muiv.ru/upload/iblock/482/4825af5e51cba50dac653b5a10c34b3f.pdf>

# “КИМКИ АЛДАБ, ФИРИБ БЕРСА, БИЗДАН ЭМАС!”

*Мулкни фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг нисбатан кўп тарқалган тури ҳисобланади. Ҳаёт кечириш учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавфли бўлмай, унинг қилмиши туфайли давлатга, фуқароларга моддий зарар етказилиши билан бир қаторда, фирибгарлик оқибатлари аҳолига, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.*



**Зафар ЖУМАЕВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

Фирибгарлик тушунчасига ёндашув турлича бўлиб, асосий ёндашув жиноятнинг объектив томони, яъни мулкка тажовуз қилишнинг усули билан изоҳланган.

Фирибгарлик нафақат қонунда балки, динда ҳам таъқиқланади. Ислонда алдов, фирибгарлик, бировни чув тушириш, савдо-сотикда алдамчилик билан изоҳланади ва таъқиқланади. Хадисларда “Кимки оиласидаги ёки қўшнисидаги мусулмонни алдаса, биздан эмас!”, “Эй, одамлар! Мусулмонлар орасида фирибгарлик йўқ! Кимки бизни алдаса, у биздан эмас!”, дейилган. Кўриниб турибдики, фирибгарлик Ислон динида кескин қораланади. Ислон фалсафаси бўйича, фирибгарлик адлов ва ёлғонга асосланган. Ёлғон эса Ислонда жуда қаттиқ қораланган бўлиб, Қуръони Каримда ёлғон ҳақида 167 та оят келтирилган.

Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, мулк ҳуқуқини тасарруф этиш усулларининг замонавий кўринишлари пайдо бўлиши билан мулкка тажовуз қилиш турлари ҳам замонавий кўринишларда амалга оширила бошлади. Жиноят кодексининг Х боби “Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш” деб номланади ҳамда ушбу бобда турдош объектли жиноятлар рўйхати келтирилган. Ушбу бобдан босқинчилик, товланчилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик ва ўғирлик жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган.

Фирибгарлик жиноятининг диспозицияси умумий мазмун билан акс эттирилганлиги, қилмишнинг махсус объектга ёки содир этиш усулига ишора берилмагани сабабли уни фирибгарлик сифатида квалификация қилишда турли муаммолар учраб туради. Натижада, ЖКнинг фирибгарлик учун жиноий жавобгарликни белгилувчи нормасини қўллашда Республиканинг турли ҳудудларида турлича ёндашувларни учратиш мумкин. Олий суд Пленуми 2017 йил 11 октябрда қонун меъёрларини қўллашдаги бир хилликни таъминлаш учун “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сон

қарорини қабул қилиб фирибгарлик тушунчасига кенгайтирилган таъриф берган.

Унга кўра, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради. Олий суд Пленуми фирибгарлик тушунчасига кенгайтирилган таъриф бергани ижобий ҳолат ҳисобланса-да, бу билан квалификациядаги муаммолар тўлиқ бартараф этилди, деб бўлмайди. Шу сабабли, фирибгарлик тушунчасини кенг таҳлил қилиш ҳамда фирибгарлик жинояти усулига кўра жавобгарлик белгилаш ва жиноят қонунига айрим усулдаги фирибгарлик учун янги таркибларни киритиш, яъни айрим усулларда содир этилган фирибгарликни криминализация қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

**Бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, фирибгарлик жиноятининг динамикасини инobatга олиб фирибгарликка қуйидаги мазмунда муаллифлик таърифи келтиришни лозим топдик:**

*Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда эгалланишида, шунингдек мулк ёки мулкнинг ҳуқуқ текин қўлга киритилишида ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият яратиб беради.*

Шунингдек, бугунги кунда Жиноят кодексининг 168-моддасида келтирилган фирибгарлик-

нинг таърифи универсал характер касб этиб, таъриф ижтимоий хавfli қилмишларга нисбатан татбиқ этилганида қатор тушунмовчиликлар вужудга келмоқда. Ушбу тушунмовчиликларни ечишда жойларда турлича ёндашув бўлиб, афсуски айрим ҳолатларда қилмиш нотўғри квалификация қилиниши, жиноятни фуқаролик ҳуқуқий муносабати билан адаштириш ёки аксинча фуқаролик ҳуқуқий муносабатининг жиноят билан алмаштирилиши ҳолати кузатилмоқда.

Мавзуни қуйидаги суд амалиёти билан давом эттирамиз:

жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2017 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, Т.С. ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбланиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилади ва 2 604 800 сўм жарима жазоси тайинланади, Э.Т. эса ЖКнинг 168-моддасини иккинчи қисми “в” банди билан айбланиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилади ва 1 953 600 сўм жарима жазосига тортилган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш материалларига кўра, Т.С. ва Э.Т. жабрланувчи А.Қ.дан деҳқончилик билан шуғулланишлари учун қарзга пул сўраб, эвазига Э.Т.га тегишли “Дамас” русумли автомашинани 42 700 000 сўмга баҳолаб, нотариал идора орқали унинг номига сотиш ҳуқуқи билан 3 йил муддатга ишончнома расмийлаштиришади. Шундан сўнг Э.Т. А.Қ.дан келишилган пулни олган, агар у ушбу суммани август ойининг охирида қайтара олмаса “Damas” русумли автомашинани А.Қ.нинг номига расмийлаштирилишига розилиги ҳақида тилхат ёзган, уни Э.Т., А.Қ. ва Т.С. имзолаган. Бироқ, улар 2016 йилнинг сентябрь ойида кутилган ҳосилни ололмагач, А.Қ.га ундан

олган пулни қайтара олмаслигини билдириб, келишувга кўра “Damas” русумли автомашинани олишни таклиф қилганда, жабрланувчи А.Қ., Т.С. ва Э.Т.га “Damas” автомашинасини деҳқончилик фаолиятида фойдаланишгани сабабли эскирганлиги учун уни бозор баҳосида 30 000 000 сўмга ҳисоблаб, яна қўшимча равишда 12 700 000 сўм беришлари лозимлигини билдирган. Бироқ улар ўзаро келиша олмаганликлари сабабли А.Қ., Э.Т., Т.С.нинг таклифига рози бўлмасдан икки ой ичида олган 42 700 000 сўм пулини қайтариб беришни талаб қилган, Э.Т. ва Т.С. ушбу талабни бажармаганлиги сабабли у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилган.

Фуқаролик кодексининг 736-моддасида қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари белгиланган бўлиб, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб, то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу Кодекснинг 327-моддасини биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши кераклиги белгиланган.

Қайд этилган қонун талабларига кўра, Э.Т. А.Қ.дан 42 700 000 сўм пулни олганлиги ва ушбу пулни август ойининг охирида қайтара олмаса, “Damas” русумли автомашинани А.Қ.нинг номига расмийлаштирилишига розилиги ҳақида ёзиб берган тилхати Э.Т., А.Қ. ва Т.С. томонидан имзоланган вақтдан бошлаб улар ўртасида қарз шартномаси ёзма равишда тузилганлигидан далолат беради, шунингдек Э.Т. ва Т.С.да қарз олувчи сифатида А.Қ.дан олган 42 700 000 сўм қарз суммасини шартномада назарда тутилган муддатда, 2016 йил август ойида қайтариш мажбуриятини вужудга келтирган.

Бу ҳолатда Э.Т. ва Т.С.нинг ҳаракатларида жиноий эмас балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги кўринади.

Бундан ташқари, жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган ҳолатларга кўра Э.Т. ва Т.С. А.Қ.нинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистемол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатларни содир этишдаги қасднинг мавжудлиги бирон-бир далил билан исботланмаган.

Чунки, Э.Т. ва Т.С. А.Қ.дан қарз сифатида олган пул маблағларини қайтармаган тақдирда гаров тариқасида “Damas” русумли автомашинани келгусида А.Қ.нинг номига расмийлаштириш ҳуқуқини берувчи нотариал тартибда расмийлаштирилган шартнома тузилган.



Ушбу шартнома ҳеч ким томонидан бекор қилинмаганлигининг ўзи ҳам Э.Т. ва Т.С. А.Қ. билан ўзаро қарз шартномасига асосланган фуқаролик ҳуқуқий муносабатга киришганлигини тўлиқ исботлайди. Э.Т. ва Т.С. кейинчалик шартнома шартларида белгиланган мажбуриятни бажармаганликлари А.Қ.ни ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини чекламайди.

Судлов ҳайъатининг ажрими билан Т.С. ва Э.Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши ЖПК 83-моддасининг 2-бандига мувофиқ уларнинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун тугатилган.

Келтирилган мисоллардан, шунингдек амалиётчилар ўртасида ўтказилган сўровномалар натижаларидан кўринадикки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда жиноят ўртасида қатъий чегара ўрнатилмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида муаммолар келтириб чиқармоқда. Тўғри, Олий суд Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сон қарорининг 9-бандида “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсин-ки, қонун талабларига мувофиқ тузилган битимлар, шартномаларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик ҳам, бундай ҳолда ўзгалар мулкни эгаллашда ҳуқуққа хилофлилик белгиси бўлмаганлиги тўғрисида фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки мулк битим, шартнома бўйича бир тарафдан иккинчи тарафга, жумладан тарафлар учун ўзаро моддий манфаатни назарда тутувчи муайян шартлар билан берилади. Агар битим, шартнома шартлари бажарилмаса, қонунга кўра (ФК 2, 9, 24-боблари, ФПК II бўлимининг 2-кичик бўлими) бузилган ҳуқуқ фақат фуқаролик ишлари бўйича суд ёки иқтисодий суд томонидан тикланиши мумкин бўлиб, уларда мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун етарли ҳуқуқий воситалар мавжуд” деб белгиланган бўлса-да, қилмишни квалификация қилишдаги муаммолар шу билан бартараф қилингани йўқ. Шунингдек, мазкур Пленум қарорида “... қонун талабларига мувофиқ тузилган фуқаролик-ҳуқуқий битим, шартнома бўйича жиноят белгилари мавжуд бўлмаган барча ҳолларда, низо фуқаролик, иқтисодий ишлар бўйича суд томонидан кўриб чиқилиши лозим”лиги белгиланган бўлиб, назаримизда Олий суд жиноят белгилари мавжуд бўлмаганда, битим ёки шартнома тузилган ҳолатларини жиноятни инкор қилувчи омил сифатида кўрсатган. Соддароқ қилиб айтганда битим ёки шартнома тузилгани қилмишни жиноят деб топиш учун асос бўлиши белгиланган. Назаримизда, битим ёки шартнома тузилгани чегара ўрнатиш учун асос бўла олмайди. Масалан: тўловга қобилиятсиз шахс битим ёки шартнома



тузиши, дастлабки тўловни тўлаб мол-мулкни ўзлаштириши мумкин.

Келинг мавзу бўйича яна бир ҳаётий мисолни кўриб ўтсак:

Фуқаро А.Д. ўзининг таъсисчилигидаги “Ю” МЧЖ номидан ҳаракат қилиб, фуқаро Э.У. таъсисчилигидаги “У” МЧЖ билан хизматлар кўрсатиш юзасидан шартнома тузиб, кўрсатиладиган хизматлар учун дастлабки 15 фоиз шартнома суммасини тўлаб берган. Аммо хизматлар бажарилганидан сўнг, шартнома суммасининг 85 фоизини тўлаб бермаган. Аниқланишича, “Ю” МЧЖ шартнома суммасини тўлашга қобилиятсизлигини А.Д. олдиндан билиб ғараз мақсадларда шартномавий муносабатга киришиб, МЧЖ балансига ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк бўлмагани ҳолда низони иқтисодий суд иш юритуви тартибида ҳал қилинишига эришган. Мазкур ҳолатда А.Д.нинг ғараз мақсадларни кўзлаб ўзганинг мол-мулкни ўзлаштириши иқтисодий низо деб топилиши нотўғри бўлиб, бу фирибгарлик тушунчасига ёндашув нотўғрилигидан далолат беради.

Назаримизда, қилмишни фуқаролик ҳуқуқий муносабат ва жиноятга ажратишда айбдорнинг қасди нимага қаратилгани аниқланиши лозим. Бунинг учун ЖКнинг 168-моддасидаги фирибгарлик жиноятининг тавсифини қуйидаги мазмунда ўзгартиришимиз лозим.

Фирибгарлик, яъни ўзгалар мулкни талон-торож қилиш мақсадида алдаб, ишончни суиистеъмор қилиб ёхуд чалғитувчи ёлғон маълумотлар ва усулларни қўллаган ҳолда айбдорга мол-мулк ёки мулк ҳуқуқларни ўз ихтиёри билан топшириши, хизматлар кўрсатиши ва битимлар тузиши, зиммасига мажбуриятлар олиш ёки мажбуриятлардан озод этишда ифодаланадиган жабрланувчига ёки учинчи шахс манфаатларига зарар етказишдир.



**Рамз ТИЛЛАЕВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

## ТОПШИРИҚ ВА ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ ФАРҚЛАНАДИ?


**Бугунги кунда фуқаролар, юридик шахслар ва бошқа субъектлар ўртасидаги муносабатлар шартномалар орқали расмийлаштирилмоқда. Шартномалар товарлар, ишлар ва хизматларнинг фуқаролик муомаласида фаол ҳаракатда бўлишини таъминловчи муҳим юридик восита бўлиб ҳисобланади.**

Маълумки, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ўз хоҳиш ва манфаатларидан келиб чиқиб ўзлари ёки вакиллари орқали амалга оширишлари мумкин. Бунда шахснинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишни бошқа шахсга топшириши шартномалар орқали амалга оширилади ҳамда вакиллик ва топшириқ шартномасига асосланади. Бироқ, шахс ўзига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳар доим ҳам вакил орқали ўз номидан амалга ошира олмаслиги мумкин. Ижтимоий ҳаётнинг муайян бир соҳасидаги фаолиятни бажаришда шахс объектив ёки субъектив сабабларга кўра бевосита қатнаша олмаслиги ёки вакил ёрдамида иштирок эта олмаслиги ҳолати бўлиб туради. Масалан, қурилиш материалларини сотиб олишда фуқаро мазкур соҳада етарли билим ва тушунчага эга бўлмаганлиги сабабли бошқа шахсга ўзи учун уларни сотиб олиб беришни сўраши тез-тез кузатилади. Бу ҳолатда қурилиш материалларини харид қилиш шартномасини тузиш мажбуриятини олган шахс воситачи ҳисобланади ва битимни ўз номидан, бироқ топшириқ берган шахс — комитент ҳисобидан тузади.

Ҳозирги кунда воситачилик шартномаси барча ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тизимининг тадбиркорлик муносабатларида кенг фойдаланувчи шартнома сифатида қўлланилиб, халқаро ва ички савдо муносабатларида мунтазам фойдаланиб келинади. Таъкидлаш лозимки, воситачилик шартномаси мулк ҳуқуқларнинг муомалада бўлишида муҳим ўрин эгаллайди. Фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи воситачилик шартномасини қўллаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни юзага чиқармоқда. Ҳозирги кунга қадар воситачилик муносабатлари, воситачилик шартномаси предмети, объекти, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши, воситачилик топширигини бажариш вақти, битимнинг тузилган вақти, воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари каби масалалар ҳанузгача ўзининг аниқ ҳуқуқий ечимини топмаган.

Шу маънода олганда, воситачилик шартномасининг тушунчаси ва моҳияти, воситачилик муносабатларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асослари, бозор муносабатлари тизимида воситачилик шартномаси намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, шартноманинг қўлланиш соҳаларини белгилаш, ҳамда асосий шартларини тавсифлаш, тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартнома шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммоларини ўрганиш, воситачиликнинг тадбиркорлик фаолияти сифатида ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, воситачилик фаолиятини амалга оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик қонунчилигида топшириқ шартномаси ҳам мавжуд бўлиб, айрим ҳолларда бу шартномалар бир-биридан фарқланолмайди. Топшириқ шартномасининг воситачилик шартномасидан фарқли жиҳати шундаки, топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (топшириқ берувчи) иккинчи тарафга (алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган вакилга) топшириқ берувчи номидан ва унинг ҳисобидан маълум соҳада ёки маълум





худудда топшириқ берувчи учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳаракатларни содир этишни топширади, ҳуқуқ ва бурчлар топшириқ берувчида бўлади. Воситачилик шартномасида эса бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Бунда ҳуқуқ ва бурчлар воситачи зиммасида бўлади. Шунингдек, топшириқ шартномаси бир томонлама ва икки томонлама, воситачилик шартномаси фақат икки томонлама тузилади. Топшириқ шартномаси бўйича қонунга зид бўлмаган ҳаракатлар юзасидан топшириқ берувчининг берган топшириғини вакил амалга оширса, воситачилик шартномаси бўйича воситачи фақатгина фуқаролик муомаласида бўлиши мумкин бўлган буюмлар юзасидан савдо-сотик қилишда воситачилик қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда воситачилик шартномасини “савдо воситачилиғи шартномаси” деб номласак ҳам бўлади.

Бироқ юқорида таъкидлаб ўтганимиздек воситачилик шартномаси бўйича фуқаролик қонунчилиғида мавжуд муаммоларни бартарф этиш лозим бўлади. Жумладан, воситачилик шартномаси юзасидан комитентда мулк ҳуқуқининг вужудга келиш вақти муҳим аҳамиятга эга. ФҚда воситачилик шартномасига берилган таърифда воситачи иккинчи тарафнинг яъни, комитентнинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олиши назарда тутилади. Қонунчиликда мазкур битимни тасдиқламаслик, қабул қилмаслик оқибатлари назардан четда қолдирилган. Воситачилик шартномасининг комитент берган топшириқ бўйича ижро этилмаганлиги исбот-

ланиши ҳам мумкин бўлади. Демак, комитент қачонки битимни қабул қилиб тан олса шундан кейингина унда мулк ҳуқуқи вужудга келади. Бордию, битим комитент томонидан қабул қилинмаса, у ҳолда битим воситачи томонидан тузилган ҳисобланади ва бевосита унда мулк ҳуқуқи юзага келади. Бундай ҳолатда мулк ҳуқуқи токи комитент ҳисобидан қабул қилингунига қадар учинчи шахсда сақланиб қолади. Бу ўринда учинчи шахснинг ҳуқуқлари бузилмаслиғига эътибор қаратиш ўринлидир. Шу сабабли ФҚнинг 392-моддасидаги агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи сотувчи товарни сотиб олувчига топшириш бўйича ўз мажбуриятини қонун ёки шартномага мувофиқ бажарган деб ҳисобланган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтиши ҳақидаги қоида мазкур мажбуриятда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, воситачилик шартномаси нафақат битим тузишни балки, учинчи шахс билан тузилган битимни ижро этишни ҳам назарда тутлади. Шу сабабли ФҚнинг 834-моддасига “воситачи учинчи шахс билан тузган битимни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлади. Воситачи томонидан учинчи шахслар билан тузган битимни бажармаганлиги муносабати билан қилинган харажатлар воситачи ҳисобидан қопланади”, деган норма киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бу каби ўзгаришларни амалга ошириш нафақат воситачилик шартномаси тарафлари бўлган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, балки юзага келадиган тушунмовчиликларнинг қонуний ечими топилишига ҳам хизмат қилади.



**Шавкат  
ХАҚНАЗАРОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби Касбий  
кўникмалар  
кафедраси  
мудури

## СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ – ЖИНОЯТНИ ОЧИШНИНГ КАЛИТИ

**Экспертиза тайинлаш ва илмий-тадқиқотларни ўтказиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолияти самарадорлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. Экспертиза суд ажримига асосан тайинланади ва унга асос бўлган сабаблар кўрсатилади. Экспертиза учун тақдим қилинган тадқиқот объектларига ашёвий далиллар, ҳужжатлар, ҳайвонлар, мурдалар ёки уларнинг қисмлари, қиёсий тадқиқотлар учун юборилган намуналар ҳамда жиноят иши маълумотлари киради.**

### Экспертга тақдим этиладиган иш материаллари шартли равишда:

- ашёвий далиллар, уларнинг нусхалари аниқланган жой, уларни қайд қилиш усули ва олиниши билан боғлиқ материаллар;
- экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримга киритилган дастлабки маълумотлар;
- эксперт текширувнинг асосий объекти бўлган материаллар каби уч тоифага бўлинади.

Дастлабки тергов давомида ўтказилган экспертизани баҳолашда бундай материалларнинг келиб чиқиш манбаи ва уларга киритилган маълумотларнинг ишончилигини аниқлаш лозим. Шу ўринда экспертиза предмети ва экспертиза объекти каби тушунчаларни фарқлаш керак. Экспертиза объекти – фактларнинг тадқиқ қилинаётган ҳолат билан боғлиқлиги демак. Мазкур жараёнда эксперт экспертиза объекти далил сифатида ишга кўшилганлигидан қатъий назар унинг процессуал-ҳуқуқий табиатини эмас, балки идентификация, диагностика қилиниши ва бошқа моддий объектларнинг муносабатини тадқиқ қилади. Объектнинг процессуал-ҳуқуқий табиатини тадқиқ қилиш экспертнинг эмас суд-тергов органининг вазифаси ҳисобланади.

### Экспертиза объектларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) асосий объект (жиноят ҳодисаси билан боғлиқ ашёвий далиллар);
- б) қиёсий материаллар (қиёсий тадқиқот учун олинadиган намуналар);
- в) маълумот берувчи материаллар (экспертиза предметига тегишли ахборот тусидаги маълумотлар).

Экспертиза тадқиқоти объекти **процессуал табиатига кўра экспертиза объекти** ҳамда **ашёвий табиатига кўра** турларга бўлинади.

Жиноят процессуал кодексининг 175 моддасига кўра, ашёвий далиллар, эксперт текшируви учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, электрон маълумотлар, шунингдек экспертиза ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Экспертиза томонидан ҳал этиладиган масалаларнинг катта қисмини инсон, жониворлар, ўсимликлар ашёлари ва улардан қолган изларни аниқлаш билан боғлиқ масалалар ташкил этади. Эксперт томонидан текшириладиган объектлар жумласига ашёвий далиллар ва эксперт текшируви учун олинган намуналар, экспертиза орқали далилий аҳамияти аниқланадиган бошқа моддий объектлар, тирик одамнинг бадани, руҳий ҳолати, мурда ва ҳужжатлар кириши мумкин. Шу ўринда экспертиза тадқиқоти объектларининг асосийлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

1) Излар – жиноятни фош этишда асосий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Содир этилган жиноятга алоқадор бўлган излар кўл, оёқ излари ва бошқа (лаб, тирсак, кийим) излари каби бир неча турларга ажратилади.

2) Суюқликлар ва биологик ажратмалар. Улар ҳам ўз навбатида бир неча турларга бўлинади:

– қон излари – жиноят содир этилган жойда қон изларини топиш мумкин. Бундай излар шаҳвоний ҳирс сабаб одам ўлдириш жиноятларида кўп учрайди. Хусусан, шу каби асосда содир этиладиган қотилликларнинг 60 фоизда фақатгина мурда ва қон излари маълум бўлади. Кўпгина ҳолларда жабрланувчига ҳужум қилганда ва улар ўртасида кураш кетганда жиноятчининг ўзига ҳам жароҳат етказилиши мумкин. Натижада мазкур қон излари жиноятчи шахсини аниқлашда катта аҳамият касб этади;

– сўлак ва тери ажратмалари – кам ахборот берувчи манбалар қаторига киради. Сўлак изларини папирусда, қошиқда, пиёлада ўрганиш мумкин. Бармоқ изларини идентификация қилиб

бўлмаса-да инсон терисидан чиққан суюқлик орқали ўша шахснинг жинсини, қон гуруҳини аниқлаш мумкин;

– соч – айрим жиноятларда соч толалари топилиши мумкин, чунки, инсон 1 кунда 100 тача соч толасини йўқотади. Бу соч толалари қаршилик кўрсатишда, ўзини-ўзи ҳимоя қилишда, ўзаро кураш ҳолатларида ҳам тушиб қолиш эҳтимоли бор. Соч толалари кўпинча мурда яқинида, унинг баданида, кийимида, ётоқхонада қолган бўлади.

3) Микрообъектлар – мураккаб жиноятларда, профессионал жиноятчилар томонидан содир этилган жиноятларда жиноят тўғрисида хабар берувчи асосий маълумотларни микрообъектлардан ҳам олиш мумкин. Улар қоида тариқасида жиноят содир этилган жойда жабрланувчи баданида мавжуд бўлади ва жиноятчи уларни тўлиқ йўқотиш имкониятига эга бўлмаган бўлиши эҳтимоли юқоридир. Микрообъектларнинг турлари кўп: бу шиша, металл заррачалари, кум доналари ва бошқалар бўлиши мумкин.

4) Мурда – мурда ҳақида энг янги маълумотларни суд-тиббийёт экспертизаси беради. Суд-тиббийёт экспертизаси жабрланувчида бўлган патологиялар, ўз бошидан ўтказган касалликлар, жароҳлик операциялари ва бошқа терговга аҳамиятли маълумотлар бериши мумкин. Лекин бу соҳани биладиган мутахассислар жуда кам. Криминалистик диагностика экспертизаси ҳам бу борада муҳим ахборот беради.

5) Инсон – бунда инсон танаси билан бир қаторда руҳий ҳолати ҳам тадқиқ қилиниши мумкин бўлиб, бу экспертиза айрим жиноятларни очишда ҳамда жиноятчи шахснинг ақли расолигини белгилашда асосий ўринни эгаллайди.

6) Ҳужжатлар – асосан иқтисодий жиноятларда ва ҳужжатларни, пул, қимматбаҳо қоғоз, акциз маркаси ва шу кабиларни сохталаштириш билан боғлиқ жиноятларда экспертиза объекти бўлиб хизмат қилади. Бундай вазиятларда ҳужжатлар асосан предмети ёки жиноят содир этиш усулининг таркибий қисми сифатида жиноятни фош этишда муҳим аҳамиятга эга.

7) Табиат объектлари – бугунги кунда суд тупроқшунослик, суд-экология, суд-ер экспертизаси каби экспертиза турлари экологик жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.


8) Электрон маълумотлар – кибернетик экспертиза, рақамли экспертизалар ва ҳар хил турдаги жиноятларни очишда қўлланилиши мумкин. Бугунги кунда электрон далиллар ва улардан жиноят ишларини юришда фойдаланишнинг жиноят процессуал ва криминалистик жиҳатларини ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, уни фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказган ҳолда ўрганиш талаб қилинади. Элек-

трон маълумотларни далил сифатида ўрганишнинг криминалистикадаги йўналиши компьютер криминалистикаси деб номланиб, у иккита мақсадни ўз ичига олади:

– маълумот қидирув техник воситаларида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш усуллари таҳлил қилиш ҳамда тадқиқ қилиш;

– маълумот қидирув техник воситаларидаги маълумотни топиш билан тергов ҳаракатлари тактикасини ишлаб чиқишни назарда тутати.

Криминалистика йўналишининг муҳим институтларидан бири рақамли экспертизadir. Рақамли экспертиза — Ўзбекистон Республикасида янгидан жорий қилинган йўналиш ҳисобланади. Бу экспертиза маълумот ташувчилар, компьютер, флешка, хард, телефон ва бошқа воситалардан ўчирилган ёки яширилган маълумотларни топиш имкониятларини беради. Ушбу экспертиза учун намуна сифатида шу маълумот сақловчи воситанинг ўзи ёки унинг маълумотлар хотираси олиниши талаб қилинади. Агарда восита ёқиб юборилган ёки синдирилган бўлса, унинг муомаладан чиққан деталлари алмаштирилиши ва тадқиқот учун юборилиши талаб қилинади. Рақамли экспертиза объектига интернет ҳам киришини инobatга олиб, унда турли жинoий гуруҳлар ўртасида маълумотлар, жинoий тажриба алмашиш, жабрланувчиларни, жинoят қуролларини қидириш, жинoий йўл билан топилган даромадни топиш, жинoят содир этган ва уни ташкил қилган шахслар ўртасида пул тўловларини амалга ошириш, тизимли маълумот алмашинувидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини тадқиқ қилиш мумкин. Рақамли экспертиза текшируви учун намуналар файл, почта, электрон ҳисоблар, бухгалтерлик ҳисоботлари, ҳисоботлар маълумоти, мобиль маълумотлар, қўнғироклар ҳақида маълумотлар, алоқалар картаси каби бир неча турларга бўлинади. Хулоса қилиб айтганда, сўнги йилларда фан-техниканинг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги, ўз навбатида унинг ютуқларидан жинoят ишларини юришда фойдаланиш имкониятларини оширмоқда, натижада жинoят ишлари бўйича экспертиза объекти борган сайин хилма-хиллашиб, кўлами эса кенгайиб бормоқда.





**Рустам ХАШИМОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби мустақил  
изланувчиси

## СУРРОГАТ ОНАЛИК ШАРТНОМАСИ: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ПРЕДМЕТИ

### АННОТАЦИЯ:

*Ушбу мақолада суррогат оналик тўғрисидаги қонунчилик таҳлил қилинган. Шунингдек, суррогат оналик тўғрисидаги шартномани классик фуқаровий-ҳуқуқий мажбурият деб ҳисоблаш мумкин эмаслиги таъкидланган. Хулоса ўрнида, суррогат оналик тўғрисидаги шартнома оилавий ҳуқуқий институтига тегишлилиги ҳамда қонуний эр-хотинлар ва суррогат она-нинг розилигига мувофиқ расмийлаштирилиши қайд этилган.*

**Калит сўзлар:** шартнома, суррогат оналик, оилавий-ҳуқуқий муносабат, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат.

XXI асрда шиддат билан ривожланаётган йўналишлардан бири – биотиббий технологиялари соҳаси ҳисобланади. Унинг ривожланиши биологик ва тиббий тадқиқотларда ахлоқий чекловлар ҳамда урф-одатлар билан боғлиқ кўплаб саволларни туғдиради. Ушбу саволларнинг пайдо бўлиши XX-асрнинг иккинчи ярмида суррогат оналик тушунчасининг фанга кириб келиши билан бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси суррогат оналикни ҳуқуқий тартибга солиш борасида асосий манба ҳисобланади.

Унда ўзаро никоҳда бўлган ва бошқа аёлга ривожлантириш мақсадида ҳомила-эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахслар болани туққан аёлнинг (қондош онанинг) розилиги билангина боланинг ота-онаси деб ёзилиши мумкинлиги қайд этилган.<sup>1</sup>

Бўлғуси ота-оналар ва суррогат она ўртасида юзага келадиган муносабатларни аниқ белгилайдиган қонун бўлмаса-да, ушбу муносабатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 14 январдаги 106-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида тартибга солинади.<sup>2</sup>

Низомга кўра суррогатлик деганда эмбрионни аёлга кўчириш ва шу йўл билан ҳомиладорликка эришишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Суррогат оналик шартномаси тушунчаси ва уни ҳуқуқий тартибга солишга аниқлик киритиш ҳамда мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш мақсадида хориж қонунчилиги ва олимларнинг фикрини ўрганиш мақсадга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида потенциал ота-оналар ва суррогат она ўртасида шартномалар тузишни тартибга солувчи қонун мавжуд эмас.

Суррогат оналик масалалари асосан ғарб давлатларида кенг қўлланиб келинмоқда. Оила ва фуқаролик ҳуқуқида мазкур институт ёш бўлишига қарамай, ижтимоий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, у ёки бу даражада ҳар бир давлатнинг ўзига хос қонунчилигидан келиб чиқиб, ҳуқуқий тартибга солинган.

Суррогат оналик шартномаси жамиятга ва олимларга янгилик ҳисобланади. Қонун ҳужжатларида ушбу ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинмаганлиги унинг янада долзарблигини оширади.

Айрим олимларнинг фикрича, суррогат оналик шартномаси аралаш шартнома характерига эга. Шартнома мазмунида кўпроқ олди-сотди, хизмат кўрсатиш ва бошқа шартлар ётади.<sup>3</sup> Шуни таъкидлашни истардик-ки, суррогат оналик шартномаси нафақат аралаш, балки мураккаб характерга ҳам эга. Шу сабаб мазкур шартнома атрофида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, аввало умум шартномалар тўғрисидаги нормалардан келиб чиқиб, оила қонунчилиги ва унинг ҳуқуқий асосларидан фойдаланган ҳолда тартибга солиниши лозим.

Суррогат оналик ҳақидаги шартноманинг ҳуқуқий табиати масаласи баҳс-мунозарали ҳисобланади.

Баъзи ҳуқуқшунос олимлар, жумладан Е.С. Митряков ва О.В. Фетисовларнинг фикрича, ушбу шартнома фуқаровий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб “маълум ҳақ эвазига тузиладиган ушбу муносабат – тарафларнинг мулкий муносабатлари ҳисобланади.”<sup>4</sup>

Л.К. Айварнинг фикрича, келгусида суррогат она болани кўтариб юриши билан боғлиқ муаммодан (мисол учун генетик отасига болани бермаслик ёки аксинча болани суррогат онадан олмаслик, товламачилик, қўрқитиш, хизмат кўрсатгани учун пул тўлашдан бўйин товлаш каби) ҳоли бўлиш учун, бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар каби тарафлар ўртасида тузилган аниқ шартнома асосида тартибга солиниши лозимлигини айтиб ўтади.<sup>5</sup>

Демак, суррогат она ва ота-она ўртасида юзага келадиган мулкий ва номулкий муносабат нафақат оила ҳуқуқи билан балки, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар билан ҳам тартибга солинади.

Айтиш лозимки, суррогат оналикнинг оила қонунчилиги орқали тартибга солиниши тарафдорлари ҳам бор.

Ҳуқуқшунослар Г.В. Богданов ва Е.В. Стеблевлар буни фақат оилавий-ҳуқуқий шартнома сифатида белгилашни таклиф қилади.

У ёки бу ҳолатда ҳам фуқаролик қонунчилиги бўйича шартнома тузиш эркин ҳисобланади ва қафолатланиши керак. Тарафлар шартнома турини танлаши, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзлари белгилаши мумкин. Фақат у мавжуд қонунчилик нормаларига зид бўлмаслиги лозим.

Учинчи гуруҳ вакиллари суррогат оналик тўғрисидаги шартномани фуқаролик ҳуқуқига ҳам оилавий-ҳуқуқий шартномаларга ҳам боғламайдилар аксинча уни номаълум аралаш шартнома сифатида белгилайдилар.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда, бундай шартноманинг предмети нимага тегишлилиги ҳам ҳал қилинмаган. Суррогат оналик шартномасини белгилайдиган омил – бу бепуштлики даволаш учун болани туғиш ва болани кўтариб юриш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Яъни, бундай хизматни, бир томондан, болани туғиш учун номаълум хизмат кўрсатиш, бошқа томондан, бепуштлики даволаш бўйича тиббий хизмат сифатида тавсифлаш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, суррогат оналикка мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида қаралади. Бу биринчидан потенциал ота-оналар манфаати учун унга генетик жиҳатдан бегона бўлган болани кўтариб юриш ва иккинчидан суррогат она томонидан алоҳида хизмат тури деб ҳисобланиши мумкин.

Бу ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси доирасида тақдим этиладиган хизматларга жуда ўхшаш бўлгани учун Фуқаролик кодексининг 38-боби меъёрларини қўллашга имкон беради.<sup>6</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб шартнома предмети болани туғиш ва кўтариб юриш учун алоҳида хизмат тури деб айтиш мумкин. Шу билан бирга, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар элементлари (масалан, боланинг туғилишини кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш ва унинг ота-онаси суррогат эмаслигини қайд этиш билан болани потенциал ота-оналарга топшириш мажбурияти) мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур шартнома тартибга солиниши керак.

Ҳозирги кунда суррогат она ва генетик она ўртасида шартномани тузишда анонимлик мавжуд эмас. Бироқ, бу келгусида турли психологик ва ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқариши (шантаж, товламачилик каби), вояга етмаганларнинг жисмоний ва психологик ривожланишига таъсир қилиши мумкин. Амалиётда бундай ҳолатлар кўп учрайди.

Айтиш жоизки, хориж мамлакатларида суррогат оналик тўғрисидаги тузиладиган шартнома муносабатларини биладиган ёки иштирок этадиган шахслар доирасини чеклаш ҳақида кўпбаҳс-мунозаралар кетмоқда. Шунингдек, агар суррогат оналик шартномаси натижасида бола дунёга келса, у ҳолда оилада унинг мақоми қандай бўлиши лозимлиги ҳақида ҳам баҳслар бор.

О.А.Хазов "амалиётда ФХДЁ бўлимларида суррогат она томонидан туғилган болани бир-бирлари билан никоҳда бўлмаган шахсларнинг рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳолатлари мавжудлигини таъкидлайди".<sup>7</sup>

Масалан, 2006 йил февраль ойларида Россия оммавий ахборот воситаларида Георгия Захарова бола туққани ҳақида хабар берилади.<sup>8</sup> Бола суррогат она томонидан туғилган. Болага буюртма берган аёл суррогат онага бувиси тенги эди. Ушбу ҳолатда болани рўйхатга олиш анча қийин кечган.

Ҳақиқатдан ҳам, Россия Федерацияси Оила кодексининг 51-моддаси, 4-бандига асосан суррогат оналик шартномаси буюртмачи фақат эр-хотин (бир-бирлари билан турмуш қурган шахслар) бўлиши мумкинлиги тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган.<sup>9</sup>

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, суррогат оналик шартнома тушунчаси, предмети ва унинг ҳуқуқий табиати ҳақидаги фикрлардан хулоса қилиб, Оила кодексига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- шартномада суррогат она ҳомиладорлиги вақтида фактик-генетик ота-она уни оғохлантирган ҳолда йўқлаб бориши мумкинлиги акс этиши лозим;

- суррогат онанинг болани бериш вақти назарда тутилиши ҳам мақсадга мувофиқдир;

- шартномада суррогат онанинг хизмат кўрсатиш нархи ёки бепуллиги ёхуд тиббий хизматдан фойдаланиш харажатлари, яшаш, кийим кечак, озиқ овқат ва туққандан кейинги айрим масалалар ҳам кўрсатилиши лозим;

- тарафлардан бирининг шартнома шартларига риоя қилмаслиги натижасида юзага келадиган оқибатлар ва жавобгарлик масалалари ҳамда суррогат она томонидан эмбрионни ёки болани нобуд қилиш ҳолларида жавобгарлик масалалари ҳам инобатга олинishi керак.

Ҳомиладорлик пайтида суррогат онанинг тиббий кўридан ўтиши ва муолажаси масалалари, агарда бола чала туғилса ёки нобуд бўлса, шунингдек, чет эл фуқаролари иштироки билан боғлиқ масалалари ёритилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда қизиқ савол туғилади, суррогат она – ижрочими ёки ота-онами? Агар инсонни дунёга келтириш вазифаси нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсақ болага нисбатан оналик ҳуқуқини даъво қиладиган шахсдир. Иккинчи томондан эса, суррогат она маълум ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи киши. Юқорида қайд этилганларни умумлаштириб суррогат оналик тўғрисидаги шартнома аънанавий шартнома эмаслиги ва шу боис унга оддий шартнома ҳуқуқи қоидаларини қўллаш мумкин эмаслигини таъкидлаш зарур.

Демак, суррогат оналик шартномаси фуқаровий-ҳуқуқий ҳамда оилавий-ҳуқуқий муносабатлар билан тартибга солинади. Суррогат оналик шартномаси суррогат она, эр хотин (буюртмачи) ва тиббий орган ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномадир.

Қайд этилган меъёрларнинг Оила қонунчилигига киритилиши, келгусида болага буюртма бераётган эр-хотин ва суррогат она ўртасидаги ҳар хил келишмовчиликларни бартараф қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса ўз ўрнида, фарзанд кўра олмаётган эр-хотинларнинг фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлишига, оиланинг мустаҳкам сақлаб қолинишига, шунингдек Оила қонунчилигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. 207-модда.
2. "Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомини тасдиқлаш тўғрисидаги Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 14 январдаги 106-сон буйруғи.
3. Огородов Д.В. Чалышев М.Ю. К вопросу о видах смешанных договоров в частном праве // Правовая система «Консультант».
4. Шевчук С.С. Механизм договорного регулирования отношений по оказанию медицинских услуг: пробелы и недостатки // Пробелы в российском законодательстве. 2008. №2. С. 460-463.
5. Айвар Л.К. Правовая защита суррогатного материнства. // Адвокат. 2006. №3. С. 33.
6. Фуқаролик кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Хазова О. А. Правовые аспекты применения вспомогательных репродуктивных технологий в России // Современное медицинское право в России и за рубежом: Сб. науч. тр. / Отв. ред. О. Л. Дубовик, Ю. С. Пивоваров. М.: ИНИОН, 2003. С. 205.
8. Хурчилова Л. А., К вопросу о договоре суррогатного материнства. Актуальные проблемы Российского право. 2007. №2.
9. «Семейный кодекс Российской Федерации» от 29.12.1995 N 223-ФЗ (ред. от 02.07.2021).



**Акбар НАРЗУЛЛАЕВ,**  
Тошкент шаҳар суди-  
нинг иқтисодий ишлар  
бўйича судьяси

## ПАРАЛЛЕЛ ИМПОРТ

**Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида интеллектуал мулк ҳуқуқларини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг муҳофазасини таъминлаш, хусусан, товар белгиси билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик кодекси, Божхона кодекси, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонун ва бошқалар билан тартибга солинади.**

Шундай қилиб, Фуқаролик кодексининг 1034-моддасига биноан интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулк ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хошишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади. Ҳуқуқ эгасига мутлақ асосда тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг рухсати билан йўл қўйилади.

Шунингдек, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасига кўра товар белгиси эгасининг товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади ва Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштирилаётган расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиши даври мобайнида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида параллел импорт тушунчаси ва уни ҳар қандай шаклда қўллаб-қувватлаш мавжуд эмас.

Шундай қилиб, параллел импорт жараёни муаллифлик ҳуқуқи эгасининг рухсати билан уларни олиб киришга ваколати бўлмаган шахслар томонидан товар белгиси билан белгиланган асл товарларни мамлакатга олиб кириш аккредитацияланган дистрибьютор билан ишлаш орқали эмас, балки параллел, муқобил каналлардан фойдаланиш орқали содир бўлади.

Товарлар фуқаролик муомаласида бўлса, параллел импорт қилиш мумкин. Товар белгиси объектларига бўлган ҳуқуқларнинг тугаш тамойилига кўра, муаллифлик ҳуқуқи эгаси учинчи шахсларга товар белгисидан фойдаланишни тақиқлаш бўйича мутлақ ҳуқуқини йўқотади. Яъни, маҳсулот муомалада ҳеч қандай чекловларсиз эркин айланади ва товар белгисининг эгаси ушбу маҳсулотнинг кейинги сотилишига таъсир эта олмайди.

Шуни таъкидлаш керак-ки, бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг расмий дистрибьюторлари мавжуд. Уларнинг вазифаси муаллифлик ҳуқуқи эгасининг савдо белгиси билан белгиланган маҳсулотларни келишилган ҳудудда сотишдир. Дистрибьютор ўз номидан ёки муаллифлик ҳуқуқи эгаси номидан ишлайди. Ушбу функциялардан ташқари, агар у шартномада назарда тутилган бўлса, чет эллик шерикка бошқа хизматларни ҳам кўрсатиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи эгалари (маҳсулот ишлаб чиқарувчилар), кўпинча ушбу дистрибьюторлар хизматларидан фойдаланган ҳолда, янги бозорларга мутлақ кириш ва ушбу бозорларда устун мавқега эга бўлишга ҳаракат қилишади. Ўзларининг манфаатлари ва мутлақ савдо ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун улар ҳар қандай мавжуд воситалардан, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кафолатидан фойдаланадилар. Шу тарзда бозорда устун мавқега эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ушбу бозорда ўз маҳсулотларини сотиш учун монопол ҳуқуқни олишади. Ушбу бозорда рақобатнинг етишмаслиги уларга рақобат тамойилларига асосланмаган нархларни белгилаш имконияти ва сабабини беради, бу эса ўз навбатида ушбу ишлаб чиқарувчи маҳсулотларининг бозорда нархи ошишига олиб келади.

Рақобатни ривожлантириш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида бутун дунёда ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларини чеклаш (тугатиш) учун иккита асосий қоидалар белгиланган: халқаро ва миллий.

Ҳуқуқларни тугатишнинг халқаро принципи шундан иборат-ки, ҳуқуқ эгаси бирон бир мамлакатда маҳсулот сотган ҳолда, энди янги эгаларига ушбу маҳсулотларни кейинчалик тасарруф этиш тўғрисида кўрсатма бера олмайди. Шунинг учун, янги эгаси чегара орқали товарларни олиб ўтиши, уни бошқа мамлакатларнинг фуқаролик муомаласига киритиши ва ўз тушунчасига мос келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Масалан, Хитой аллақачон истеъмолчиларга кўпроқ танлов бериш ва мамлакат автосаноатининг ташқи очиқлигини оширишга қаратилган параллел автомобилларни импорт қилиш дастурини амалга оширган.

Россия Федерациясида 2002 йилдан бошлаб миллий (худудий) принцип амалда бўлиб, товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқлар фақат маҳсулот ушбу давлат доирасида муомалага киритилгандагина тугаган деб тан олинishi мумкин. Мамлакатда миллий асосда ҳуқуқларни тугатиш ёндашуви амал қилган тақдирда эса, товар белгиси эгасидан рухсатнома бўлса, чет элга бир мартадан ортиқ қайта сотилаётган товарлар олиб кирилишига йўл қўйилади.

Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1229-моддасига биноан, бошқа шахслар (ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ҳуқуқ эгасининг розилигисиз интеллектуал фаолиятнинг тегишли натижаларидан ёки индивидуализация воситаларидан фойдалана олмайди. Интеллектуал фаолият натижаларидан ёки индивидуализация воситаларидан (шу жумладан уларни ушбу Кодексда назарда тутилган усуллар орқали) фойдаланиш, агар бундай фойдаланиш муаллифлик ҳуқуқи эгасининг розилигисиз амалга оширилса, ноқонуний ҳисобланади ҳамда ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради. Фақат ҳуқуқ эгасидан бошқа шахслар томонидан унинг розилигисиз интеллектуал фаолият натижаларидан ёки индивидуализация воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Интеллектуал фаолият натижаси ёки индивидуализация воситалари ифода этиладиган моддий оммавий ахборот воситаларини ишлаб чиқариш, тарқатиш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш, шунингдек олиб кириш, ташиш ёки сақлаш, бундай натижага ёки бундай воситага бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилишига олиб келадиган бўлса, бундай моддий воситалар сохта ва суд қарори билан, агар ушбу Кодексда бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, улар ҳеч қандай товон тўламасдан муомаладан чиқарилиши ва йўқ қилиниши керак (Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1252-моддаси).

Россия Федерациясида маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш учун товар белгиси эгаси томонидан рухсат этилиши керак.

Муаллифлик ҳуқуқи эгаси ҳуқуқий мақомининг бундай қоидалари Европа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ, Япония ва Хитой каби ривожланган мамлакатларнинг суд амалиётида тасдиқланмаган. Хусусан, Саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенциясининг

1883 йил 20 мартдаги 9 ва 10-моддалари профилактика чораларини фақат товар белгиси ноқонуний жойлаштирилган ва ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг шахси тўғрисида адаштириши мумкин бўлган товарларга нисбатан қўлланилишини талаб қилади. Худди шундай, Халқаро савдо ташкилотининг интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича битими (ТРИПС) 50-моддаси 7-бандининг (а) кичик бандида “нотўғри ишлатилган савдо маркаси бўлган товарлар” ибораси ҳар қандай товарни, шу жумладан уларнинг қадокларини, савдо белгиси билан авторизация қилинмасдан белгиланганлигини англатади...” дейилган. Яъни, товар белгиси қонуний равишда қўйилган бўлса, бу бузилиш эмаслиги кўрсатилган.

“Мутлақ ҳуқуқ” тушунчасини кенг талқин қилиш нуктаи назаридан ҳуқуқ эгаларининг суиистеъмоллари ривожланган ҳуқуқий тизимларга азалдан маълум бўлган. Хусусан, 1991 йилда Япониянинг Монополияга қарши қонунининг 3-бобида (Параллел импортга асосиз равишда тўсқинлик қилиш, уларни олиб кириладиган параллел товарларни сохта деб эълон қилиш йўли билан тўсиқ қўйиш) товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузилишидан ҳимоя қилиш чораси сифатида қалбаки товарларни сотишни тўхтатиш ва тўхтатилишини талаб қилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқадик, параллел импортни қонунийлаштириш давр талабидир. Кўпгина мамлакатлар интеллектуал мулк объектларига мутлақ ҳуқуқларнинг қоидалари ҳуқуқ эгалари томонидан кенг талқин қилиниб, бозорда монополияни ўрнатишга ёрдам беради деган хулосага келган.

Шунинг учун, рақобатни рағбатлантириш ва импорт қилинадиган маҳсулотлар нархи кўтарилишининг олдини олиш, шунингдек, истеъмолчилар ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари (виждонли импорт қилувчилар) манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка аниқлик киритиш, шу билан индивидуализация воситалари (савдо маркаси ва турдош ҳуқуқлар) нуктаи назаридан мутлақ ҳуқуқларга нисбатан худудий чекловларни белгилаш ва фуқаролик ҳуқуқига тегишли кодекс, Божхона кодекси, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги ҳамда “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали қонун ҳужжатларига параллел импорт тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқдир.



**Хушвақт ҚУРБОНОВА,**  
Судьялар олий мактаби таянч докторанти

## ЎЗБОШИМЧАЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзбошимчалик учун жиноий жавобгарлик назарияси ва амалиётининг долзарб муаммолари кўриб чиқилган бўлиб, ҳуқуқшунос олимларнинг назарий фикрлари ҳамда қонунчилиги таҳлил қилинган. Шунингдек, амалиётда ўзбошимчаликка оид қонун меъёрларини нотўғри қўллаш борасидаги баъзи муаммолар ҳам тадқиқ қилинган. Шу билан бирга ўзбошимчалик жиноятининг олдини олиш бўйича асосланган таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** жиноят ҳуқуқи, ўзбошимчалик, объект, субъект, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқлар, жавобгарлик, руҳий, жисмоний зўравонлик, жазолаш.

Тадқиқ қилинаётган ўзбошимчалик жинояти объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборат. Жумладан, ўзбошимчалик жинояти Жиноят кодексининг ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар бўлимида жойлаштирилганлиги ушбу жиноятнинг объекти бошқарувнинг белгиланган тартиби эканлигидан далолат беради.

Назарий жиҳатдан ўзбошимчалик – жиноят таркибининг тизимига кўра, моддий таркибли, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, асосий оддий таркибли икки объектли жиноят ҳисобланади<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоиз-ки, амалдаги Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган ҳар қандай жиноят кимгадир ёки нимагадир қаратилган тажовуз ҳисобланади. Жиноят объекти – жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатдир.

М.Рустамбоев: "...жиноятнинг бевосита объекти фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини қонунда белгиланган тартибда амалга оширишни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қўшимча объект сифатида бошқа фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини, шунингдек уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади<sup>2</sup>", – деб фикр билдирган.

Аксарият ҳуқуқшунослар қайд этганидек, ўзбошимчалик икки бевосита объектга тажовуз қилади<sup>3</sup>. Ўзбошимчаликнинг асосий объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият кўрсатиши бўлса, қўшимча объект сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва экинликлари, шаъни кадр-қимматини, мулки, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарда кўришимиз мумкин.

Ўзбошимчалик жиноятида тажовуз бир вақтнинг ўзида бошқарув тартибига ҳам, мулкка ҳам қарши қаратилади. Демак, мазкур ҳолатда ижтимоий хавfli қилмиш одатда иккита объектга тажовуз қилиб, улардан бири албатта асосий, иккинчиси қўшимча бўлади.

ЖКнинг 229-моддасидаги ўзбошимчалик жиноятида асосий объект ҳокимият ваколатларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар ҳисобланиб, бу

модда ЖК Махсус қисмининг "бошқарув тартибига қарши жиноятлар" бобида жойлашганлиги учун қўшимча объект бўлиб шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари, ҳаёти, соғлиғи ҳисобланади. Юқорида назарда тутилган назарий мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўзбошимчалик жиноятининг махсус объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятидаги ҳокимият ваколатларини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади деган асосли хулосага келиш мумкин.

Жиноятнинг объектив томони – инсон хулқ-атворининг ташқи кўриниши яъни онг ва ирода назорати остида содир қилинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги ижтимоий хавfli қилмишдир<sup>4</sup>. Унинг зарурий белгиси фақат ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим-ки, моддий таркибли жиноятларда ижтимоий хавfli қилмиш билан бирга ижтимоий хавfli оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш ҳам жиноят объектив томони зарурий белгилари ҳисобланади.

Жиноят таркиби объектив томон белгилари жиноий жавобгарликни белгилашнинг асоси бўлиб, у асосида ЖК Махсус қисми нормалари диспозициялари шакллантирилади. Шунингдек, муайян ҳолатда объектив томон зарурий белгиларининг мавжуд эмаслиги, жиноят таркиби мавжуд эмаслигини англатади.

С.У.Ванеев ўзбошимчалик тўғрисидаги нормалар диспозициясининг мазмунини аниқлаштириш асосида ўзбошимчаликнинг объектив томон белгиларининг жиноят-ҳуқуқий тушунчасини очиб беради. Назарий жиҳатдан ўзбошимчалик тўғрисидаги қоида ва ўзбошимчалик билан қилинган ҳаракатларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўз ҳуқуқидан фойдаланиб ўзбошимчалик билан амалга ошириш;
- фараз қилинган ҳуқуқидан фойдаланиб;
- бошқа ўзбошимчалик билан содир этилган ҳаракатлардир.

Амалдаги жиноят қонунда ўзбошимчаликка қуйидагича таъриф берилади: ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқла-

ри ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган қилмиш. Бу Жиноят кодексининг 229-моддасида назарда тутилган. Қонуннинг мазкур матнидан келиб чиқадиган бўлсак, қасддан содир этиладиган моддий таркибли жиноятларнинг аксариятида ўзбошимчалик белгиларини кўришимиз мумкин. Ўзбошимчаликда қилмиш бир қатор зарурий белгилари билан тавсифланади:

► субъектда жабрланувчига нисбатан ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларнинг мавжудлиги;

► мазкур ҳуқуқни амалга ошириш шаклининг ўзбошимчалик хусусиятига эга эканлиги.

Демак, содир қилинган ҳаракатда ўзбошимчалик жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун қуйидаги мезонларни белгилаш керак:

► ҳар қандай ҳаракатларнинг рухсатсиз, белгиланган тартиб-қоидага хилоф равишда бажарилиши;

► бошқа фуқаро ва юридик шахслар томонидан ушбу ҳаракатларнинг қонунийлигига эътироз билдирилиши;

► содир қилинган ўзбошимча ҳаракатлар оқибатида кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши.

Ўзбошимчалик жиноятнинг зарурий белгиси фуқароларга, шунингдек давлат ёки жамиятга кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказишдир. Зарарни жиддий деб тан олиш жабрланувчига етказилган зарарнинг аҳамияти, уларнинг ҳақиқий мулкӣ ёки молиявий ҳолати ёхуд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши ва бошқаларда ифодаланиши мумкин.

Жиноят кодекси Махсус қисми норма ва қоидалари ўрганилганда, жиноят таркибининг кўриб чиқилаётган элементига хос томонларни кўриш мумкин.

Шахс ўзининг ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқни амалга ошираётганда унинг онгида асосий диққат-эътибори содир этилаётган ижтимоий хавфли ҳаракат, унинг характери, мазмуни қамраб олинган бўлади. Шунингдек унинг ҳаракати эркин, ихтиёрий характерга эга бўлиб айбдорнинг эркини, хоҳишини намоён қилиши керак. Яъни, босимсиз ёки ташқи факторлар – жисмоний ёхуд руҳий зўрликларсиз амалга ошираётганлигида ифодаланиши лозим.

Ҳар қандай жиноятда инсон хулқ-атворининг ташқи ва ички кўриниши каби иккита томони бўлади. Ташқи томонда онг ва ирода билан бошқариладиган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), ички кўринишда эса содир этган қилмишига бўлган руҳий муносабати туради (айб шаклларида қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишида).

Шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг умумий шартларидан бири ижтимоий хавфли қилмишни содир этган вақтда у қонунда белгиланган жиноий жавобгарлик ёшига тўлганлиги ҳисобланади. Жиноят кодексининг 17-моддаси талабига мувофиқ, “жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли



расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар”. Қонунда жиноий жавобгарлик ёшининг қуйи чегарасини белгилаш зарурати, энг аввало, шу билан белгиланадики, мазкур ҳолат шахснинг ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуниш ва уларни бошқара олиш қобилияти билан узвий боғлиқ. Қонун томонидан тақиқланган бировнинг мулкани ўғирлаш, бошқаларни ҳақорат қилиш ёки тан жароҳати етказиш мумкин эмаслигини аксарият ёш болалар ҳам тушуниши мумкин. Бироқ, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун у маълум даражада ҳуқуқий онгга, ўз қилмишининг фактик томони билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини баҳолаш қобилиятига эга бўлиши лозим<sup>5</sup>. Демак, ЖКнинг 229-моддасини мантиқий шарҳлайдиган бўлсак, мазкур жиноятнинг субъекти жабрланувчига ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларга асосланган талабларни кўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдир.

Тадқиқ қилинаётган ўзбошимчалик жиноятнинг субъектив томони ва субъектининг асосий хусусиятларини таҳлил қилиш шунингдек ўзбошимчаликнинг субъектив томони белгиларини ўрганиш ушбу жиноят тўғридан-тўғри ва билвосита ният билан содир этилиши мумкинлигини тасдиқлашга имкон беради. Шу билан бирга, ўзбошимчаликнинг субъектив томони жиноятчининг нафақат унинг қилмишига, балки унинг оқибатларига руҳий муносабати билан ҳам белгиланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 229-моддасини, тергов ва суд амалиётида турли кўринишда учраётган ва алоҳида малакаловчи белгиларга эга бўлган ўзбошимчалик, яъни жиноятни бир гуруҳ бўлиб содир қилиш, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ёки шу зўрликни ишлатиш билан қўрқитиб содир этиш, қурол ишлатиб содир қилиш ҳолатларини назарда тутган алоҳида малакаловчи белгилар билан тўлдириб, такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбоев М. Жиноят ҳуқуқи дарслик Тошкент – 2006 йил 122. б.
2. М.Х.Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи 4-том Махсус қисм Тошкент – 2018. Б. 488.
3. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар Дарслик-Тю ИLMZIEO. 211 йил б. 338.
4. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи курси 1-том Умумий қисм жиноят ҳақида таълимот Тошкент – 2008. Б 174.
5. Кузнецова Н.Ф. Тяжкова И.Л. Курс уголовного права: Общая часть Т 1. Учение о преступлении М. 1999-С 168.



**Улуғбек БОЗОРОВ,**  
Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти катта ўқитувчиси

# ТАШҚИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

## АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада ташқи миграциянинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари билан бирга тартибга солиниш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, ташқи миграция жараёнларининг давлатлараро ҳуқуқий тартибга солиниши ёритиб берилган. Ҳозирги вақтда ишга жойлашиш мақсадида амалга оширилаётган миграциянинг кенгайиши ишчи кучи бозоридаги икки асосий омил таъсири натижасида амалга оширилмоқда. Биринчиси – кўп давлатларнинг меҳнатга лаёқатли фуқаролари ўз давлатида умуман иш тополмаслиги ёхуд ўзини ва оиласини таъминлаш учун муносиб ишга жойлаша олмаслигида намоён бўлса, иккинчиси эса, бошқа бир қатор давлатларда иқтисодийнинг турли секторларида ишчи кучи танқислиги туфайли, уларни тўлдирish эҳтиёжининг мавжудлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ташқи миграция, халқаро стандартлар, миллий қонунчилик, меҳнат ва миграция, миграция кенгаши.

Давлатлар ўртасидаги икки томонлама шартномаларни тузиш тажрибасининг дунё миқёсида кенгайиши 1960 йилларга бориб тақалади. Ишчи кучига бўлган жиддий этишмовчиликларга дуч келган Фарбий Европанинг айрим давлатлари, хусусан, Бельгия, Нидерландия, ГФР, Франция, Швейцария каби давлатлар Жазоир, Испания, Греция, Португалия, Туркия, Марокко ва Тунис каби давлатлар билан ишчи кучини импорт қилиш борасида икки томонлама шартнома имзолаганлар.

Меҳнат миграцияси масаласида кўп томонлама шартномалар мавжуд бўлган бир вақтда давлатлар томонидан айнан шу масалада икки томонлама шартномаларни имзолашга нима

зарурият мавжуд?, – деган савол барчани қизиқтириши табиий. Мазкур масалани таҳлил қилар экан, О.В. Шумилов, МДХ доирасида меҳнат миграцияси соҳасидаги давлатлараро халқаро шартномаларни ўрганиб, “бундай икки томонлама шартномаларнинг имзоланиши ўзига хос “суғурта” қилиш орқали тартибга солиш сифатида намоён бўлиб у ёки бу тараф саналган давлат кўп томонлама универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан чиққан тақдирда, у худди шундай нормаларни ўзида қамраб олган икки томонлама келишувлар билан узвий боғлиқ ҳолда қолади ва аксинча ҳолатда ҳам шундай бўлади”, – дейди.

Амалиётда икки томонлама шартномалар миграция оқимини тартибга солиш ва икки давлат ўртасидаги ушбу муносабатларни бошқаришнинг анъанавий воситаси сифатида намоён бўлади. Бундай келишувларнинг 1970 йилги иқтисодий пасайишга қадар кенг тарқалганлигини қайд этиш жоиз.

Ушбу икки томонлама халқаро шартномалар кенг доирадаги иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишга уриниш ёки ноқонуний миграция ўсишининг олдини олиш каби мақсадларни қамраб олган. Бошқа бир қатор икки томонлама келишувлар эса қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишлар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишга қаратилган.

Умумий олиб қараганда меҳнат миграцияси масалаларига қаратилган икки томонлама халқаро шартномалар ўзида меҳнаткаш-мигрантларни қабул қилиш ва йўналтириш



билан шуғулланувчи ваколатли давлат органининг мақоми; ишчиларнинг малакаси ва сони ҳақидаги маълумотларни алмашиш тартиби; ҳар бир мигрант ҳақидаги маълумотларни аниқлаш зарурияти; ишга жойлашишга номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш зарурлиги; ишга қабул қилувчи давлатда мигрантларнинг яшаш шароитлари ва бошқа бир қатор масалаларни тартибга солувчи қоидаларни қамраб олади.

Меҳнат миграцияси масалалари ва хорижий давлатлар билан ишчи кучларини алмашиш масаласида Ўзбекистон Республикаси ҳам бир қатор хорижий давлатлар билан икки томонлама келишувлар ва меморандумлар имзолаган.

Мазкур шартномалар чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини тартибга солишга кўмаклашади. 2011 йил 23 мартда имзоланиб 2012 йил 1 мартдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида “Бир давлат фуқароларининг бошқа давлат ҳудудида вақтинча меҳнат фаолияти тўғрисида”-ги Битим икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаш ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, бир давлат фуқароларининг бошқа давлат ҳудудида вақтинча меҳнат фаолияти ҳамкорликнинг муҳим соҳаси эканлиги қайд этилган.

2012 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида имзоланган Меморандумга асосан, 2007-2021-йиллар давомида 27 803 нафар фуқаромиз Корея Республикасида ишга жойлаштирилган.

Россия Федерацияси мамлакатимизнинг миграция соҳасидаги ҳамкорларидан яна бири ҳисобланади. Икки давлат ўртасида 2007 йилнинг 4 июлида “Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги меҳнаткаш-мигрант фуқароларининг ва Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнаткаш-мигрант фуқароларининг меҳнат фаолияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ҳукуматларо Келишуви имзоланган.

Маълумотларга кўра, бугун 1,7 млн. юртдошимиз чет элда, асосан, Россия ва Қозоғистонда меҳнат қилмоқда<sup>2</sup>.

Мамлакатимиз ЕОИИга аъзо давлатлар ичида меҳнат ресурслари бўйича Россиядан кейинги ўринда туради. Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган хорижий фуқаролар сони бўйича эса, Ўзбекистон биринчи ўринда туради. Россия Федерациясининг 26 та, Қозоғистоннинг 14 та иш берувчи корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари, шунингдек Россия ўрта махсус ва олий таълим



муассасалари билан Ўзбекистон фуқароларига касбий таълим бериш, уни баҳолаш ҳамда рус тилига ўргатиш ишлари бўйича икки давлат ҳудудида амалга оширишга қаратилган битимлар имзоланган.

Шундай келишувларга эришилишига қарамасдан иш берувчининг шартнома шартларини бажармаслик, иш ҳақини кечиктириш ёки тўламаслик, меҳнат ва миграция талабларига риоя қилмаслик, солиқдан қочиш учун мигрантларни норасмий ишлатиш ҳолатлари каби айрим муаммолар ҳам юзага келмоқда. Шунингдек, ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқий ҳолатига тегишли ва уларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ бўлган тиббий хизмат кўрсатиш, пенсия ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврларини белгилаш ва молиялаштириш, мигрантларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш, маъмурий ва жиноий тартибда таъқиб қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳуқуқий асоси белгиланмаган.

Ушбу ҳукуматлараро шартноманинг номидан кўриниб турибди-ки, унинг тартибга солиш предмети Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг меҳнаткаш-мигрант фуқароларининг меҳнат фаолияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш саналади.

Ушбу Келишув шахснинг жинси, ирқи, тили, этниқоди ёки динидан ёхуд этник, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, ёшидан, иқтисодий, мулкӣ, оилавий ҳолати ва бошқа белгиларидан қатъий назар барча меҳнаткаш-мигрантларга нисбатан татбиқ қилинади.

**Таҳлил қилинаётган келишувнинг 3-моддасида куйидаги асосий тушунчалар белгилаб берилган:**

***меҳнаткаш-мигрант – бир тараф давлатнинг фуқароси саналган 18 ёшга тўлган, бошқа тараф давлатнинг ҳудудида қонуний асосларда бўлган ва қонуний асосларга биноан ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахс;***



**меҳнат фаолияти – амалга ошириш тартиби ва шартлари ишга қабул қилувчи давлатнинг қонунчилиги билан белгиланадиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга мувофиқ ишларни (хизматлар кўрсатиш) бажариш ёки тузилган меҳнат шартномаси асосида амалга ошириш;**

**иш берувчи – ишга қабул қилувчи давлатнинг қонунчилигида назарда тутилган тартибда меҳнаткаш-мигрант билан меҳнат шартномасига асосан унинг меҳнатида фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;**

**иш (хизмат) буюртмачиси – ишга қабул қилувчи давлатнинг қонунчилигида назарда тутилган тартибда меҳнаткаш-мигрант билан фуқаролик шартномасига асосан унинг меҳнатида фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс ва бошқалар.**

Келишувга мувофиқ меҳнаткаш-мигрантлар ўз фаолиятини фақатгина қабул қилувчи давлатнинг иш берувчиси билан тузилган меҳнат шартномаси ёки қабул қилувчи давлатнинг иш (хизмат) буюртмачиси билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномага мувофиқ амалга оширишлари лозим.

Меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқлари ушбу келишувнинг 9-16-моддаларида назарда тутилган. Ушбу назарда тутилган ҳуқуқлар худди шу масалада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган стандартларга тўла мувофиқ келади.

Ушбу келишув халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормаларга етарли даражада мос келади ҳамда бугунги кунда меҳнат миграцияси соҳасидаги реал воқеликни ўзида акс эттиради. Бундан ташқари, ушбу келишув юридик-техник нуқтаи назаридан мазкур соҳада қабул қилинган икки томонлама шартномалардан мукамал ва батафсиллиги билан ажралиб туради.

**Юқоридаги таҳлиллар натижасида ташқи миграция соҳасини тартибга солишга қаратилган бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдириб ўтиш ўринли:**

**биринчидан,** Меҳнат кодексининг 10-12-моддалари мазмун моҳиятини жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, бунда чет элга меҳнат мигранти шаклида чиққан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига устуворлик бериш мақсадга мувофиқ саналади;

**иккинчидан,** Меҳнат кодексининг 11, 12-моддалари мазмуни шуни кўрсатади-ки, ушбу нормалар иш берувчининг қайси давлатга тааллуқлиги масаласи, меҳнат шартномасида тарафларнинг ўз ҳуқуқларини қўллаш имконияти, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, ходимнинг жамоа келишувларида иштирокининг ўзига хослиги каби бир қатор масалаларни назарда тутмаган. Бу эса, ўз навбатида ушбу нормаларни янги таҳрирда ривожланаётган меҳнат муносабатларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш заруратини олдимизга қўймоқда;

**учинчидан,** юқоридаги Меҳнат кодекси нормаларида трансмилий компаниялар, уларнинг филиаллари, ваколатхоналари, унинг таркибий бўлинмалари, юридик шахсларнинг бошқа давлат ҳудудидаги шўъба корхоналари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудига консуллик ва бошқа дипломатик вазифаларни бажариш учун келган чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларини қандай тартибга солиш масалалари умуман назарда тутилмаган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ташқи миграция жараёнларини янада такомиллаштириш, ушбу соҳада тизимли қонунчилик асосларини яратиш орқали халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш заруратини олдимизга қўймоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Многосторонние основы МОТ по вопросам миграции рабочей силы. Женева: Международное бюро труда, 2007. – С. 3.
2. <http://www.ilo.org/ilolex/english/newratframeE.htm>.
3. Шумилов О.В. Международное трудовое и миграционное право СНГ. М., 2007. – С. 64.
4. Ивахнюк И.В. Международная трудовая миграция: Учебное пособие. М., 2005. – С. 194.
5. <https://parliament.gov.uz/events/committee/34644/>.
6. Жўраев, А. Н. (2021). REPRESENTATIVE INSTITUTE FOR THE PROTECTION OF THE RIGHTS AND LEGAL INTERESTS OF BUSINESS ENTITIES IN ENSURING THE RULE OF LAW. ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 1).
7. Juraev, A. (2021, November). ACCOUNTABILITY OF THE REPRESENTATIVE UNDER THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR THE PROTECTION OF THE RIGHTS AND LEGITIMATE INTERESTS OF BUSINESS ENTITIES. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 168-172).

# ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ШАКЛЛАРИ

**Демократик давлатнинг муҳим элементларидан бири парламентаризм ҳисобланади. Парламентаризмнинг ҳуқуқий ифодаси сифатида парламент назоратини тушунишимиз мумкин. Парламент назорати деганда қабул қилинган қонунлар ижроси ҳолатини текшириш, ҳукумат фаолияти устидан назорат ўрнатиш каби амалдаги қонунчиликда белгиланган вазифаларни бажариш жараёнларини тушунамиз.**

Парламент назоратининг парламент сўровлари, ин-терпелляция, ҳукуматга ишончсизлик вотумини билдириш, ҳукуматнинг ишончини рад этиш, ҳукуматга танбех бериш қарорини қабул қилиш, ҳукумат ҳамда вазирларнинг ҳисоботларини эшитиш, парламент эшитувини ташкил этиш, парламент тергови, импичмент, ижро органларини шакллантиришда иштирок этиш, давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш, халқаро шартномаларнинг ратификация ва денонсация қилиш каби турли хил шакллари мавжуд.

Ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг муҳим элементи сифатида бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш деб айтиш мумкин. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш ҳукуматнинг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан унинг лавозимидан озод қилинишига олиб келади. Қонунчилигимизда Давлат раҳбарининг ишончсизлик вотуми юзасидан фикр билдириши (розилик бериш ёки бермаслиги) борасида меъёр белгиланмаган. Фикримизча, мазкур ҳолатда Президент томонидан қабул қилинган қарорнинг ижроси мажбурий деб талқин қилиниши керак. Чунки Конституциямизнинг 98-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳукуматнинг истеъфосини қабул қилиши керак.

Парламент назоратининг яна бир шакли бу мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳисобланади. Худди шундай назорат шакллари хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам назарда тутилган. Мисол учун, Руминияда Бош вазир Депутатлар палатаси ёки Сенатга ҳукуматнинг сиёсати ҳақида ҳисоботларни тақдим этади. Финляндияда эса ҳукумат ҳар йили парламентга (Эдускунт) унинг қарорларини бажарилиши ҳолати ҳамда ўзининг фаолияти ҳақида ҳисобот бериши шарт. Худди шундай тартиб Венгрия Конституциясида ҳам белгилаб берилган.

Миллий қонунчиликда парламент ишончсизлик вотумини билдиришнинг асоси сифатида "Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонун-



**Алишер ИСМОИЛОВ,**  
Судьялар олий мактаби мустақил тадқиқотчиси

чилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган вақтда" амалга оширилиши белгиланган. Мазкур жумла Бош вазирнинг ҳисоботини тасдиқламаслик (маъқул-ламаслик) ҳолатини ёки унинг фаолиятига салбий баҳо берилишини ўз ичига олмайди. Қонунчиликка асосан, ҳисоботни эшитиш парламентнинг икки палатасида амалга оширилиши, ишончсизлик вотуми билдириш эса Бош вазир ҳамда Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар вужудга келганда амалга оширилиши белгиланган. Бундан келиб чиқиб, ҳисоботлар эшитилишининг ҳуқуқий оқибатларини белгилаш, яъни, палаталар томонидан ҳисобот маъқулланмаслигининг оқибатлари нимадан иборат бўлиши, ёки Бош вазир (ҳукумат)нинг фаолиятини самарасиз деб топиш ёхуд бошқа салбий баҳо берилиши қандай оқибатларга олиб келинишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

Бош вазирнинг ҳисоботи юзасидан Олий Мажлис палаталарининг қониқарсиз баҳо бериши эса Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилишини англатиши керак. Акс ҳолда Бош вазирнинг ҳисоботи ўз маъносини йўқотади ва унинг эшитуви парламентга назорат ва ҳисобдорлик таъсирига эга бўлмаган мунтазам процессуал тадбирга айланади.

Сўров парламент назоратининг яна бир шакли ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда парламент сўрови ҳамда депутат сўрови каби парламент назоратининг шакллари мавжуд. Парламент сўровини юбориш ҳақидаги таклиф Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари томонидан берилиб, палата номидан давлат органлари ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига юборилади. Депутат сўрови эса парламент сўровидан фарқли ўлароқ, парламент аъзоси томонидан мустақил тарзда юборилади.

Юқорида қайд этилган парламент назорати шакллари Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати" Қонунида ўз ифодасини топган. Шу боис, миллий қонунчиликда ҳар бир парламент назорати шаклининг регламентини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида "Олий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида"ги қонун ҳам қабул қилиниши лозим. Мазкур ҳужжат Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро фаолияти учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади ва ҳозирда мавжуд бўшлиқлар, низолар ва суи-истеъмолчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.



**Умид МУСАЕВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

## ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИҚДА ТУТГАН ЎРНИ

*Олий суд Пленуми тушунтиришлари қуйи турувчи судлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят қонунчилиги нормаларининг аниқ ва бир хилда қўлланилишига, жиноятларни квалификация қилиш ва бошқа муҳим масалалар бўйича ягона амалиётнинг шаклланишига беқиёс ҳисса қўшиши шубҳасиз. Зеро, бундай тушунтиришларсиз жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар ва мансабдор шахслар қонун нормаларини ўз билганларича талқин қилишлари, натижада эса жиноят қонунчилигининг асосий принципларидан бўлган адолат ва тенглик тамойилларига путур етиши мумкин.*

Бунинг олдини олиш мақсадида, Пленум қарорлари билан тушунтиришлар берилиб, масъул органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунларни қўллашдаги мустақиллиги маълум маънода чекланади. Бундай чеклашга салбий тарафдан қараш нотўғри. Сабаби, шу каби чекловлар, аслида, ҳам жамият манфаатларини, ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб чиқарилади. Зеро одил судловга масъул бўлган органлар ва мансабдор шахсларга хусусий секторда менежерларга берилгани каби жуда ҳам кенг мустақиллик бериш имконсиздир.

*Этиборли жиҳати шундаки, Олий суд Пленуми қарорларининг юридик кучи масаласи ҳам миллий олимларимиз, ҳам хорижий олимларнинг доимий баҳс-мунозаралари мавзусидан бири бўлиб қолмоқда.*

Ҳозирги вақтда адабиётларда ушбу масала бўйича қарама-қарши фикрлар мавжуд. Айрим олимлар юқори суднинг тушунтиришлари қонунни қўллайдиган барча субъектлар учун мажбурий, деган қарашни илгари сурсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар эса бундай қарорлар фақат судлар учун мажбурий, деган фикрни билдирадilar.

Бошқа бир қарашга кўра, бу каби тушунтиришлар мажбурий бўлмасдан, соф тавсиявий характерга эга деб талқин қилинади.

Ушбу масала, айниқса, жиноят ҳуқуқи учун “оғриқли” ҳисобланади. Сабаби, жиноят ҳуқуқи манбалари ва улардаги нормалар жиноят ҳуқуқида тор ва қатъий талқин қилинадиган қонунийлик тамойилига бевосита таъсир кўрсатади.

Қонунийлик принцигига кўра, барча ҳуқуқий оқибатлар фақат жиноят қонунига асосланиши лозим.

Шу ўринда, профессор М.Х.Рустамбаевнинг Пленум қарорлари жиноят ҳуқуқи манбаси сифатида эга бўлган айрим хусусиятлар ҳақидаги фикрларини келтириш лозим бўлади. Унинг баён этишича, тегишли органлар Олий суд Пленумининг тушунтиришларига асосланишлари лозим бўлса-да, Пленум қарорлари амалдаги Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар кирита олмайди.

*Ҳақиқатдан ҳам, қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи Конституция-мизга биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқида эга бўлган субъектлар томонидан мазкур Конституция ҳамда тегишли қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.*

Бундан ташқари, М.Х.Рустамбоев Пленум қарорларини жиноят қонунчилиги нормаларини шарҳлашнинг воситаларидан бири сифатида тавсифлайди.

**Унинг фикрича, Олий суд Пленуми қарорларида ўз ифодасини топган шарҳлаш норматив шарҳлаш ҳисобланади. Бунда, Олий суд Пленуми:**

- суд амалиётини ўрганади;
- суд статистикасини умумлаштиради;
- жиноят ишларини кўришда судларга тушунтиришлар беради.

Унинг фикрича, Пленум қарорларига Жиноят ҳуқуқининг манбаси сифатида ёндашиш Конституциянинг 112-моддаси 1-қисмида ифодаланган “судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар” деган қоидага ва Ўзбекистон



Республикаси жиноят қонунчилиги Жиноят кодексидан иборатдир, деб ифодаланган Жиноят кодексининг 1-моддасида белгиланган нормага зиддир.

Ўз навбатида, Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган ҳужжатлар Конституциянинг 110-моддаси 2-қисмига кўра қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Олий суд Пленумининг қарорлари ўрганилган суд амалиётидан келиб чиқиб қонунни тўғри ва аниқ қўллашга имкон беради.

Хорижий мамлакатлар олимлари ҳам Пленум қарорларининг жиноят ҳуқуқи манбаси сифатидаги ўрни масаласида ўз қарашларини билдирганлар.

Хусусан, К.В.Ображиев юқорида кўрсатиб ўтилган қарашни маълум даражада қўллаб-қувватлайди. Унинг баён этишича, Пленум қарорлари жиноят ҳуқуқининг расмий манбаларига хос бўлган барча зарур хусусият ва белгиларга, шу жумладан, нормативлик белгилари ва элементларига ҳам эга ҳисобланади.

Мазкур олимнинг қарашини таҳлил қиладиган бўлсак, у Пленум қарорларининг норматив характерга эга эканлиги, яъни тегишли органлар томонидан риоя этилиши мажбурий эканлигини эътироф этганлигини кўришимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча ҳам, Пленум қарорлари барча судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланмоғи лозим.

Айрим юридик адабиётларда Пленум қарорлари ҳамда суд амалиёти каби тушунчалар бир хил маънода ишлатилишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Рус олимлари С.В. Бородин, А.И. Трусова ҳамда С.Н. Братусяларнинг баён этишича, суд амалиёти икки хил – ҳуқуқий низоларни (бизнинг ҳолатимизда эса, жиноят ишларини) кўриб чиқиш бўйича суд фаолиятининг ўзига хос тури сифатида ҳамда ушбу фаолиятнинг натижаси сифатида тушунилиши лозим.

Фикримизча, суд амалиётининг Пленум қарорлари билан бир маънода қўлланилиши мантиқан нотўғри ҳисобланади. Зеро, қуйи турувчи судлар амалиёти Пленум томонидан қарорларни қабул қилиш учун манба вазифасини ўтайди, холос.

Суд амалиётини қонунчиликнинг манбаси сифатида тан олишга қарши бўлганларнинг фикрига кўра, суд мутлақо янги ҳуқуқий нормаларни яратмайди ва қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланмайди, балки ҳуқуқни қўллаш органлари учун тавсия беради ва шу мақсадларда қонун нормаларини шарҳлаш фаолиятини амалга оширади.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, Пленум қарорларининг жиноят ҳуқуқи



манбаси сифатида қабул қилишга нисбатан ягона умумэътироф этилган қараш мавжуд эмас экан. Таҳлил қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, уларни қуйидаги учта гуруҳга бўлишимиз мумкин.

Биринчи гуруҳ олимлари Пленум қарорларини жиноят ҳуқуқи манбаси сифатида ҳам, жиноят қонунининг шарҳловчиси сифатида ҳам тан олишмайди.

Иккинчи гуруҳ олимлар эса, Пленум қарорларини жиноят ҳуқуқи манбаси сифатида кўришмаса-да, уларнинг норматив кучга эга эканликларини эътироф этишади. Мазкур қараш вакиллари кўп сонли бўлиб, уларга М.Х. Рустамбоев, В.Н. Синюков ва И.А. Клепицкийларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Учинчи гуруҳ юқоридаги икки хил қараш вакилларида фарқли равишда Пленум қарорларини жиноят ҳуқуқи манбаси сифатида тан олиш мумкин ва лозимлигини алоҳида қайд этишган. Ушбу қараш, жумладан, В.М. Лебедев, К.В. Ображиев ҳамда С.С. Алексеевлар томонидан ҳам илгари сурилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, Пленум қарорлари жиноят ҳуқуқи манбаси сифатида эътироф этилмоғи лозим. Зеро, Пленум қарорларини жиноят ҳуқуқи манбаси сифатида қабул қилмай туриб, уларга нормативлик хусусиятини бера олмаймиз. Бу эса, Пленум қарорларининг таъсир кучини камайтириб, уларни тавсиявий характердаги ҳужжатга айлантиради. Пленум қарорларининг тавсиявий характердаги ҳужжат сифатида кўрилиши эса, ўз навбатида, масъул органлар томонидан уларга риоя этмасликка олиб келиб, охир оқибатда, қуйи турувчи судларда ягона амалиётни шакллантиришга тўсқинлик қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Пленум қарори тушунчасига нисбатан қуйидагича муаллифлик таърифини билдирамиз: Пленум қарори – бу Олий суд Пленуми томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, судьялар учун бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжатдир.

# АЛДАМОҚЧИ БЎЛДИ, ЛЕКИН...

*Н. ва Д.нинг муносабатлари анча чуқур эди. Н. қўлидан келганча дўстига ёрдам беришга ҳаракат қилар, ишида ва шахсий ҳаётида ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан уни қўллаб-қувватларди. Бу орада Д. ҳам олган қарзларини ўз вақтида қайтариб келарди. Хуллас, иккала дўстнинг бир-бирига ишончи мустаҳкам эди.*

Июль ойининг охирлари. Н. уйини таъмирламоқда. Д. дўстини кўргани келди. Қурилишни кўздан кечирди ва дўстига азбаройи ёрдам бергиси келиб Н.га қурилиш учун зарур бўлган материалларни бир ҳафта ичида арзон нарҳда Тошкент шаҳридан олиб келиб беришини айтди.

Н. ҳам таъмирда ул-булга пулини етказа олмаётган эди дўстининг ёрдамини қабул қилди ва унга 10 000 АҚШ доллари берди.

Орадан уч ҳафта ўтди ҳамки, қурилиш молларидан ҳам Д.нинг ўзидан ҳам дарак бўлмади. Шундай бўлсада Н. қадрдон дўсти ҳақида ёмон гумонга бормади. Лекин яна бир ҳафтадан кейин ҳам дўстидан дарак бўлмагач ундан хавотир олиб Д.га телефон қилди. Дўсти эса уни хотиржам бўлишини, юкни эртага олиб боришини айтди. Н.нинг кўнгли таскин топди, лекин дўстим мени оғиримни енгил қиламан, деб бироз қийин вазиятга тушгандир, шунинг учун уни хижолат қилиб қўйдим, деб андак юраги хижил бўлди. Бироқ эртаси куни ҳам, индини куни ҳам юк келмайди...

Кунлар орқасидан кунлар ўта бошлади. Н. ҳар сафар Д.га кўнғироқ қилганида, материаллар бугун, эрта боришини айтиб, алдаб келаверди. Н. эса вақт ўтгани сари чув тушганини тушуна бошлади. Шундан сўнг у Д.нинг ҳаракатларидан шубҳаланиб ундан 10 000 АҚШ доллари олганлиги ҳақида тилхат ёздириб, фуқаролик паспортини гаровга олиб қўяди.

Д. сентябрь ойининг ўрталарида Н.га кўнғироқ қилиб, банкдан кредит олаётганини, кредитни олгач, қарзининг 4 000 АҚШ долларини қайтаришини айтиб, паспортини беришини илтимос қилади. Шунда Н. пулини қисман бўлса-да қайтариб олиш умидида, унга қарзини қайтариш ҳақи-

даги ваъдасини видеотасвирга олиб юборгандан сўнг паспортини беришини айтади.

Д. кредит олганидан сўнг ҳам қарзини қайтармади. Охир оқибат кута-кута сабр косаси тўлган Н. дўстини судга берди. Судда эса дўстининг асл юзи очилди.

Д. суд жараёнида тадбиркорлик қилиши учун Н.дан 4 000 АҚШ доллари қарз бериб туришини сўраганини Н. эса 4 000 АҚШ долларини беришини, лекин 10 000 АҚШ доллари олганлиги ҳақида тилхат ёзиб беришини талаб қилганлиги ва шу сабабдан 10 000 АҚШ доллари олганлиги тўғрисидаги тилхатни ёзганлиги ҳақида сохта даъво билан чиқади.

Шунингдек у Н.га қурилиш материаллари олиб келиб беришни ваъда қилмагани, улардан ўзларини келишувларига кўра ҳисоблаганда 4 000 АҚШ доллари олгани, тадбиркорлик ишлари юришмагани сабабли қарзини қайтаролмагани, кейинчалик уни тўлаши ҳақида кўрсатув бериб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрайди.

Лекин суд жараёнидаги ўрганишлар натижа-сида Д. С.нинг айби исботланди ва унга Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан шу Кодекснинг 57-моддасига қўлланиб, беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ҳамда Д.нинг ҳисобидан жабрланувчи Н. фойдасига 101 453 830 сўм моддий зарар ундирилди.

Ушбу воқеани уламоларимизнинг куйидаги пурҳикмат сўзлари билан яқунлаймиз:

“Мен барча яхши нарсалардан тотиб кўрдим, аммо эсон-омонлик, саломатликдан кўра яхшироғини топмадим. Аччиқ нарсаларнинг ҳам барчасини тотиб кўрдим, аммо одамларга муҳтожликдан кўра аччиқроқ нарсани топмадим. Темир ва тошларни кўтариб ташидим, лекин қарздан кўра оғирроқ юкни кўрмадим. Билгин, замон икки кундан иборат, бир куни сенинг фойданга, иккинчи куни зараринга бўлур. Фойданга бўлган кунга ношукурлик қилма, зараринга бўлган кунга сабр қил, чунки у кунларнинг барчаси ўтиб кетади.

Эй ворисларига бу дунёда мол тўпловчи, ўлгуингча бу молдан фойдалана оласанми? Ўлишдан олдин молларингдан ўзингга ҳам эҳсон қилиб қол. Чунки, ўлимдан кейин барчасидан насибанг узилади”.

**Муҳиддин МАЛИКОВ,**

*Сурхондарё вилоят суди судьяси.*



## ПРИЗНАНИЕ И ПРИВЕДЕНИЕ В ИСПОЛНЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНЫХ МЕР МЕЖДУНАРОДНЫМИ КОММЕРЧЕСКИМИ АРБИТРАЖАМИ

**Характер споров, который разрешается в международном коммерческом арбитраже (далее – МКА) имеет трансграничный характер и нуждается в соответствующем единообразном национальном регулировании. В настоящее время функции регулирования выполняют международные договоры как Конвенция ООН о признании и приведении в исполнение иностранных арбитражных решений 1958 г. (Нью-Йоркская конвенция) и Европейская конвенция о внешнеторговом арбитраже 1961 г. Также необходимо отметить отдельные редакции Типового закона ЮНСИТРАЛ о «Международном коммерческом арбитраже» 1985 г. (далее – Типовой закон) рекомендованный многими международными организациями и арбитражными учреждениями.**

В свою очередь, представляется очень сложным достичь единообразия регулирования отдельных аспектов международного коммерческого арбитража. Таким аспектом выступает институт обеспечительных мер. Индивидуальность указанного института в рамках коммерческого арбитража заключается в вовлечении государственного национального суда в арбитражное разбирательство в целях содействия сторонам арбитража в принятии мер по обеспечению их интересов относительно предмета спора нарушенных противной стороной до начала или во время рассмотрения дела третейским судом.

Основная цель обеспечительных мер в арбитражном процессе аналогична судебному процессу государственного суда. Обеспечительные меры направлены на сохранение положения сторон до урегулирования спора, то есть сохранением статуса-кво. Кроме того, обеспечительные меры могут содействовать принятию решения, то есть быть гарантией его исполнения посредством сохранения активов и имущества стороны.

Вышеуказанные конвенции почти ничего не говорят об институте обеспечительных мер. Так, Нью-Йоркская конвенция 1958 г. не содержит норм о мерах обеспечения, в Европейской конвенции 1961 г., сказано лишь о том, что испрашивание одной из сторон временных мер или мер предварительного обеспечения в государственном суде не должно рассматриваться ни как несовместимое с арбитражным соглашением, ни как передача дела в государственный суд для разрешения его по существу<sup>1</sup>. В силу отсутствия детально регулирующих международно-правовых норм, каждое государство по-своему регулирует применение обеспечительных мер в МКА.

Типовой закон ЮНСИТРАЛ 1985 г., на основании которого лежит арбитражное законодательство большинства государств, в том числе и Республики Узбекистан, содержит в себе всего две статьи посвященные обеспечительным мерам. В силу ст. 17 Типового закона, если иное не установлено соглашением сторон, арбитражный суд по ходатайству любой стороны вправе назначить обеспечительные меры относительно предмета спора противной стороне, которые сам суд сочтет необходимыми<sup>2</sup>. Статья 9 Типового закона, в свою очередь устанавливает, что обращение стороны в суд до или во время арбитражного разбирательства с просьбой о принятии обеспечительных мер не является несовместимым с арбитражным соглашением.

В целях развития и унификации обеспечительных мер в области арбитражного процесса, Комиссия ООН по праву международной торговли (ЮНСИТРАЛ) подготовила типовые положения об обеспечительных мерах. Такие положения вошли в отдельную главу Типового закона ЮНСИТРАЛ «О международном торговом арбитраже» с изменениями от 2006 года<sup>3</sup>. В Типовом законе дается определение, классификация обеспечительных мер, условия их применения, также установлены полномочия и компетенция государственных судов назначать обеспечительные меры в процессе арбитражного разбирательства.

Важным новшеством Типового закона 2006 г является разработанный правовой режим признания и приведения в исполнение обеспечительных мер. В силу нового правового механизма установленного в Типовом законе 2006 г. суд в который поступило ходатайство о применении обеспечительных мер не имеет дискреционных полномочий и вправе отказать



**Артем МАНСУРОВ,**  
докторант Высшей  
школы судей  
при Высшем судейс-  
ком совете РУз



в исполнении только по процессуальным основаниям. Правовой режим принятия и отказа в принятии обеспечительных мер в соответствии с Типовым законом 2006 г. аналогичен режиму в отношении признания и приведения в исполнение иностранных арбитражных решений по существу, закрепленному в Нью-Йоркской конвенции 1958 г.

Закон Республики Узбекистан «О международном коммерческом арбитраже» № ЗРУ-674 от 16.02.2021 предусматривает компетенцию по вынесению обеспечительных мер как арбитров, так и государственных судов. На основании ч.1 ст.22 ЗРУ-674, если стороны не договорились об ином, арбитражный суд может, по просьбе какой-либо стороны, предписать обеспечительные меры<sup>4</sup>. Указанное положение идентично ст. 17 Типового закона, несколько ни в национальном, ни в Типовом законе не указано в какой форме выносится определение обеспечительных мер.

В соответствии с недавно принятым в ЗРУ-674 сторона после удовлетворения ходатайства об обеспечительной мере может обратиться в суд для исполнения вынесенного арбитражем обеспечения иска или доказательств. Согласно действующему законодательству, государственный суд в пределах своей компетенции, а также в соответствии с порядком, установленным процессуальным законодательством РУз исполняет такое ходатайство.

Следует отметить, что в экономическом процессуальном законодательстве РУз нет специальных норм, регулирующих и порядок принятия обеспечительных мер содействующих арбитражному процессу. Более того, в процессуальном законодательстве РУз в целом отсутствуют нормы регулирующие иностранные обеспечительные меры, когда как в ряде стран со схожей с узбекской правовой системой в процессуальных кодексах закреплена отдельная глава посвященная обеспечительным мерам, где кроме всего прочего закреплены и обеспечительные меры вынесенные иностранными судами.

Международный арбитраж не входит в национальную судебную систему и вместе с тем не обладает властными механизмами принуждения. Международные арбитражные суды при ТПП многих стран не являются исключением. Таким образом, определению арбитража не хватает принудительной силы, такой судебный акт может быть исполнен стороной спора только в добровольном порядке.

Арбитражный суд может приступить к вынесению окончательного решения на основе имеющихся у него материалов и возложить на сторону ответственность за возмещение издержек или ущерба, возникших в результате неисполнения ею данной меры, в окончательном арбитражном решении<sup>6</sup>. В свою очередь, если не происходит исполнение в добровольном порядке, следует обратиться в соответствующий государственный хозяйственный/экономический суд за принудительным исполнением по обеспечительным мерам.

Так, сторона в пользу которой вынесен акт об обеспечительных мерах обращается в государственный суд по месту исполнения обеспечительных мер, как правило – это местонахождение имущества ответчика. Хозяйственный/экономический суд должен рассмотреть ходатайство и вынести определение об исполнении, либо отказе исполнения обеспечительных мер, вынесенных арбитражем. Вместе с тем, в ряде хозяйственных процессуальных кодексах зарубежных стран, так как и в ЭПК РУз отсутствуют указания на проведение специального судебного заседания для рассмотрения такого ходатайства. В практике государственные суды проверяют только фактическую обоснованность такого ходатайства на предмет применения обеспечительных мер, предписанных арбитражем и могут отказать в случае, если не находят на то достаточных оснований<sup>7</sup>.

До принятия Закона о «Международном коммерческом арбитраже» норм регулирующих процедуры приведения в исполнение определений международного коммерческого арбитража в законодательстве не имелось. В свою очередь, порядок принудительного обращения к исполнению таких судебных актов/определений выводится из принципа взаимодействия международного арбитража и системы экономического правосудия. В свою очередь, как уже было отмечено выше, в процессуальном законодательстве РУз не имеются положения отдельно регулирующие отношения связанные с обеспечительными мерами. Более того, могут возникнуть проблемы с исполнением иностранных постановлений, так как опять таки в процессуальном кодексе РУз не имеются положения регулирующих признание и приведение

в исполнение обеспечительных мер, вынесенных иностранными арбитражами.

Судебные акты арбитража о принятии обеспечительных мер подлежат выполнению сторонами. В свою очередь, принятый закон РУз о МКА не содержит в себе каких-либо санкций за невыполнение сторонами обеспечительных мер добровольно. Между тем, закон РУз о МКА распространяет полномочия по принятию обеспечительных мер на государственные суды.

В свою очередь, экономическое законодательство РУз также не предусматривает ответственность за неисполнение сторонами судебных актов об обеспечении, что, по нашему мнению, является упущением. Между тем, обратимся к арбитражному процессуальному кодексу РФ, который содержит в себе нормы, предусматривающие ответственность за неисполнение судебного акта, которые в свою очередь предусматривают наложение штрафа за неисполнение сторонами определения об обеспечительных мерах.

Статьей 14 ЗРУ-674 о МКА предусмотрен характерный признак для государств имплементировавших Типовой закон ЮНСИТРАЛ о МКА - Обращение стороны в суд до или во время арбитражного разбирательства с заявлением о принятии обеспечительных мер и вынесение судом определения о принятии таких мер не являются несовместимыми с арбитражным соглашением. Данное правило гласит о том, что независимо от того находится ли место арбитража в Узбекистане или за его пределами, стороны могут обратиться в государственный суд для реализации назначенных мер.

Следует отметить опыт стран с уже устоявшимся и развитым исследуемым институтом, так в арбитражном законодательстве РФ (аналог отечественного экономического кодекса) закреплен порядок обращения в компетентный суд с заявлением о принятии обеспечительных мер. Положениями кодекса определена альтернативная подсудность для рассмотрения соответствующих заявлений: по месту нахождения третейского суда, либо по месту нахождения или месту жительства должника, либо месту нахождения имущества должника. Кроме того, в судебной практике РФ в области применения обеспечительных мер имела случаи споры, связанные с иностранными элементами. Так, Пункт 29 информационного письма Президиума ВАС РФ от 9 июля 2013 г. № 158 «Обзор практики рассмотрения арбитражными судами дел с участием иностранных лиц» подтверждает, что положения ч. 3 ст. 90 АПК РФ распространяются на случаи, когда требуются обеспечительные меры по спору, находящемуся на рассмотрении

иностранного международного коммерческого арбитража (в таком случае процессуальная привязка «по месту нахождения третейского суда» автоматически не действует)<sup>8</sup>.

Также необходимо отметить, что процессуальное законодательство РФ и РУз не имеют нормы, которые бы предусматривали признание и принудительное исполнение актов арбитражного суда о принятии обеспечительных мер. Исполнение обеспечительных мер, принятых в МКА, может быть осуществлено стороной лишь добровольно и соответствующий акт не обладает и не может приобрести такую же юридическую силу, как определение государственного суда о принятии обеспечительных мер. В связи с этим судебные обеспечительные меры представляются более привлекательными и эффективными, чем меры арбитражного суда.

Следует подчеркнуть, что в процессуальном законодательстве РУз, несмотря на закрепленное в ЗРУ-674 о МКА за арбитражем полномочие по принятию обеспечительных мер, отсутствует механизм их принудительного исполнения. Чтобы обеспечить развитие и эффективность МКА в условиях современных международных экономических и торговых отношений, необходимо создать четкое взаимоотношение между государственными судами в части принудительного исполнения и международным арбитражем предписывающим обеспечительные меры, следует достигнуть сокращения различий между национальными законодательными подходами к регулированию вопросов, связанных с обеспечительными мерами в арбитраже. Все вышеперечисленное позволит обеспечить реальное исполнение окончательного решения арбитража по спору на территории любого государства.

### Список использованной литературы:

1. Ст. 8 Европейская Конвенция «О внешнеторговом арбитраже» (1961 г., Женева) // ИНСЕРВИС [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://www.inservice.ru/documents/euro-arb/>. - Дата доступа: 09.08.2021.
2. Типовой закон ЮНСИТРАЛ «О международном торговом арбитраже» (1985 г.)
3. Типовой закон ЮНСИТРАЛ «О международном торговом арбитраже» (1985 г., с изм., принятыми в 2006 г.) // ЮНСИТРАЛ [Электронный ресурс]. - Режим доступа: [http://www.uncitral.org/pdf/russian/texts/arbitration/ml-arb/07-87000\\_Ebook-r.pdf](http://www.uncitral.org/pdf/russian/texts/arbitration/ml-arb/07-87000_Ebook-r.pdf). - Дата обращения: 16.12.2021.
4. <https://lex.uz/docs/5294087?query=%D0%97%D0%B0%D0%BA%D0%BE%D0%BD> Дата обращения: 08.09.2021 г
5. Redfern A., Hunter M., Blackaby N. and Partasides C. The Role of National Courts During the Proceedings // Law and Practice of International Commercial Arbitration [Electronic resource]. - P. 7-22.
6. Комаров А. С. Обеспечительные меры в международном коммерческом арбитраже // Хозяйство и право. - 2004.-№4(327). - С. 42-43.
7. Данилевич А. С. Международный коммерческий арбитраж: курс лекций: в 2 ч. - Минск: Акад. управл. при Президенте Респ. Беларусь, 2005. - С. 140 - 141
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/regulirovanie-obespechitelnyh-mer-v-mezhdunarodnom-kommercheskom-arbitrazhe-sravnitelnyy-analiz-zakonodatelstva-anglii-kitaya-i> Дата обращения: 18.09.2021



**Бердимурат БАЙМУРАТОВ,**  
судья Нукусского межрайонного экономического суда

## ВЕРХОВЕНСТВО ЗАКОНА ВЫТЕКАЮЩЕЕ В СООТВЕТСТВИИ СО СТРАТЕГИЕЙ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА НА 2022 – 2026 ГОДЫ

*Реализованные в последнее время меры позволили повысить роль и ответственность судебных органов, проводятся определённые работы по обеспечению прозрачности деятельности судов и по вопросам распространения правовой информации.*

Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы», утверждены семь приоритетных направлений, которые разработаны по результатам широкого общественного обсуждения на основе принципа «От Стратегии действий — к Стратегии развития».

Из семи приоритетных направлений, вторым является превращение принципов справедливости и верховенства закона в основополагающее и необходимое условие развития страны.

**Во втором направлении поставлены цели, которые следует достичь, это:**

*надёжная защита неприкосновенности имущественных прав и ограничение незаконного вмешательства государственных органов в имущественные отношения;*

*обеспечение верховенства закона и конституционной законности, а также определение чести и достоинства человека в качестве главного критерия данного процесса;*

*установление эффективного судебного контроля за деятельностью государственных органов и должностных лиц, а также повышение уровня доступа граждан и субъектов предпринимательства к правосудию;*

*создание эффективной системы обеспечения общественной безопасности, своевременного выявления и устранения условий, способствующих совершению правонарушений;*

*формирование нового имиджа правоохранительных органов и ориентация их деятельности на эффективную защиту интересов, чести и достоинства, прав и свобод народа;*

*обеспечение своевременного и полного исполнения судебных актов и актов иных органов;*

*кардинальное повышение потенциала института адвокатуры в защите прав, свобод и законных интересов человека, а также полное удовлетворение потребности населения и субъектов предпринимательства в квалифицированных правовых услугах;*

*развитие активного гражданского общества и формирование среди граждан чувства уважения к закону и законопослушания.*

Нужно отметить, что вышеупомянутый Указ призван в первую очередь, сблизить судебные органы и органы правопорядка с населением, улучшить уровень правового обслуживания населения, а также реализовать единую государственную правовую политику, обеспечить эффективную защиту прав и свобод человека.

Для установления эффективного судебного контроля определены приоритеты судебных органов, а именно, усиление гарантий неприкосновенности и защиты частной собственности, неукоснительное обеспечение имущественных прав, расширение области применения судебного контроля посредством

совершенствования системы рассмотрения жалоб на решения должностных лиц в административных судах, усиление судебного контроля над следствием посредством дальнейшего развития института «хабеас корпус», реализация принципов подлинного равноправия и состязательности сторон в судебном процессе, внедрение системы приема заявлений вне зависимости от юрисдикции и передачи дел в компетентный суд с обеспечением разрешения всех правовых последствий в рамках определенного дела с целью широкого внедрения принципа «единого окна» в системе судов, кардинальное повышение уровня доступа граждан и субъектов предпринимательства к правосудию посредством поэтапной цифровизации судебной системы, устранения бюрократических барьеров и преград, создание необходимых организационно-правовых условий для широкого использования альтернативных методов разрешения споров, дальнейшее расширение круга применения института примирения, дальнейшее повышение роли органов судейского сообщества в обеспечении подлинной независимости судебной власти, широкое внедрение принципов судейского самоуправления, а также создание действенных механизмов предотвращения незаконного воздействия на судей, обеспечение открытости и прозрачности в формировании судейского корпуса, внедрение таких демократических принципов, как выборность и подотчетность при назначении на руководящие должности в судебной системе, осуществление работ по систематизации нормативно-правовых актов, регулирующих судебную систему.

Право на обращение граждан является одним из важных факторов обеспечения и эффективной защиты прав человека предусмотренные в статье 35 Конституции Республики Узбекистан. В связи с чем, дальнейшее совершенствование и осуществление мер по защите прав физических и юридических лиц, рассмотрение в пределах своей компетенции обращений физических и юридических лиц является главной задачей судов.

Результаты анализа показывают, что суды проводят определенную работу именно по положительному разрешению обращений физических (граждан) и юридических лиц. Судьями разрешается на выездных приёмах граждан огромное количество обращений публичного характера, т.е. обращения которым даются правовые разъяснения на местах, но вместе с тем, с физических и юридических лиц в суды поступают устные и письменные обращения, которые также изучаются и выдаются соответствующие разъяснения.

Таким образом, основываясь на принципах национального законодательства государство совершенствует свою деятельность по обеспечению прав как физических лиц, так и юридических лиц.

# THE IDEA OF HUMAN RIGHTS IN INTERNATIONAL DOCUMENTS ON HUMAN RIGHTS

***It is well known that the protection of human rights is reflected in international human rights instruments. Many documents in this regard were adopted by the world's leading countries in the XVII-XX centuries. For example, in 1689 in England and in the United States in 1789-1791, human rights documents were adopted, such as the Bill of Rights, and in 1789 in France, the Declaration of the Rights of Man and of the Citizen.***



International human rights instruments have been adopted in order to establish economic, cultural and political relations between states, to live in peace among peoples, and to prevent wars between states and peoples.

Human rights documents are divided into 3 types: the first - international documents; the second - regional documents; the third is national documents. International instruments on human rights include the UN Charter (1945), the Universal Declaration of Human Rights (1948), the Covenant on Economic, Social and Cultural Rights (1966), the Covenant on Civil and Political Rights (1966), and the Declaration on the Principles of International Law (1970), the Declaration of the Rights of the Child (1956), and others.

The idea of protecting human rights and interests is reflected in all international human rights instruments. In particular, Article 1 of the Universal Declaration of Human Rights states: "All human beings are born free and equal in dignity and rights. They are endowed with reason and conscience, and should treat one another with brotherhood".

There are currently more than 500 international human rights instruments in the world that set global human rights standards. It should be noted that the essence

of international human rights instruments is reflected in the Basic Law (Constitution) and national legislation.

The significance of international human rights instruments is that they serve to develop political, economic and cultural cooperation between states and peoples, respect for human rights and freedoms, the full realization of human rights, and the improvement of human life and living conditions.

It should be noted that international human rights instruments set out important principles of human rights protection, such as the protection of human rights, equality of human rights, human freedom, democracy in the exercise of human rights, and the fairness of human rights.

In conclusion, the purpose of the adopted international human rights instruments is to protect and strengthen the natural rights and freedoms granted to man, to respect human rights as the highest value, to promote friendly relations between peoples.



**Luqmonboy ASATOV,**  
Chairman of  
Pastdargom Inter-  
district economic court



“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат  
банки жамоаси мижозларини, ҳамкорларини,  
бутун юртдошларимизни янгилашиш  
ва ёшариш айёми —  
Наврўз байрами билан муборакбод этади!

Ўзбекистон аҳлига сиҳат-саломатлик,  
хонадонларига қут-барака,  
ишларига муваффақият тилайди!

*Наврўз*  
*муборак!*

“Микрокредитбанк” байрам муносабати  
билан Сизларга янги  
“Универсал” омонат турини  
таклиф қилади.

A smartphone with a pink screen displaying 'UNIVERSAL ОМОНАТИ' is shown. Two white cards are overlaid on the phone. The left card says '“МКВ МОБИЛЕ” МОБИЛ ИЛОВА ОРҚАЛИ ЙИЛЛИК 22%'. The right card says 'НАҚД ПУЛ ОРҚАЛИ ЙИЛЛИК 21%'. The phone screen also shows '24 ОЙ МУДДАТГА'.

“МКВ МОБИЛЕ”  
МОБИЛ ИЛОВА  
ОРҚАЛИ  
ЙИЛЛИК  
**22%**

UNIVERSAL  
ОМОНАТИ

24  
ОЙ  
МУДДАТГА

НАҚД ПУЛ  
ОРҚАЛИ  
ЙИЛЛИК  
**21%**



**МИКРОКРЕДИТБАНК**